



*танланган
асарлар*

ТОШКЕНТ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
2002

ҲАБИБ САЪДУЛЛА

*танланган
асарлар*

—
—
II

ЖИЛД

—
—
девон, драма

ТОШКЕНТ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
2002

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:
Ҳусниддин Шарипов

С—35

Саъдулла, Ҳабиб.

Танланган асарлар. II жилд / Масъул муҳаррир
Ҳ.Шарипов. — Т.: «Шарқ», 272 б.

Ўз2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2002

*Ушбу девон элга изҳори
Дилимдан бир нишон,
Эл Ҳабиб этса муяссар,
Бўлғуси дунё менга.*





ҒАЗАЛЛАР

ДЕБОЧА

Гоҳи шодлик, гоҳи гам
Курса раво дунё менга,
Кунглими ёзмоқ учун
Булмиш ғазал ошно менга.

Қайси қалб ишқдан йироқ
Булса ғазалдан ҳам йироқ,
Ишқу ашъор дардини
Солмиш кўзи шаҳло менга.


Ёрга ошиқ бўлганим
Боис ҳаёт шайдосиман,
Элу юртга жонфидолик
Умр аро маъно менга.


Эл учун арбоблар
Ёни куяр, шоир жони —
Мир Алишердан муқаддас
Таълиму фатво менга.

Менки Бобурга ватандош,
Шоҳи Машраб вориси,
Бахтлиманки, даврадош
Эркин каби гуё менга.

Она халққа меҳрин айтур
Ҳар киши ўз ҳолича,
Ёт эрур мумтозликни
Айламоқ даъво менга.

Ушбу девон элга изҳори
Дилимдан бир нишон,
Эл Ҳабиб этса муяссар,
Бўлгуси дунё менга.





АГАР СЕН...

Агар сен норасо бўлсанг,
Бу олам норасо сенга,
Ҳаётга нораво бўлсанг,
Ҳаёт ҳам нораво сенга.

Бу дунё кори шундоқким,
Топурсан ҳар не изларсан,
Агар сен ошино бўлсанг
Булурлар ошино сенга.


Меҳр, лутфу садоқат — дўсту
Ёрликнинг буюк шарти,
Агар сен бевафо бўлсанг
Улар ҳам бевафо сенга.

Қидирма ўзгалардан саҳв ким,
Саҳв ичра ботгайсан,
Агар сен саҳв этиб отсанг,
Отурлар бехато сенга.

Ҳаёли, пок одам ҳаргиз
Бировлар устидан кулмас,
Агар сен беҳаёсан, эл
Курингай беҳаё сенга.

Сени бу нурли оламга
Нур улашмоққа кетурмишлар,
Агар қалбинг басир бўлса
Ёруғ кун ҳам сиёҳ сенга.

Ёруғ кунлар умидида, Ҳабиб,
Умринг ўтиб боргай,
Шукурким, яхшилар меҳри
Раво сенга, даво сенга.





КҮЗГУГА

Раҳм қилгил, бўлмасин сув,
Боқма, жонон, кўзгуга,
Бўлмасин тор кенг жаҳону
Еру осмон кўзгуга.


Бир нигоҳ этсанг эрир дил,
Мисли ўтда қатра мой,
Баски, жоним, бу балони
Тутма осон кўзгуга.

Кўзларингдан нур олибму,
Шунча порлайдур қуёш,
Ё кўзингдан рашк этиб
Боққайму пинҳон кўзгуга?

Билмадим, ё тим — қора тун
Кўзларингдан олди ранг,
Ёки кун тунни яратди,
Бермай имкон кўзгуга.

Талпинурсан кўзгуга сен
Ўз кўзингга зор бўлиб,
Шунча бахту шунча иқбол
Битта бежон кўзгуга.

Гарчи бир бор боққанингда,
Минг куйиб ёнгай Ҳабиб,
Айланиш истайди беор
Жисм ила жон кўзгуга.





КЕЛМАГАНИНГДА

Ваъда бериб кузи хумор,
Келмаганинга,
Дил бўзлагай мисли дутор
Келмаганинга.

Келгайму, деб йўлларингга
Зор термилишдан
Рангим сомон, кўз интизор
Келмаганинга.


Ҳар шарпадан тан ларзада,
Жон беқарордир,
Йўқлаб сени девонавор
Келмаганинга.

Ўксик дилим юпатгани
Гул очдию вале,
Куздай паришондир баҳор
Келмаганинга.

Бу не маломат бошима,
Бу не азоб эрур,
Оҳимга, эй безътибор,
Келмаганинга.

Гар қийнамоқлик қасдида
Келмаган эрсанг
Қийноқдаги жоним нисор
Келмаганинга.

Жону жаҳоним истасанг
Жон, деб тутай, Ҳабиб,
Келмоқни этгил ихтиёр
Келмаганинга.





БИЗНИНГ НАМАНГОНДА

Сепин ёймиш келиб бул кун
Баҳор бизнинг Намангонда,
Баҳор атрин уфургай шом,
Наҳор бизнинг Намангонда.


Қуёш ардоқлаб уйготмиш
Заминни нозли уйқудан,
Бу ҳолатдан юракларда
Шарор бизнинг Намангонда.

Бодом бирла ўрикларнинг
Безанган шохларида ноз,
Шу ноздан маст бўлиб куйлар
Дутор бизнинг Намангонда.

Бугун деҳқонда ором йўқ,
Йўқотган тинчини ушшоқ,
Кўнгилларда ширин аҳду
Қарор бизнинг Намангонда.

Ҳукмрон уйғониш фасли,
Висолу покланиш фасли.
Ният пок бўлса ҳар ишда,
Барор бизнинг Намангонда.

Кўнгиллар кунжидан қувгил,
Биродар, қиш губорини,
Мусаффоликда фош бўлгай
Губор бизнинг Намангонда.



Қуёш тафтин, баҳор забтин
Дилиннга жойлагил мангу,
Агар жойлолмасанг, даф бўл,
Не бор бизнинг Намангонда?!



БОШИНГ ЁСТИҚҚА ЕТГАНДА

Хуруж қилгай бори дардинг
Бошинг ёстиққа етганда,
Булолмас кимса ҳамдардинг
Бошинг ёстиққа етганда.


Ўзинг бирла қолиб танҳо
Фақат кўзга кўрингай жон,
Булак нени ҳам истардинг
Бошинг ёстиққа етганда.


Агар умринг буйи йигдинг
Чекиб заҳмат зару зумрад,
Куринмас мисли бир гардинг
Бошинг ёстиққа етганда.

Булиб бошингда парвона
Умид бахш айлагай ёр-дуст,
Тиниқ деб чеҳраи зардинг
Бошинг ёстиққа етганда.

Туну кун волиданг жонинг
Тилаб Оллоҳга ёлборгай,
Унга озор еткардинг
Бошинг ёстиққа етганда.

Магар ёринг турар тайёр
Азобингни булишмоққа,
Азобни бир ўзинг тортдинг
Бошинг ёстиққа етганда.






Яратгандан кутиб имдод,
Шифокордан нажот истаб,
Саломатликни қўмсардинг
Бошинг ёстиққа етганда.

Бу оламга нечун келдинг,
Одамлар илтифотидан
Билингай эл аро қадринг
Бошинг ёстиққа етганда.

Огир дард ҳам худонинг
Бандасига имтиҳон эрмиш,
Ҳабиб, зорланмай уткардинг
Бошинг ёстиққа етганда.





КҮЧАМДАН ЖОНОН ҰТГАНДА

Таралгай мушк ила анбар
Кучамдан жонон ұтганда,
Изида тупроқ ұлгай зар,
Кучамдан жонон ұтганда.


Бошига соябон бұлмоқ
Умидида ошиб девор,
Бутоқлар таъзим айларлар
Кучамдан жонон ұтганда.

Деворга жон ато этгай,
Вале тошлар эриб кетгай,
Агар бир бор нигоҳ айлар
Кучамдан жонон ұтганда.

Жамолини тамошо қилгали
Чиққач, девор ұлсам,
Кулар ҳолимга мажнунлар
Кучамдан жонон ұтганда.

Бошимга ёгса ҳам гавго,
Ишим йул пойламоқ, аммо
Нигоҳ солмай этар баттар
Кучамдан жонон ұтганда.

Тикибсан йулида жонни,
Ҳабиб, бас, ноумид бұлма,
Тун ортидан келур кунлар,
Кучамдан жонон ұтганда.





САФАРДА

Қадди ниҳолинг истарам,
Дилдор, кўчаларда,
Ойдин жамолинг истарам
Зор-зор кечаларда.


Нетонг, кўчалар файзсиз эса,
Сенсиз азизам,
Чехраи олинг истарам
Абгор кечаларда.


Икки кўзинг бўлиб боқур
Ўулкару Зуҳро,
Қошу ҳилолинг истарам
Ўуммор кечаларда.

Ўуммор кечалар шахди
Лабинг хоҳиши бирла
Ширин мақолинг истарам
Бемор кечаларда.

Беморман агар боиси ёр
Соғинишимдир,
Лабдаги болинг истарам
Такрор кечаларда.

Такрорки олис кетмагуси
Зор Ҳабибинг,
Бас, шунча булар бўлса агар
Хор кўчаларда.





ҲАР ЛАҲЗА, ҲАР ЛАҲЗА

Нигорим, гул юзинг кўргим келур
Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза,
Кўзингга термилиб тургим келур
Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Магар дунёга келмишман
Сени севмоқ умидида,
Муҳаббат гаштини сургим келур
Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.


Жамолинг шуъласи мангу
Мунаввар этди иқболим,
Рақибим рашқда куйдургим келур
Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Ўзинг ишқим, баҳоримсан,
Гурур бирла тутиб дастинг,
Халойиқ ичра гоз юргим келур
Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Десам севгим, десам эркам,
Бу сўз кам, жисм аро жонсан,
Лабингдан жон сувин сўргим келур
Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Вафодорим, ёниқ меҳринг,
Ширин васлинг ҳақи минг бор,
Бошингга бахтни қўндиргум келур
Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.

Ҳабиб, умрим вафо, ишқу
Садоқат рамзидир билсанг,
Уни измингга топширгим келур
Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза.





ҚАДАҲ СЎЗИ

(Дўстларим Анвар ва Муҳаббатнинг туйида)

Ҳаёт, сендан суровим, пок
Табиатдан жудо қилма,
Табиат ичра мавжуд
Нозу неъматдан жудо қилма.


Бари неъматлар ичра
Энг лазиздир дўстларим меҳри,
Жудо қилсанг-да жонимдан,
Шу лаззатдан жудо қилма.


Бу кун қўлда қадаҳ бирла
Сўз айтурман садоқат-ла,
Қадаҳ гар лаҳзалиқ, мангу
Садоқатдан жудо қилма.

Менинг олам аро ганжим
Дилимда ёнган ишқимдир,
Дилимни ишқ аталмиш ул
Маҳобатдан жудо қилма.

Қай ул кўнгилда ишқ бўлса
Жаҳон унга гулистондир,
Гулистон деб аталган
Ишқли жаннатдан жудо қилма.

Келин бирла куёв топмиш
Ўз иқболин муҳаббатдан,
Умрлар бўйи Анварни
Муҳаббатдан жудо қилма.






Муҳаббатдан қурилмоқда
Бу ошёнда ажиб бир тахт,
Бу ошённи вафо номли
Иморатдан жудо қилма.

Ҳамиша дустлар иқболи
Ҳабибга муддао бўлмиш,
Уларни шод кўришдек
Зўр саодатдан жудо қилма.





КЕЛ, ЭЙ ДИЛДОР

Кел, эй дилдор, очай сенга
Дилим розин, малол олма,
Муҳаббат шевасин куйлар
Эса созим, малол олма.

Муҳаббатсиз юрак бебаҳрадир
Нурдан, ҳароратдан,
Ки тошдай фарқ этолмас ул
Қишу ёзин, малол олма.

Сенинг ишқинг қуёш янглиғ
Баҳор бахш этди қалбимга,
Баҳор — қалбимга киргил
Қурғали базм, малол олма.

Ўзинг бахту баҳоримсан,
Бошингдан зар сочолмасман,
Нисор этгум дилим, меҳрим,
Кўпу озим, малол олма.

Ҳабиб кутгай сени дилда
Ғазал, қўлда дутор бирла,
Йўлингга кўз нурым айлай
Пойандозим, малол олма.



ҚҰШИҚ

Дилором Сафоевага

Сукут сақла сен, эй булбул,
Дилоромхон қушиқ айтса,
Тугун гунчангни очгил, гул,
Дилоромхон қушиқ айтса.


Гаҳи эслатса ёшликни,
Гаҳи боғ сайрига бошлаб,
Менинг қалбимга излар йул
Дилоромхон қушиқ айтса.

Қушиқдан ишқ туғилганму
Ва ё ишқдан қушиқ, билмам,
Қушиққа ташнадир кунгил
Дилоромхон қушиқ айтса.

Бу кўкрак тор эрур чандон,
Ўзингни урмагил ҳар ён,
Бекорга бўлса чил-чил дил,
Дилоромхон қушиқ айтса.

Менинг-чун беқадр хасдир
Буюк мансаб, буюк шухрат,
Туман бойлик эрур бир пул,
Дилоромхон қушиқ айтса.

Ҳабиб, улсам бошим узра
Йигилманг чорасиз, дўстлар,
Тирилгум, сўзга киргай тил,
Дилоромхон қушиқ айтса.





НЕ АЖАБ

Сендай санамнинг дилрабо,
Шайдоси бўлсам не ажаб,
Шому саҳарлар йўлида
Пайдоси бўлсам не ажаб.


Айдинг: Йўлимда интизор
Шайдоларим дунёча бор,
Дунёча ошиқлар аро
Танҳоси бўлсам не ажаб.


Айдим: Юзинг ой деб билиб,
Чиқма фалак пештоқига,
Айдингки: Кўп камситмагил,
Зухроси бўлсам не ажаб.

Сўрдим: Кўзинг юдузמידур,
Ё жонима боққан бало?
Айдинг: Жаҳон шаҳлоларин
Шаҳлоси бўлсам не ажаб.

Ул сарви қоматинг кўриб
Девдим, бу не мўъжизадир,
Айдинг: Навоий куйлаган
Лайлоси бўлсам не ажаб.


Қил илтифот, эй моҳитоб,
Айт, қай чаман фарзандисан?
Айдинг: Тароват мулкининг
Подшоси бўлсам не ажаб.





Ҳусну тароват мулкининг
Султонига жоним фидо,
Мақташга ой жамолини
Мирзоси бўлсам не ажаб.

Айдингки, васфим битгали
Ёлғиз Ҳабиб камлик қилур,
Аҳли шуаро шеърининг
Маъноси бўлсам не ажаб?!





ҚАҲРАТОННИНГ ҚАТТИҚ
ҲАЗИЛИ

Чилланинг нақ уртасида
Келди қиш ҳам қалтираб,
Куп соғинтиргач, ниҳоят,
Ёғди қор ҳам ялтираб.


Қишни орзу айлаганлар
Минг пушаймондир бугун,
Қайдадир газ учди мутлоқ,
Қайда ёнгай милтираб.


Во ажабким — қайнамас чой
Кун бўйи турган билан,
Қайнашур атрофида
Ночор хотинлар чулдираб.

Газ иситгичлар турар
Уйларга бахш айлаб виқор,
Гарчи газ келмас қувурдан,
Газчи келгай пул сўраб.

Гуппи тунга бурканиб,
Тилпон гўшак эрмак бўлиб,
Қунгироқ қилгуси дўстлар
Бир-биридан ҳол сўраб.

Йил бўйи газ омборига
Гап тўлибдир, газ эмас,
Алданиб боз халқу раҳбар
Ўлтирурлар мўлтираб.





Ваъдабозликда улоқни
Олди бу йил ҳам, бале,
Бир «Вилоятгаз» деган
Даргоҳ белига қўл тираб.

Бизда асли аввал-охир
Қиш бўлар бир ойгина
Элга не даркор бу даргоҳ,
Бермаса бир ой яраб?

Сен ахир халқингни дардин
Айт, дея эл қистагай,
Мен тилим тишлаб турарман,
Не иложким, гўлдираб.

Чунки ушбу ваъдабоз даргоҳ
Бошида неча йил
Неча йиллик бир қадрдон
Даврадошим ўлтирар.

Гар намангонлик эрурман,
Сабру-бардошга мисол,
Охири ёздим бу шеъримни
Чидам қасрим нураб.



СЕВ

Истасанг инсон бўлишни
Аввало инсонни сев,
Севги бахтин ҳадя этган
Шул лазиз имконни сев.


Севмагил сен ўз ўзингни
Эл аро танҳо билиб,
Ҳар тирик жонда ўзингни
Кўргилу ҳар жонни сев.

Билки, боқий олам ичра
Умримиз бир лаҳзадир,
Бу ҳаётга ҳамма меҳмон,
Танти бўл, меҳмонни сев.

Ҳирс қўйиб зўр ёки зарга,
Тутма нопоклик йўлин,
Қисқа умринг зийнати деб
Эътиқод, имонни сев.

Могу дунё бевафодир,
Бу боболар ҳикмати,
Барчага бирдай баробар
Ерни сев, осмонни сев.

Эсда тут, ҳар қилмишинга
Ер гувоҳ, осмон гувоҳ,
Хоҳи виждонингни ютгил,
Хоҳлагил шайтонни сев.



Бу умрда нени севсанг
Шу билан қолгай отинг,
Элни сев, ё пулни сев,
Ё бир гузал жононни сев.

Севгидан бебаҳраларга
Сузни ҳайф этма, Ҳабиб,
Айшпараст оқилни қуйгил,
Ишқпараст нодонни сев.





ЛАҲЗА

Күзинг күзимга тушди-ю,
Қароғингда ёнди олов,
Қароғингдан ўт олдим,
Қабоғингда ёнди олов.


Нигоҳларим силар экан
Қошу қабоғингни, гўзал,
Лахча бўлиб турган икки
Ёноғингда ёнди олов.

Икки ёноғинг устига
Оч назарим босдию лаб,
Ширин табассум айладинг,
Дудоғингда ёнди олов?!

Атлас либос гулхан мисол
Олди күзим, билолмадим,
Сенми олов бағрида ё,
Қучоғингда ёнди олов?!

Нозу карашмалар билан
Оҳиста юрдинг мен сари,
Босган изингдан ўт чиқиб,
Оёғингда ёнди олов.

Эсингни йиг, жонон эмас,
Ўтда ўзинг қолдинг, Ҳабиб,
Бир сўз демоқчи бўлдинг
Томоғингда ёнди олов.





БЎЛМАСАНГ

Минг тасанно қоматингга,
Бунча зебо бўлмасанг,
Сарвқадлар доғда қолмиш,
Бунча барно бўлмасанг.


Бош уриб пойингга гуллар
Хокипо бўлгаймиди,
Боғда кўрсатсанг жамолинг,
Кўрқда танҳо бўлмасанг.

Гарчи ёнди рашқда гулшан,
Дилда туздинг бир чаман,
Қайдан эрди бу чаман, сен
Унда пайдо бўлмасанг.

Оҳ, бу қомат, бу малоҳат,
Бу тароват куйида
Ўт туташди хаста жонга,
Ёнгай ошно бўлмасанг.

Кун жамолинг этди, жонон,
Қалбу шаҳрим пурзиё,
Қўрқаман бўлгай Намангон
Мисли саҳро, бўлмасанг.

Сен Намангон ташвишида
Оҳ урарсан, эй Ҳабиб,
Балки ҳеч уртанмас эрдинг
Ёрга шайдо бўлмасанг.





ЁНИМДА СЕН БЎЛСАНГ

Баҳористон эрур қалбим,
Нигор, ёнимда сен бўлсанг,
На қалбим, бу буюк олам
Баҳор ёнимда сен бўлсанг.

Қаро зулфинг бўйи бир бор
Димоғимга урилганда,
Йуқолгуси гами ҳижрон,
Губор ёнимда сен бўлсанг.

Бўйингдан сарв хижолатда,
Юзинг рангини кўрганда,
Дилин чок-чок қилур рашкдан
Анор ёнимда сен бўлсанг.

Бошим кўкларга етмасму,
Ҳавасдан эл ёниб боқса,
Аё ун етти ёшли
Гул узор, ёнимда сен бўлсанг.

Ҳабиб сенга бўлибдур ром,
Фироқда қўймагил зинҳор,
Тиларман, бир умр кўзи
Хумор ёнимда сен бўлсанг.



КЕТСАНГ

Келар булсанг кунгил гулшан,
Дилим вайрон булур кетсанг,
Куришганда тилим бурро,
Эсим хайрон булур кетсанг.


Ёниб қошимда ултурсанг
Жамолингдан кюзим равшан,
Изингни тўтиё қилмоқ
Учун гирён булур кетсанг.

Хумор боқишларинг, дилдор,
Жонимга бахш этур ором,
Кетиб ҳатто мажолим ҳам,
Таним бежон булур кетсанг.

Тараҳҳум айласанг ширин
Лабингдан бол томар, ҳай-ҳай,
Жаҳоннинг болу қанди ҳам
Тахир, нордон булур кетсанг.

Сочинг жаннат ҳидин сочгай
Келиб куксимга бош қўйсанг,
Қолиб дузах ўти ичра
Вужуд сўзон булур кетсанг.

Ҳабиб, согинганинг чоғлар
Ғазал битдингму, деб сўрма,
Қочур илҳом, синур довот,
Ишим нолон булур кетсанг.



НАВРЎЗИНГ МУБОРАК

Ассалом, шонли элим,
Бўлгай муборак наврўзинг,
Кўкда порлоқ офтобу
Ерда нурли ол юзинг.

Янги асру янги йилда
Янги омаддан дарак,
Ҳур заминда ниш уриб,
Боғда гул очган ризқ-рўзинг.

Бош кўтармиш тоғда лола
Уйғонибдир қир-адир,
Мисли гафлатдан кўз очган
Онг, гуруринг ҳам сўзинг.

Ҳеч эрур қадри баҳорнинг
Дил агар мудроқ эса,
Уйғониб кўкламга шиддат
Бахш этувчи сен ўзинг.

Минг шукр, бўлмиш насиб
Озод Ватан, эркин баҳор,
Нурли истиқболга имон
Бирла боқмишдир кўзинг.

Мен баҳор кўркида кўргум
Ўзбекистон эртасин,
Унда бир хилда мунаввар
Ҳам кечанг, ҳам кундузинг.

Эй Ҳабиб, комил имоним
Неча наврўзлар ўтар,
Тоабад учмас, элим,
Манглайда толе юлдузинг.



КЎЗЛАРИНГ

(Ҳазил)

Қанча шоирлар тилида
Бўлди дoston кўзларинг,
Ким учундир бўлди орзу,
Ким учун жон, кўзларинг.

Зор Лутфий васф қилди,
Ҳам Навоий куйлади,
Ҳам Муқийм, Фурқат дилида
Бўлди армон кўзларинг.


Во ажабким, сен ўзингдай
Асти билмас ўзгариш,
Ўтса ҳамки қанча даври
Қанча даврон, кўзларинг.

Кай китобга қўл узатсам,
Ўт каби чақнар мудом,
Икки «оташ», икки «шахло»,
Икки «фаттон» кўзларинг.

Шу йўсинда қанча-қанча
Элни шоир айлади,
Қанчаларга тутқазиб соз
Этди «хушхон» кўзларинг.

Бу жаҳонга келганида
Асли оддий кўз эди,
Шунча мақтовлар қошида
Қолди ҳайрон кўзларинг.

Ўзгаларга зору гирён,
Вожаб, шоир деса,
Қочгали ҳеч жой тополмас
Кўзларинг, жон кўзларинг.





ОМАД

Боболар нақл этурларким,
Ҳаётда бор экан омад,
Ҳалол, заҳматкаш инсонга
Ҳамиша ёр экан омад.


Менинг наздимда ҳам дўстлар,
Бу ҳикматда ҳақиқат бор,
Туғилган онидан аммо
Тамоман кўр экан омад.


Шу боис йўлга кирганда
Етаклаб кетмиш олчоқлар,
Уларнинг дастидан асло
Қочолмай зор экан омад.

Кимики кечаю кундуз
Ҳалол меҳнат била кутгай,
Унинг қошига йўл топмай
Мудом ночор экан омад.

Сўқир бечорани доим
Сотур пулдорлар қулдай,
Иложсиздир, деманг ҳаргиз
«Лаганбардор экан омад».

Гоҳи нодонга қулдир ул,
Гоҳи жоҳилга шамширдир,
Уларнинг изми-ла поклик.
Осилган дор экан омад.





Ҳақиқатни кумиб ерга,
Гоҳи оқни сиёҳ дерга
Имонсизга изн бергай,
Қаранг, беор экан омад.

Машаққатни билиб эзгу,
Яратсанг боғ, чиқарсанг сув,
Ҳаётнинг лаззати ҳам шу,
Магар йўқ, бор экан омад.

Ёнаркан ишқ ути дилда,
Ҳабиб, бас, шул эрур бахтинг,
Муҳаббатсиз кўнгилларга
Фақат даркор экан омад.





ЗАДАРЁ ГҶЗАЛИГА

(Дастхат)

Гузал Нурхон, табиат
Сизни нурдан айламиш бунёд,
Шу бирла чул Задарёни
Зимистондан этиб озо.

Юзингизда чаман акси,
Лабингиз гунчадек, воҳ-воҳ,
Қадингиз сарвдан аъло,
Санобардан эрур шамшод.


Ажиб жонбахш кўзларким,
Кўйида шоҳ гадо бўлгай,
Қалам қошларни кўрган дер:
Чизиб кетганмикан Беҳзод.

Бу ҳусну, бу тароватким,
Этибдир Сизни Шириндай,
Ажаб не, васлингиз излаб
Келибдир неча минг Фарҳод.

Висолингиз умидида
Тузиб саҳрода бўстонлар,
Шаҳар бунёд этмишлар
Йўлингиз этгали обод.

Ярашгай Сизга бўстонлар,
Муносиб Сизга дostonлар,
Бу талъатга, бу хилқатга
Ярашгай неча шоҳ ижод.

Навоий етмагай, ҳайҳот,
Битурга таърифингизни,
Нўноқ таъриф билан ночор
Ҳабиб ўз кўнглин айлар шод.





ШАЙДО ДЕСАНГ, ДЕ

Майли, менга таъна қилиб,
Шайдо десанг, де.
Ишқ деб, кўзига тор эрур
Дунё десанг, де.

Пинҳон эмас туғилганим,
Элга аёндир,
Севгиси ҳам элга аён
Ҳатто десанг, де.


Сен яширин иш тутасан,
Қўрқасан элдан,
Шоҳу гадога мени дўст,
Ошно десанг, де.

Шурлик ганим, айб қидириб,
Овора бўлма,
Ошиқлигим гуноҳ эса,
Расво десанг, де.

Миш-мишларингу гийбатинг
Бермаса фойда,
«Нодон бу халқ, ёлғиз ўзим
Доно» десанг, де.

Мен найлайн, қасдим учун
Сен яралибсан
Бедор эрурман шу сабаб,
Дарё десанг, де.

Ишқи Ҳабибни асрагай
Хавфу хатардан,
Қилмайди-я ажалга ҳам
Парво десанг, де.





ДАРӘ

Менинг умрим каби шошқин
Оқар дарә,
Менинг кўнглим каби тошқин
Оқар дарә.



Буюк шиддат, буюк қудрат
Унга хосдир,
Асов тойдир, уриб тўлқин
Оқар дарә.

Қилиб ғавго, уриб тошларни
Тошларга,
Саёз жойда солиб шовқин
Оқар дарә.

Гоҳи уйчан эрур гүё
Мунажжим чол,
Гоҳи шоир мисол жўшқин
Оқар дарә.

Шу кори-ла у инсонга
Кетар ўхшаб,
Ҳаётнинг ё олиб машқин
Оқар дарә.

Жавоҳир сақлаган жойда,
Таажжубким,
Билинтирмай ажиб сокин
Оқар дарә.



Сирин билмоққа интилсам,
Умр етмас,
Тагин умрим каби шошқин
Оқар дарә.



НЕ ИЛОЖ

Бизни ўзингизга раво
Билмасангиз, не илож?
Оҳ урамиз, зарра писанд
Қилмасангиз, не илож?


Чарчамадик ҳеч интилиб,
Соя мисол эргашиб,
Биздан кулиб, бизга эса
Кулмасангиз, не илож?


Жунун ичра бизку Қайсинг
Қисматидан тонмадик,
Лайли мисол бир ҳол сўраб
Келмасангиз, не илож?

Биз ерда, Сиз самодасиз
Ҳусну гурур бобида,
Кукда туриб назарга ҳам
Илмасангиз, не илож?

Сизни деганмиз барибир,
Аҳдда турармиз бир умр,
Лутф этибон, ганим дилин
Тилмасангиз, не илож?

Ошиқ учун умид — ҳаёт,
Нажот эрур муҳаббат,
Бу ҳикматни бугунча Сиз
Билмасангиз, не илож?





ГУЛИМ, НЕЧУН...

Гулим, нечун очилмагай гулингиз,
Қай бағритош ранжитди гул дилингиз?

Гул қадрини билмаган ул дилозор,
Арзирмикан бўлмоққа бир қулингиз.

Гунча даҳан кулмоқ учун яралган,
Чеҳра очиб, хандон отиб кулингиз.

Тишларингиз ёғдусидан нур олсин,
Хуш атрингиз билан тўла йўлингиз.

Бир лаҳзага қовоғингиз уюлса,
Кўнглим синар, оҳ, эҳтиёт бўлингиз.

Кулгига зор гамга тўла бу дунё,
Кулиб уни ободу шод қилингиз.

Кулиш билмас бадқовоқлар қасдига
Кулгу билан мангу Ҳабиб бўлингиз.





МУҲАББАТ

Қачонки нотавон кўнгил,
Фариштам, Сизга боғланди,
Магар хоки туроб эрди,
Ўшал аснода тоғланди.

Мунаввар бўлди дунёси
Қуёшрў суратингиздан,
Зимистондан чиқиб гўё
Зиё бирла қучоқланди.


Ҳаётбахш кўзларингиздан,
Дурафшон сўзларингиздан,
Қанот пайдо қилиб, моҳим,
Буюк парвозга чоғланди.

Бу кун осмон тутар ўзни,
Унга олам гулистондир,
Неча ишқсиз томонидан
«Бу не ҳол?» деб сўроғланди.

Жамолингиз кўриб хушҳол,
Висол ониди масту лол,
Сизингиз қолса бир лаҳза,
Куйиб доғланди, доғланди.

Шукрим, бахтига борсиз,
Ажиб мунис ва дилдорсиз,
Бутундир лутфингиз бирла
Магар юз бор пичоғланди.

Ҳабиб, қай бир кўнгилга ёр эса,
Шундоқ ажиб қисмат,
Муҳаббат дostonидан, демак,
Бир боб вароғланди.





БОЗОР ИҚТИСОДИ

Билолмам, неча ой бўлди,
Қалам мендан узоқлашди.
Демангким, бахт кулиб боқди,
Алам мендан узоқлашди.


Магар бахт бирла ғам юргай,
Туғишгандай эгиз ҳар дам,
Қачон бахтга яқинлашсам,
Шу дам мендан узоқлашди.

Одамлар наздида мендай
Ғами йўқ бахтиёр йўқдир,
Қачон, дўстлар, ғаму ҳижрон,
Ситам мендан узоқлашди.

Меҳрга ташна ўтгайман,
Агарчи меҳрибоним йўқ,
Бировга меҳрибон бўлсам,
У ҳам мендан узоқлашди.

Навога иштиёқ қолмай,
Йўқотмишдир калом қадрин,
Ки мол, бойлик кетин қувлаб,
Одам мендан узоқлашди.

Ҳабиб, ҳаргиз ажабланма,
Карам қилгучи Оллоҳдир,
Дема гар бандалар кетса,
Карам мендан узоқлашди.





КЕЛГАЙМИ, КЕЛМАГАЙМИ

Тонг отди. Боз хаёлим:
Келгайми, келмагайми?
Ул қомати ниҳолим
Келгайми, келмагайми?

Күзим йўлида гирён,
Зорман кўришга ҳар он,
Зор этган ойжамолим
Келгайми, келмагайми?


Гулгун лабида ханда,
Мен ҳар сўзига банда,
Шаккар лабида болим
Келгайми, келмагайми?

Чорлаб ўтар ҳаётим,
Васли мудом муродим,
Доим сўроқ — саволим:
Келгайми, келмагайми?

Келганда кўксим осмон,
Кетгач кўнгилда армон,
Боз ақли баркамолим
Келгайми, келмагайми?

Богим дея қувонсам,
Тогим дея суянсам,
Етмасмикин малолим,
Келгайми, келмагайми?

Бахтимга бор бўлгай,
Умримга ёр бўлгай,
Кўрмай сира заволин,
Келгайми, келмагайми...





СЕНГА

Нечун офтобга ухшатмай,
Парируйим, жамолингни,
Асрлар орзу айлашди
Шуаро қад-камолингни.

Жаҳонгирликни тарк айлаб
Темур кезгайди саргашта,
Куришга зор ўларди
Беназир рухсори олингни.


Улугбек тун бўйи бедор
Күзин тикмас эди кўкка,
Фалак бир бора кўрсатса
Күзинг — юлдуз мисолингни.

Навоий юз бурар эрди
Ўшал Лайлою Шириндан,
Бирор бор гар эшитганда
Сенинг ширин мақолингни.

Кераксиз тош билиб Бобур
Буюк Ҳиндуда шоҳликни,
Гадо янглиғ тилар эрди
Лабингдан қатра болингни.

Ҳавас қилсин Темур, Бобур,
Улугбек ҳам, Навоий ҳам,
Не бахтки, гоҳи-гоҳи мен
Күриб қолгум жамолингни.

Шунинг-чун, гоҳ соғинтирсанг,
Ҳабиб, ашъорга ёлборгум,
Бировларнинг висолидан
Күриб афзал хаёлингни.





ИЛҲОМ ПАРИСИГА

Сенга таъзимдаман, моҳим,
Эгиб қошингда бошимни,
Менга сен қайта бахш этдинг
Олов ун етти ёшимни.


Сенга ун етти ёш янглиг
Асир бўлдим, асирингман,
Менга ноз айлабон кўрдинг
Синаб сабримни, дошимни.

Сенга қалбимни тутдим мен
Мисоли лаҳча чўғ, жонон,
Менга сен ҳадя этдинг
Ишқ аталмиш бир қуёшимни.

Сенга ишқимни бахш этдим,
Йўқ эрди ўзга бир ганжим,
Менга сен илтифот қилдинг,
Санаб гавҳарга тошимни.

Сенга арз айлаган эрдим,
Висолингдан умид боғлаб,
Менга васлинг насиб этдинг,
Оқизмай кўзда ёшимни.

Сенга боғланганим боис,
Ҳабиб, лазатлидир умрим,
Менга ҳажринг раво айлаб,
Заҳарлаб кетма ошимни.





СИЗДАН САДО

Кулди баҳорим Сиз томондан
Шўх сабо келган куни,
Ул шўх сабо қанотида
Дилдор наво келган куни.


Дилдор наво билан баҳор
Оғушига олмиш мени,
Дилдор наво оҳангида
Сиздан садо келган куни.

Шу бир ширин садо билан
Лутф этдингиз Ҳотам сифат,
Пойига тилло тўқдингиз,
Гуё гадо келган куни.

Гуё гадо кутган эди
Ширин садонгиз хаста дил,
Олам мунаввардир, мана,
Унга даво келган куни.

Унга даво бахш этдингиз
Ҳолин сўраб, доногинам.
Юз йил узайди умри ҳам
Аҳдга вафо келган куни.

Аҳдга вафоси ҳурмати,
Меҳри зиёси ҳурмати,
Бошимга тож айлай, Ҳабиб,
Нозик адо келган куни.





НАМАНГОН ҚИЗЛАРИ

Гулшан Намангон кўксида
Раъно Намангон қизлари,
Одоб-ҳаёли дилнавоз
Зебо Намангон қизлари.


Гул қўлларида гул униб,
Гулларга буркаб шаҳрини,
Ўз санъатига ўзлари
Шайдо Намангон қизлари.

Боққанда шаҳрим кўркига
Сезгум латофат сирларин,
Сиз бу гўзаллик соҳиби
Доно Намангон қизлари.

Атлас кийиб, лов-лов ёниб,
Мисли товус минг товланиб,
Сайр этсангиз гулбоғ аро
Барно Намангон қизлари —

Бир бор нигоҳ ташларми деб,
Ё бир каломингиз кутиб,
Не бўз йигитлар бошида
Савдо, Намангон қизлари.

Ҳар тонг мисоли андалиб
Куйлайди васфингиз Ҳабиб,
Мен ҳам бирингизга ахир
Ошно, Намангон қизлари.





ЎРГАНСА-ЧИ

Мажнун келиб ишқ бобида
Мендан сабоқ урганса-чи,
Умрин гўзал ёр йўлида
Сарф айламоқ урганса-чи.

Ҳусни камолингни кўриб
Бўлса Юсуф шармандалар,
Ақлинг кўриб, Луқмон ўзин
Сезса нуноқ, урганса-чи.

Барно бўйинг кўз-кўз қилиб,
Ишқ боғида сайр айласанг,
Барчин келиб сендан гўзал
Нозу фироқ урганса-чи.

Афсонадир Тоҳир бугун,
Истар эса ишқда қиёс,
Топгуси қалбимдан қуёш
Ушлаб чироқ урганса-чи.

Ишқ оташида ўртаниб,
Куйлар экан танҳо Ҳабиб,
Мажнун ила Фарҳод келиб
Мендан сабоқ урганса-чи.



НИГОҲИНГ

Сендан ўзим, дилрабо, айланай,
Чашми чаросдек қаро, айланай.

Зийнат этиб яратмиш юртим,
Ёр, сени қодир худо, айланай.

Икки кўзинг нуридан, Намангон
Бўлди чоғи пурзиё, айланай.

Туроб эдим, йўлингда шу назар
Айлади бир кимё, айланай.

Тушса агар шу назар гадога
Этгай уни подишо, айланай.

Тушгайми деб тагин бир нигоҳинг
Кўча кезиш муддао, айланай.

Бир қарасанг жон сўраб, Ҳабибинг
Этгуси минг жон фидо, айланай.



БИЛИБ-БИЛМАЙ

Кузакда келдиму кўклам,
Севиб қолдим билиб-билмай,
Қадамлар ҳам дадил, шахдам,
Севиб қолдим билиб-билмай.


Билолмам, гул жамолингму,
Ва ё тенгсиз камолингму,
Этибдир маҳлиё, эркам,
Севиб қолдим билиб-билмай.

Билиб севмоқ ҳисоблидир,
Менинг севгим азоблидир.
Азоби дардима малҳам,
Севиб қолдим билиб-билмай.

Букилган қад расо бўлди,
Менга ишқинг асо бўлди,
Юрарман шаҳр аро хуррам,
Севиб қолдим билиб-билмай.

Висолингга етиш душвор,
Бу йўлни тарк этиш душвор,
Умид бирла яшар одам,
Севиб қолдим билиб-билмай.

Мени кўрса биров шодон,
Биров «миш-миш» тўқир чандон,
Писанд эрмас маломат ҳам,
Севиб қолдим билиб-билмай.



Эмиш севган қулига гоҳ
Қариганда берар Оллоҳ
Не тонг, қулмас, Ҳабиб бўлсам,
Севиб қолдим билиб-билмай.



НЕТАЙ

Бизга ёр бўлмоқ, азизам,
Сизга ор бўлса, нетай,
Сизга кенг дунё шу боис
Бизга тор бўлса, нетай.


Не ажабким, қисқа дастим
Чузмишам офтоб сари,
Хоки туроб ҳам мудом
Офтобга зор бўлса, нетай.

Мулки ҳуснингизга қулман,
Бир имонгизга гадо,
Бир нигоҳингиз гариб
Дилга баҳор бўлса, нетай.

Содиқ итдек эргашурман
Пойингиз кўзга суриб,
Қора зулфингиз келиб
Бўйнимга дор бўлса нетай.

Дўстларим қилгай насиҳат,
Кеч бу савдодин, дея,
Ким бу савдодин йироқдир
Хору хор бўлса, нетай.

Сизга талпинмоқ ҳаётга
Ташналик тимсолидир,
Ишқингиз бирла тириклик
Бизга ёр бўлса, нетай.



Жабрингиз жонимга роҳат,
Қилмагай ҳасрат Ҳабиб,
Қисматини ёзгучи
Парвардигор бўлса, нетай.



ОЙ

Ой жамолингиз кўриб
Ошуфтаҳол осмонда ой.
Бир талашгач Сиз билан
Кўрку камол осмонда ой.

Дейдилар: «Аслида ой
Менмидим ё улми» деб,
Ўз-ўзига ҳар кеча
Бергай савол осмонда ой.

Интизор бўлмиш ўзи ҳам
Сизни бир бор кўргали,
Шул сабаб ҳар кеч чиқар
Ошиқ мисол осмонда ой.

Не ажаб, ўт кўзларингиз
Қилса Чўлпонни хумор,
Қошингиз орзусида
Бўлгай ҳилол осмонда ой.

Ахтариб бир чора топмай
Васлингизга етгали,
Ерда кул бўлмиш Ҳабиб,
Куйган сопол осмонда ой.



СЕНЧАЛИК

Ҳеч ким сени севолмагай,
Дилдор, менчалик,
Ҳеч ким мени ҳам этмагай
Абгор сенчалик.

Ҳеч ким сенингча билмагай
Нозу карашмани,
Бир ноз учун ҳам бўлмагай
Бедор менчалик.


Ишқ этмагай ҳеч кимсани
Девона мен каби,
Ё бир париваш йўқ эрур
Ҳушёр сенчалик.

Йўқдир санам жон сўргучи бир
Хуш нигоҳ билан,
Ҳам турмаган жон бергали
Тайёр менчалик.

Ишқ оламида йўқ эрур
Мендек асиру банд,
Маъшуқа ҳам ўз ишқига
Иқрор сенчалик.

Ҳеч бир малоҳат кўрмади,
Олам сенингча, ёр,
Васлинг билан ўз бахтига
Ҳам ёр менчалик.

Ҳеч ўзга бахтни истамам,
Басдир менга, Ҳабиб,
Умрим йўлида бор экан,
Ҳамкор сенчалик.





КАМСИТМАГИЛ

Эр эсанг
Эр зотини камситмагил,
Ханжари
Е отини камситмагил.

Баски оғзинг
Болга етди, қил шукур,
Ўзга неъмат
Тотини камситмагил.

Елкасин
Гар тутмаса чиқмас эдинг,
Томга чиққач
Шотини камситмагил.

Кузларинг
Юлдузни кўзлаб қолдилар,
Ерлисан,
Ер отини камситмагил.

Гоҳ сукут
Қилса ризолик рамзи, деб
Сен Ҳабиб
Абётини камситмагил.



ГУЛГИНАМ

Гулгинам, умрим қувончи
Деб сени билгай кўнгил,
Шул сабабдан ҳар нафас
Қошингга интилгай кўнгил.

Ўзбекистон гулга кондир,
Гуллар ичра сенки бор,
Ўзга гулни бўлса ҳам, кўр,
Кўзгаму илгай кўнгил?!


Ол жамолингга боқиб,
Ҳидлаб муаттар бўйларинг,
Гоҳ бўлур масту аласт,
Гоҳ ўзига келгай кўнгил.

Субҳу шом васлинг тилаб,
Булбул мисол айлар наво,
Ёлбориб лутфинг кутиб,
Ўз бағрини тилгай кўнгил.

Сен тилинган бағрига боқ,
Раҳм этиб кўксингни оч,
Қўрқаман, васлинг йўлида
Ўздан айрилгай кўнгил.

Гар висолингга етишса
Кукка парвоз айлагай,
Йўқса, борингдан худога
Минг шукр қилгай кўнгил.

Гулга шайдолик фидойи
Андалибга хос эмиш,
Андалиб ўргилса бир,
Минг бора ўргилгай кўнгил.





БОҒДА

Дилбарим астагина
Чеҳрасидан олди рўмол,
Чеҳрадан олди рўмол,
Боғ ичра кўргузди жамол.


«Во ажаб, кўрку латофат
Ҳам бўлурму шунчалар?!»
Дедию оғзин очиб,
Гулшан аро гул бўлди лол.

Гул билан кўрк талашиб
Боғда хиромон айласа,
Сочининг ҳар толасин
Минг ўргилиб ўпди шамол.

Ҳуснига ҳайрон ўлиб,
Завқ ила ҳимматга тўлиб
Бошидан нур шодасин
Сочди қуёш инжу мисол.

Қоматин кўрган замон
Тутди табиат ҳам ёқа,
Танимай ўз неъматин
Лаҳзагина сурди хаёл.

Куриб ул манзарани
Дилда гулув «кўз тегмасин»
Гулу елдан ҳам авайлаб
Ўтадир базми висол.





ЖОНГИНАМ

Шаъми ҳуснингизга жон,
Парвона бўлмиш жонгинам.
Айланиб парвонадек
Девона бўлмиш жонгинам.

Рози дил этмоқ учун
Ўтга уриб ҳар дам узин,
Ишқ аро уздан тониб
Афсона бўлмиш жонгинам.

Фатҳ этибсиз борлигин,
Ҳатто мажоли қолмамиш,
Ажралиб бор-йўғидин
Гирёна бўлмиш жонгинам.

Ошиқ аҳли кўрмагай
Жонини жонондан лазиз,
Пойингизга ястаниб
Остона бўлмиш жонгинам.

Гар фидо бўлса висол
Умидида бир кун келиб,
Арши аълода жойи
Шоҳона бўлмиш жонгинам.



ХУШБҮЙГИНАМ

Ўтдинг кучамга нур сочиб
Кунчеҳраи хушрўйгинам,
Зулфинг ҳидига тўлдириб,
Ҳар ённи, эй хушбўйгинам.


Хуш бўйларингдан маст бўлиб,
Қолдим изингдан термулиб,
Кетди сочингга эргашиб
Ақлу-ҳушим ҳам уйгинам.

Ақлу ҳушим ҳам уйгинам
Шому-саҳар ёдинг билан,
Васфинг этар ҳар лаҳзада
Илҳому созу куйгинам.

Илҳому созу куй билан
Йул пойламоқ бўлди ишим,
Ўтгаймусан бир бор яна
Ораста, сарви бўйгинам.

Ўтсанг агар бир бор яна
Кулбам сари қўйгил қадам,
Шояд оёгинг гардидан
Иқболга тўлса уйгинам.

Гар ўзга илтифот, санам,
Сўрсам, Ҳабиб, шаккок ўлай,
Хонам нурафшон этганинг
Ҳам байрамим, ҳам тўйгинам.





ГУЛИМ

Тавсифингга сўз тополмам,
Ўзга дунёсан, гулим,
Мен гулим дерман, вале сен
Турфа раъносан, гулим.

Гул кўриб гул юзларингни
Минг хижолат бўлгуси,
Гул — чаманга, Сен эса
Оламга оросан, гулим.


Дил қитиқлаб ҳар нафас
Умрим безатгай хуш бўйинг,
Бўйларингдан ўргилай,
Жоним аро жосан, гулим.

Дейдилар гул солмас эрмиш
Булбул оҳига қулоқ,
Хонишимдан тар очилган
Ҳусни аълосан, гулим.

Мен муҳаббат боғида
Шайдойи булбул бўлмишам,
Сен вафо бўстони ичра
Менга танҳосан, гулим.

Сен менинг-чун, мен сенинг-чун
Бу жаҳонга келдимиз,
Мен жисм, сен жон эурсан,
Яъни яктосан, гулим.

Жоним ичра, бошим узра
Қўйдиму ардоқладим,
Сен Ҳабиб ашъорига
Оҳанг ва маъносан, гулим.





СИЗНИ СОҒИНСАМ

Кунгилда мавж урар тўлқин,
Нигорим, Сизни соғинсам,
Йуқолгай жон аро сабрим,
Қарорим, Сизни соғинсам.


Йулингиздан узолмай кўз
Кутиб ташрифингиз бесўз.
Қурир бу хаста жисмимда
Мадорим, Сизни соғинсам.

Орамиз бир қадам, аммо
Етишмоқ қанчалар душвор,
Туюлгай бепоён муъжаз
Диёрим, Сизни соғинсам.

Эл ичра гарчи хандонман,
Вале хушсиз, паришонман,
Паришон куйлагай ҳатто
Дуторим, Сизни соғинсам.

Хазон фаслига хосдир бу
Паришонлик умидвормен,
Бўлиб келгайсиз албатта
Баҳорим, Сизни соғинсам.

Менинг мангу баҳоримсиз,
Вафода барқароримсиз,
Шу боисдан баҳор мадҳи
Шиорим, Сизни соғинсам.





ГЎЗАЛИМ

Суҳбатинг этди асир дилни,
Қиётлик гўзалим,
Соғинурман эмди ҳар дам,
Сўзи тотлик гўзалим.

Ҳар сўзинг ширин газал,
Чеҳранг газалдан ҳам гўзал,
Лаҳза термилмоқ сенга —
Оламча шодлик, гўзалим.


Куп эрур оламда нозу
Сўз ила ҳусну камол,
Баридан аълосисан, Юсуф
Сифотлик гўзалим.

Туну кун фикру хаёлим
Учадир сенга томон,
Билмадим, сангдилмисан ё
Илтифотлик, гўзалим.

Сен меним, деб орзиқар
Хониш билан бечора қалб,
Сен меним бўл, Сен меним бўл,
Қилма ётлик, гўзалим.

Ҳам маломат, ҳам фаросат
Сенда булмиш муштарак
Қурқаман кўз тегмасин, қил
Эҳтиётлик, гўзалим.

Эҳтиёт айлаб сени қилдим
Кўзу жонимга жо,
Майли, бўлсам эл аро мен
Ёмон отлик, гўзалим.





ВИСОЛ ОҚШОМИДА

Туй бу оқшом — ишқ худоси
Танни қушгай жон билан,
Жонни жон дерларми, дўстлар,
Бўлмаса жонон билан.


Икки жисму икки жону
Икки тақдир бирлашур
Бир умрлик ишқ-муҳаббат
Аҳд ила паймон билан.

Шул азиз дамларга Оллоҳ
Бизни шоҳид айламиш,
Ҳар гувоҳнинг қадри, билки,
Ўлчанур имон билан.

Қўлда гул, тилда дуо,
Кунгилда истак пок эрур,
Бахтли бўлсин ҳур малика
Мисли зўр хоқон билан.

Тенг бўлолмай доғда қолсин
Не малика, неча шоҳ,
Ҳусну одобда Азиза,
Кучда Гайратжон билан.

Сен висол оқшомига битдинг
Ғазал, мухлис Ҳабиб,
Бахтларини куйласин
Шоир эли достон билан.





КЎЗИНГДАН

(Мушоира)

Чустий:

Дилларга тўлди меҳринг,
Эй меҳрибон, кўзингдан,
Маънога тўлди шеърим,
Муъжиз баён кўзингдан.

Шухий:

Бир бора боққанингда
Бағримга ўт туташди,
Минг марта ўргилардим,
Қолсам омон кўзингдан.


Одил:


Сўрдим сени лабингдан
Баҳри ҳаёт зилолин,
Шу дамда баҳра олди
Бу жисму жон кўзингдан.

Ҳабиб:

Гарчи сўзинг-ла дилбар
Жонимга жабр қилдинг,
Дилда ниҳоний ишқинг
Бўлди аён кўзингдан.

Бу мушоира наманганлик шоир ва ҳофиз Шухий (Абдувоҳид Аҳадов)нинг 1968 йил 15 июнда Наманган боғидаги ёзги театрда ўтказилган ижодий кечасида Чустий, Шухий, Одилжон Носиров, Нисорий, Шарқий (Азиз Турсун), Яҳё (Яҳёхон Маматхонов), Салоҳ Қориевлар билан ёзилган эди.





Нисорий:

Гарчанди кексадурман,
Келди менга йигитлик,
Ҳурмат билан боқишда
Ул навқирон кўзингдан.

Шарқий:

Хумор ул кўзингму,
Илҳом чашмасиму,
Бу жон тасаддугингму
Оламжаҳон кўзингдан.

Яҳё:


Гоҳ тутқуни зулматман,
Гоҳ оғуш этар офтоб,
Боққач оқ қаросига
Ақлим олгон кўзингдан.

Салоҳ:

Тун эрди бир хабарсиз,
Ажиб бир муъжизаким,
Бўлмиш бу дил нурафшон,
Офатижон кўзингдан.

Чустий:

Чустий, Нисорий, Шухий,
Одил, Ҳабибу Шарқий,
Яҳё, Салоҳ ёзурлар
Юз дoston кўзингдан.





НАВРЎЗ ТАРОНАСИ

Эй кунгил, яйра, қувон,
Наврўзи оламдир бугун,
Кухна дунё ҳам яшармоқ
Бирла там-тамдир бугун.


Янгиланмиш боғу роғлар,
Янгиланмиш она юрт,
Хур нафас олсанг, ҳавонинг
Тоти хуштаъмдир бугун.


Ўзбекистон бастига боқ,
Мисли майдон ичра мард,
Келбатада куч ва шиддат,
Яхшилик жамдир бугун.

Одим отгай яхши ният,
Бирла истиқбол томон
Нияти ёрдир, шу боис
Шаҳди шаҳдамдир бугун.

Навбаҳор оғушида
Ҳар ён тиниқ, осмон тиниқ,
Дил мунаввардир бугун,
Инсон мукаррамдир бугун.

Шул гузал озод Ватанга
Жумла олам кўз тикур,
Кин билан боққан ганимнинг
Қомати ҳамдир бугун.






Бегуборлик фаслидир бу,
Дусти-ёрлик фасли бу,
Бор гинангни ташла сен ҳам,
Танти, ўктамдир бугун.

Қайси кўнгил ойнасида
Қолса гар зарра губор,
Эҳ, қачон ювгум, дебон
Наврўз кўзи намдир бугун.

Эй биродар, янги йилга
Кир тиниқ кўнгил билан,
Ушбу кунлар шукрига
Минг бор шукр камдир бугун.

Бу тиниқлик, бу тароват,
Ичра соз тутган Ҳабиб,
Кимки эзгуликка шайдо,
Унга ҳамдамдир бугун.



ИСТАК

Камолиддин Раҳимовга

Булибсан торга чин ошно,
Мудом дастингда тор бўлсин,
Ки торинг янграган ҳар
Ўшада мангу баҳор бўлсин.


Диловар хонишингда акс этур
Давронга шукрона,
Ўзал даврон омон бўлсин,
Азиз эл бахтиёр бўлсин.

Чаманда лол эрур қумри
Ажиб созу овозингдан,
Агар рашк айлағай булбул,
Қуй энди, шармисор бўлсин.

Не тонгким, сенга завқ берган
Ўзал маскан Намангондир,
Қаерда бу киби бўстон,
Бу янглиғ лолазор бўлсин?

Қачонки айласанг хониш
«Камол топ!» дер жувону пир,
Камолинг баркамол бўлсин
Ва умринг пойдор бўлсин.

Бу санъат гулшани ичра
Ўзурсан беназир гулшан,
Тиконни ким раво кўрса,
Тиконларга дучор бўлсин.




Қушиқ кўнгил зиёсидур,
Қушиқсиз дил зимистонмиш,
Қушиқ бирла ҳаётинг ҳам
Нурафшон, шуъладор бўлсин.

Баҳористон диёрим мадҳини
Куйлаш эрур бахтинг,
Диёрим мангу бор бўлсин,
Шу бахтинг барқарор бўлсин.

Элим санъатни ардоқлаб,
Дилин унга диёр айлар,
Сенинг ҳам санъату исминг
Учун диллар диёр бўлсин.





УМРИНГ УЗУН БЎЛСИН

Жамолинг этди кўнглим маҳлиё,
Умринг узун бўлсин,
Юзингдан кўзларим олмиш зиё,
Умринг узун бўлсин.


Келардинг хуш табассум-ла
Мунаввар айлаб оламни,
Бўлиб лол термулар еру само,
Умринг узун бўлсин.


Куриб чехрангда ўз аксин
Қуёш ҳайрону лол эрди,
Табиат гул очиб айлар дуо:
Умринг узун бўлсин!

Қуёшнинг етти рангидан
Олиб атлас кийибсанким,
Намангон бўлди сен-ла бебаҳо,
Умринг узун бўлсин.

Кутиб бир илтифотингни
Йулингда интизор барча,
Тилар, бир бор қараб қўй, деб қиё,
Умринг узун бўлсин.

Шулар ичра паришону
Шулардек ташнадил эрдим,
Эгиб бош айладинг таъзим бажо,
Умринг узун бўлсин.





Нигоҳингга муяссар этдингу
Умрим узайтирдинг,
Узун умримга ҳамроҳ бўл, аё,
Умринг узун бўлсин.

Ажабланма, қуёшим, бу Ҳабиб
Ҳамроҳлик истаркан,
Ҳаётим бўлмасин сенсиз сиёҳ,
Умринг узун бўлсин!





БИР БУРДА НОН

Хонадонингда йўгингни
Бор этар бир бурда нон,
Йўқ эса дунёни кўзга
Тор этар бир бурда нон.


Сен ҳаётдай анлагил бир
Бурда ноннинг қадрини,
Етмасанг қадрига бир кун
Зор этар бир бурда нон.

Нон азиздир, нон — муқаддас,
Қону қондошлик қадар,
Душманинг ҳам бўлса дўсту
Ёр этар бир бурда нон.

Нон — ҳалоллик, ҳам яралгай
Ул ҳалол меҳнат билан,
Ким ҳаром қўл урса охир
Хор этар бир бурда нон.

Дилда эзгулик билан сен
Нон ушат меҳмонгаким,
Таъмадан, бойваччаликдан
Ор этар бир бурда нон.

Юртга меҳрим этгум изҳор,
Қулда нон ушлаб Ҳабиб,
Элга содиқликни менга
Кор этар бир бурда нон.





СИЗ ТУГИЛГАН КУН

Гариб дунё ганий бўлмиш,
Азизим, сиз туғилган кун.
Ажиб нур бирла йўғрилмиш,
Азизим, сиз туғилган кун.


Ривож топмиш сизинг бирла
Малоҳат мулки оламда,
Бу мулк сарвар билан тўлмиш,
Азизим, сиз туғилган кун.

Очиб оғзини гуллар лол
Қолибдир чеҳрангиз кўргач,
Уятдан лолалар сўлмиш,
Азизим, сиз туғилган кун.

Кўриб бу ғайри ҳолатни
Ўзи йўргаклаб олмоққа
Қуёш кўкдан тушиб келмиш,
Азизим, сиз туғилган кун.

Ҳасад қурсин, кўриб сизни
Чиқиб достону эртақдан,
Парилар сочларин юлмиш,
Азизим, сиз туғилган кун.

Бу дунёга Гузаллик, Бахт,
Муҳаббат ахтариб келган
Ҳабибнинг омади кулмиш,
Азизим, сиз туғилган кун.





БИР ГЎЗАЛКИМ...

Қай куниким, кун жамолинг
Кўрди бу кўз, дилрабо,
Бўлди, воҳки, бир кўнгил
Минг бир балога мубтало.


Ҳусн бобида сенингдек
Беназири бўлмагай,
Ҳусн мулкин бўлса шоҳи,
У қошингда бир гадо.


Бўйларингга жон тасадуқ,
Икки зулфингга жаҳон,
Бир юзингга садқа хуршид,
Бир юзингга ой фидо.

Гар икки қошинг қоқилса
Жон нечун сўрмас нажот,
Ул бири ҳукм айлагай,
Ҳам ул бири қилгай адо.

Бир кўзингда Чўлпон ўйнар,
Ул бири Ҳулкармидир,
Бир нигоҳингдан гариб
Оламга тўлғуси зиё.



Қумрилар қошингда лолу
Андалиб ҳайрон эрур,
Гар очиб сен гунча лабни
Айласанг ширин наво.





Орзу айлар ҳуру гилмонларни
Бу эл, вожаб,
Оразинг кўргач дедим,
Ризвон ўзингсан, маҳлиқо.

Бир нигоҳ-ла, жонни олдинг,
Минг шукр қилдим, Ҳабиб,
Боз нигоҳинг бирла этдинг
Менга минг жонни ато.





ЎРТАМИЗДА

Қолса дердим ўртамизда зора гап,
Бўлди-ку эл ичра, ёр, ошқора гап.

Билмайин бир кун даҳандан чиқди-ю,
Ҳар қулоқда янгради ногора — гап.

Битта нозик гап эди ул аслида,
Ҳар оғизда шишди-ку, бечора гап.

Сизни оппоқ айлади юрт ичраким,
Бизни қилмиш вожаб, қоп-қора гап.

Не ажаб, бўлмиш ганимларга қурол,
Этгали ошиқ дилим садпора гап.

Дилда турганда муқаддас ганж эди,
Тилга чиққач этди кўп овора гап.

“Гап”ни ёздим гапчидан безор бўлиб,
Қолса энди ўртамизда зора гап.



СЕН ЯГОНА

Азизам, сен ягона,
Гарчи шаҳримда санамлар кўп,
Ўзинг танҳо, вале сендан
Менга келмиш аламлар кўп.


Таманно-ла, ёниб ял-ял,
Хиром этсанг чаман ичра
Назар солгайми, деб кутган
Умидвор, чашми намлар кўп.

Бутун юрт аҳли шайдодир,
Бунингдек турфа савдодан,
Сенинг бошингда ташвиш кўп,
Менинг кўксимда ғамлар кўп.

Неча отлиқ аро ёлғиз
Яёв келсам ҳузурингга
Кўриб аҳволи зоримни
Чапак чалган ҳакамлар кўп.

Ҳакамлардан, аламлардан
Чучиб ишқдан кечолмасман,
Фақир булсам-да, мен мағрур,
Бадавлат бўйни хамлар кўп.

Ҳабибнинг якка бу жони
Ягона ёрга бахшида,
Азизам, сен ягона
Гарчи шаҳримда санамлар кўп.





КОШКИЙДИ

Кошкийди санам келсалару
Ноз айласалар,
Аввалги ситамларни биза
Боз айласалар.

Минг бора шукрлар қилса
Буларкан у маҳал,
Эй, дил нолидинг кўп, деб агар
Оз айласалар.


Маъшуқа элин қадри яна
Ошгуси эркан,
Қошлар чимириб, қадларини
Ғоз айласалар.

Ҳеч қилма таажжуб, магар
Парвосиз утарлар,
Ошиқлар эгиб бошларини
Роз айласалар.

Жабр айласалар сабр айламадинг,
Кетдилар охир,
Не тонгки, санамлар ишини
Соз айласалар.

Кўнгилда тугун гунча бўлиб
Қолди муҳаббат,
Кўклам бу кўнгил мулкини бир
Ёз айласалар.

Нодонлигидан бўлди дучор
Ҳижронга бу жон,
Жон дейди бугун чертмак учун
Соз айласалар.





ЧЕГАРАЧИЛАР ҚЎШИГИ

Ўзбекистон, сарҳадингда
Ботир ўғлонлар турар,
Субҳу шом дарёдек уйғоқ
Танти посбонлар турар.


Сен — Ватансан, мустақилсан,
Бедахлсан тоабад,
Тарихинг кўркида мангу
Шавкату шонлар турар.

Шавкату шонингга ворис
Хур диёр фарзандлари —
Шонли истиқлол ишига
Кўкси қалқонлар турар.

Эй Ватан, топгил камол
Оламда ўз ўрнингни ол,
Ул буюк соҳибқирондан
Қолган унвонлар турар.

Сенга юксалмоқ муроддир,
Сенга осойиш мурод,
Тинчлигинг сақлашга қодир
Марди майдонлар турар.

Элга истиқлол муқаддас,
Ўзбекистон — саждагоҳ,
Асрамоққа юрту ҳурликни
Кафил жонлар турар.





ВОДИЙ ТАРОНАСИ

Бағри бўстон, шаъни дoston
Шу гузал Фаргонадир,
Демангиз Фаргона ким,
Бу уч ҳақиқ дурдонадир.


Осиёга кўрк таратган
Кунжамол Фаргонада,
Андижон қoшу Намангон
Мисли кўздай ёнадир.

Боғи боғига туташмиш,
Сув ичар бир дарёдан,
Ўртада ризқи рўзи, гўё
Аҳил ҳамхонадир.

Кучга тўлган уч баҳодир
Ундирар тупроқда зар,
Кори истиқбол аталмиш
Зап гузал кошонадир.

Пахтакорлик касби бирдир,
Аҳд ила паймони бир,
Тоғ-тоғ хирмон уюшда
Тенги йўқ мардонадир.

Болу қаймоқдай қўшилмиш
Санъату ашъори ҳам,
Бир-бирин тўлдургуси,
Ҳам бир-биридан қонадир.



Бағрини ошён этиб қолса
Баҳор мангу не тонг,
Унга мангу бахти кулган
Ўзбекистон онадир.



СОЧИНГ АТРИ

Сочинг атридан аълороқ
Менга хуш ис топилмайдир,
Сочингга мубталоликдан
Лазизроқ ҳис топилмайдир.

Агар бир тола сочингдан
Ширин кўрсам бу жонимни,
Умр сочдай сиёҳ бўлгай
Ва бахт ҳаргиз топилмайдир.

Ажаб бир жонни боғлашга
Этибсан сочни қирқ кокил,
Берардим қирқта жон, найлай,
Бу жон ёлғиз, топилмайдир.

Сочинг кўнглимни банд этмиш,
Бу банддан ҳеч халос этма,
Агар этсанг, адо бўлгум,
Ки мендан из топилмайдир.

Бу олам мулкида кўпдир
Сочингга маҳлиёлар, лек,
Ҳабиб янглиг садоқатли
Бирор мухлис топилмайдир.



ЯРАЛГАНДИР

Менинг наздимда бу олам,
Аёл, Сиздан яралгандир,
Муҳаббатдай ширин, завқли
Хаёл Сиздан яралгандир.


Юзингиз рамзи бўлсам, деб
Қуёш кўкда ёнар ял-ял,
Қошингизга қиёсман, деб
Ҳилол Сиздан яралгандир.


Ҳаётбахш кўзларингиздан
Олиб андоза юлдузлар,
Қадингизга бўлиб тимсол
Ниҳол Сиздан яралгандир.

Ажаб йўқ, аҳли эркакка
Шарафдир Сизга талпинмоқ,
Азобли ҳажру лаззатли
Висол Сиздан яралгандир.

Нишонга олгали ушшоқ
Элин ошуфта қалбини,
Камон қош, найза киприк — илк
Қурол Сиздан яралгандир.

Изингиз тўтиё этмиш
Фақир, жонсиз бу тупроқни,
Шу боисдан Ватандир ул,
Ҳалол Сиздан яралгандир.





Ҳаёт ишқи, Ватан ишқи,
Мудом Сизга муҳаббатда,
Жамол Сиздан яралгандир,
Камол Сиздан яралгандир.

Ададсиз тавсифингизга
Қалам ожиз, калом ожиз,
Тафаккур гавҳари — минг-минг
Мақол Сиздан яралгандир.

Ҳабибнинг муддаоси шул:
Яшанг мангу саодатда
Бу дунёда ахир Бахт ҳам,
Аёл, Сиздан яралгандир.





СОФИНИШ

Ҳар он висолинг куйида
Жон беқарор эрур,
Етгунча то бу ошигинг
Беихтиёр эрур.


Азми сафар этган чоғим
Билмай қолибману,
Сен бўлмасанг мағрур бошим
Ҳар ерда хор эрур.

Лол қолдириш истар мени
Не-не малоҳатлар,
Лекин сенга бас келмайин
Моту бекор эрур.

Оҳ, сен билан боғлиқ экан
Умрим, умидларим,
Сенсиз жоним йўқдир маним,
Жисмим девор эрур.

Арзимни айтиб ҳар нафас
Хуш суратингга,
Соғинганим изҳор этиш
Ҳар кунги кор эрур.

Минг шукр этай, битмиш сафар,
Ҳижрон тугар, Ҳабиб,
Етгум қошингга тонг билан
Бахтим ҳазор эрур.





ҚОЛСА БАС

Майли, кетсин хону моним
Менга жонон қолса бас,
Исми жонон, асли эрса
Жисм аро жон қолса бас.

Жисм аро жон ёрга қурбон
Отса мужгон ўқларин,
Бир табассум, бир тараҳҳум,
Аҳду паймон қолса бас.


Аҳду паймон этди дилбар
Мангу дилдор бўлгали,
Оҳ, ишондим ваъдасига
Дилда имон қолса бас!

Дилда имон булмагунча
Ишқда омад кулмагай,
Гарчи омад кулмагай
Ишқ дилда пинҳон қолса бас.

Пинҳон ишқим ошкоро
Бўлди дўстлар, эл аро,
Мафтуну шайдолигимдан
Элда дoston қолса бас.

Бизни шайдо айлаган ёр
Васл уйини тарк этар,
Йўқ, ялинмам, дебки зинҳор:
Аҳди ёлгон қолса бас!

Аҳди ёлгон кетса кетсин,
Тутдим оламини Ҳабиб,
Менга ишқу бахт макони
Гул Намангон қолса бас!





МЕНИНГ БАХТИМ

Менинг бахтимга, жононим,
Жаҳонда борлигинг боис,
Агар куксим эрур тогдек,
Дилимга ёрлигинг боис.


Дилимга ёрлигинг бирла
Нурафшон этдинг умримни,
Етурман ҳар не орзумга
Сенинг ҳамкорлигинг боис.

Табассум ёнса чеҳрамда,
Эл ичра қадди ғоз юрсам,
Аташса бахтиёр мағрур,
Йулимга зорлигинг боис.

Рақибим кўнглига тушса
Ададсиз рашк, адоватлар,
Менга мунис, менга дилбар,
Менга дилдорлигинг боис.

Маломат тошларин отса
Ганимлар, қилмасам парво,
Сенинг содиқ, сенинг ғамхўр,
Сенинг ҳушёрлигинг боис.

Ҳабиб шоир эмас, эркам,
Сенга шайдойи ошуфта,
Ғазал ёзсам, демак, билки,
Сузи ашъорлигинг боис.





ҚАДРИГА ЕТ

Эй ватандош, қондошим,
Ушбу замон қадрига ет,
Етти пуштинг етмаган
Доруломон қадрига ет.


Сен Ватан номин аташга
Ийманиб қолган эдинг,
Ўзбекистоним дебон
Озод макон қадрига ет.


Ўзгалар миннат билан
Берган тузи неъмат эмас,
Ўз ерингдан унган ул
Бир бурда нон қадрига ет.

Хўрланиб ору гурур,
Поймол эди дину тилинг,
Оллоҳ, оллоҳ, кўнглингга
Қайтган имон қадрига ет.

Ўз тилингда ўз сўзингни
Айтадурсан даҳр аро
Ким Темур шамширидай
Бурро забон қадрига ет.

Бош кўтармишлар маломат
Остидан аждодларинг,
Тарихинг ҳусни — нурафшон,
Шаъну шон қадрига ет.







Қадду бастинг кўрк очибдир
Бу жаҳон айвонида,
Шавкатингдан ўргилай,
Нурли жаҳон қадрига ет.

Зорланиб қилма шикоят
Йўлда мушкул учраса,
Йўқ машаққатсиз ҳаёт,
Гар бош омон, қадрига ет.

Оҳ, бу кунга етмоқ истаб,
Не даҳолар чекди жон,
Не азизлар тўккани
Дарёча қон қадрига ет.

Сен насиҳат билма зинҳор
Ўз Ҳабибинг сўзларин,
Бас, тирик кечган умр,
Ошган довон қадрига ет.





БИР НИГОҲ

Бир кўрсатиб жамолинг,
Эй соҳиби малоҳат,
Олдинг ҳаловатимни,
Руй берди гайри ҳолат.

Қайдан нигоҳ ташлаб,
Қилдинг ширин табассум,
Шу лаҳзадан кўнгилда
Бошланди бир қиёмат.


Кўз нурим изларингга
Мисли губор илашди,
Турган еримда қотдим,
Жилмоққа йўқ жасорат.

Бу қандайин синоат —
Ақлимни лол этди,
Бошимга тушди, билмам,
Савдоми ё муҳаббат?!

Найлайки, журъатим йўқ
Изҳор этарга ҳолим,
То келмагай малолим,
Айлаб сени хижолат.

Исминг аташга қўрқиб,
Пинҳон куйиб юрарман,
Пинҳон куярга, жонон,
Бер лоақал ижозат.

Оҳ, қанчалар яширсам,
Беҳуда кетди чоғи,
Аҳли Намангон ичра
Шайдолигим ҳикоят.





ЮРАККА ХИТОБ

Юрак, шеърсиз қолибсан, айт,
Ва ё тондинг ёнишданму?
Ва ё булбул каби толдинг
Саҳар чоғи хонишданму?

Висол айёмини қумсаб
Чекардинг нола-ю афгон,
Висолдан маст-аластлик бу,
Ва ё ишқдан тонишданму?

Висол ширин, висол тотин
Ғазалга сиғдиrolмасдан
Булиб ёр зулфиға банди
Узун тун тўлғонишданму?

Париваш таърифин шеърға
Солишдан тўхтадинг, не сир,
Бировлар қалбига ўтлар
Ёқишдан қизғонишданму?

Юрак, шеърсиз сўник шаъмсан,
Бирор дам тинмагил зинҳор,
Ёнишдан ҳам, хонишдан ҳам
Саҳарлар тўлғонишданму...



ШАРАФ

Ўзбекистон, эътиқодим —
Сенга уғлонлик шараф.
Бир тукин боғдирки бағринг,
Унда боғбонлик шараф.


Мен кезиб чексиз жаҳонни
Шону шуҳрат истамам,
Булганим ўзбек — буюк шон,
Ўзбекистонлик — шараф!


Сен менинг кўнглимга солдинг
Осмоннинг кенглигин,
Бағри кенглик одатимдир,
Танти мезбонлик шараф.

Яхши меҳмон бошим узра,
Нону тузнинг қадрига
Етмаганлар келса ногоҳ,
Зирҳу қалқонлик шараф.

Не илож, шаънингни булғаб,
Ношукур фарзандларинг,
Қилдилар покликни поймол,
Булди унвонлик — шараф.

Тўртта гумроҳ кори боис
Отсалар тош боғингга,
Мен нечун оҳ урмай, улкам,
Топса гапдонлик шараф?!





Қўлларинг кўксингда доим,
Бош эгик, қаддинг букиқ,
Сенга бундай хуштавозе
Олий инсонлик шараф.

Олий инсонлик билан сен
Барқарорсан, барқарор,
Барча халқлар бирла тенглик,
Дўст-қадрдонлик шараф.

Дўст-қадрдонлар қошида
Ўпди байроғинг Ҳабиб,
Сенга посбонлик шараф деб,
Сенга қурбонлик шараф!





ШҰХ

Кунглимни асир этган ушал
Нозли гўзал шўх,
Ул қоши қалам, чашми чарос,
Лаблари лаъл, шўх.

Кузларда сеҳр, нозда сеҳр,
Боқди қиёлаб,
Бир гамзаси жон мулкин асир
Этди тугал, шўх.


Жон мулкига, тан мулкига, воҳ,
Бўлди у соҳиб,
Чимрилди кетурман дея шул
Бахтли маҳал шўх.


Ёшликми ва ё нозимикан,
Мунча ситамгар,
Бир менгамикан шунча ситам
Ёхуд азал шўх.

Шўхликлари ҳам ҳуснига зеб,
Ёшига монанд
Дил уйнатадир хуш қилиги
Бўлса-да сал шўх.

Дил уйнамаса, ёнмаса жон
Севги бўларму?
Оҳ, нози билан ёндирадир,
Севса ўшал шўх.

Шукр айла, Ҳабиб, севгисига
Этди муяссар,
Ёр шўхлигини таъриф этиб,
Бўлди газал шўх.





ОШИҚ ЭСАНГ...

Агар ошиқлигинг ростдир
Дегайлар: хону-мондан кеч.
Муҳаббатнинг бозори йўқ,
Демак, суду зиёндан кеч.


Назар солмас эса ёринг
Қўлингда сийм ила зарга,
Барин тарк эт, «топилгайму?»
Деган фикру гумондан кеч.

Агар шоҳонадир қасринг,
Нигоринг босмаса одим,
Фақирлик ихтиёр этгил,
Ғариб ул ошёндан кеч.

Санамлар севги бобида
Садоқатни билур афзал,
Садоқат йўлида сўрса,
У жисми нотавондан кеч.

Агар жисминг қилур камлик,
Висол уммидида ошиқ,
Тутиб ушшоқ йўлин сен ҳам
Ўшал шайдои жондан кеч.

Қўлингдан келмаса кечмоқ
Ўзингдан, жисму жонингдан,
Демак, кўнглингда ишқ йўқдир,
Умрдан кеч, жаҳондан кеч.





НОЗЛИГИМ

Нозлигим, нозинг мени
Мажнунча ҳайрон айламиш,
Тинчгина дил мулкида,
Воҳ-воҳ, не тўфон айламиш.


Ой жамолинг кўргизиб,
Кўнглимда қилдинг инқилоб,
Кўзларимни йўлларингга
Ишқ нигорон айламиш.

Лабларинг кўргач кечибман
Сайри боғ орзусидан,
Чун дудогинг гунча ҳолин
Лол, паришон айламиш.

Лолаларни доғда қўймиш
Юзларинг қирмизлиги,
Балки шундан тоққа қочмиш
Тарки ошён айламиш.

Ихтиёримни олибсан
Бир ширин суҳбат билан,
Энди ҳар кун суҳбатингни
Кўнгил армон айламиш.

Арзи ҳол айтса Ҳабибинг,
Кулма ҳолимдан, гўзал,
Ишқда куймай қайси шоир
Шеърү девон айламиш?!





ЭТМИШ

Табиат гул Намангонни
Макони офтоб этмиш,
Макони офтоб ичра
Сени бир моҳитоб этмиш.


Сенингдек моҳитоб ишқи,
Дилимни ошён айлаб,
Таним оромдан айрилмиш,
Кузим ҳам тарки хоб этмиш.

Кузим унгида ҳар лаҳза
Кузинг порлайди юлдуздек,
Қаро қошинг қароликда
Қаро тунни хароб этмиш.

Узун сочингни чайдингму
Намангон сойида, дилдор,
Унинг атри Намангонсой
Сувин мисли шароб этмиш.

Шароб ичган кишилардек
Куйингда масту ҳайронман,
Бу ишқ жонимга минг лаззат
Ила минг хил азоб этмиш.

Муҳаббат аҳлига эшдир
Азобу лаззату зорлик,
Муҳаббат достонига
Ҳабиб умрини боб этмиш.



ЭЛ ИЧРА ТАЪРИФИНГИЗ...

Эл ичра таърифингиз
Булмиш ширин ҳикоя,
Йиллар ўтар ва лекин
Билмас ҳамон ниҳоя.

Ҳар тилда мақтовингиз,
Ҳар дилда орзумандлик,
Бир сизга эргашурлар
Минглар мисоли соя.


Қизлар дилида исён
Ул доми ишқингиздан
Шайдо йигитларини
Қилмоқ учун ҳимоя.

Ўз халқининг бошига
Ёғдирганини ғавго
Билганмикин Намангон
Булганда сизга доя?!

Рашку ҳасад балоси
Сизни қулатмагай, деб
Куксимни айлагайман
Ҳар лаҳза мисли қоя.

Сизни севиш-ку мумкин,
Душвор сизга етмоқ,
Ким ҳам қуёшга етмиш?!
Кўнглимда шул риоя.

Сизга фидолигимга,
Бағри адолигимга
Жонбахш кўзларингиз
Бир боқиши кифоя.



ЭЙ, ҲАЁТ

Мардингни қилма, эй, ҳаёт,
Номардга рўбарў,
Номардни этма бир нафас
Жумардга рўбарў.

Бир мард топар ҳиммат билан
Минг дардга ҳам даво,
Номард қилур ўз кори-ла
Минг дардга рўбарў.

Мард ювса олам тарзидан
Гарду губорини,
Номард иши этмоқ уни
Боз гардга рўбарў.

Қай бир кўнгил бўлмиш яра
Номард пандидан,
Этгил уни бир мен каби
Ҳамдардга рўбарў.

Умрим йўлида айладинг
Мардларни менга дўст,
Душманни ҳам кўрсанг раво,
Эт мардга рўбарў.



БАЧЧАҒАР

Найлай, этмиш бу ҳаёт
Бир баччагарга рӯбару,
Бир гулистон шарпасин
Гулкор шаҳарга рӯбару.


Кирса қайси даврага
Муздек ўлим ваҳми келар,
Бол каби суҳбат булар
Қаттол заҳарга рӯбару.


Иршайр шоҳ амридан масрур
Ҳасод жаллод каби,
Кулгусидан бўлгусан бир
Жодугарга рӯбару.

Дуқ билан келгай самодан
Элга айлаб иддао,
Қурқитар этмоқ бўлиб
Чунг қозиларга рӯбару.

Мақта деб олгай ёқангдан,
Мақтасанг бошга чиқар,
Мақтамас эрсанг, этар
Минг бир хатарга рӯбару.


Мингта гийбат, мингта туҳмат,
Фисқу айбнома тўқиб,
Айлагай бир лаҳзада
Минг дарди сарга рӯбару.





Турланиб минг тусга киргай,
Зарра наф тегса агар,
Айлагай уз хотинин
Ҷаттоки харга рӯбарӯ.

Эй худо, бундоқ касофат
Булгагай бир юртни, бас,
Бузмасин дунёни ҳам,
Этма башарга рӯбарӯ.





НАВОИЙ

Буюк ҳазратга талпинмоқ,
Билинг, султонга талпинмоқ,
Баайни бир фақирликдан
Тониб имконга талпинмоқ.


Навоийнинг навосидан
Томирларга қуйилгай қон,
Вужудга муддао бўлгай,
Мисоли жонга талпинмоқ.


Басе, жон танга пайвастдир
Нишон бундан забону сўз,
Демак, излаб сухан дуррин
Керак уммонга талпинмоқ.

Ўшал уммон Навоийнинг
Ажиб олмос бисотидур,
Шу ёлқинли тафаккурдан
Куч олмоқ — шонга талпинмоқ.

Бу санъат, бу фазилатдан
Қотур ҳайратда ақлу кўз,
Тасаввур айламоқнинг
Бир ўзи — имонга талпинмоқ.

Ажаб жонбахш байтларким,
Ки ҳар сатри берур ором,
Анинг олдида ҳеч бўлгай
Гўзал жононга талпинмоқ.





Мусулмонликда фарз эрса
Агар поклик, адолат, ишқ
Шу йўлда жон фидо этмоқ —
Ёруғ осмонга талпинмоқ.

Саодат истасанг қолдир
Эл ичра яхшиликда от,
Сабоқдир бул, адо этмоқ
Бани инсонга талпинмоқ.

Агар ошиқ бўлибсан, бас
Садоқат шевасин тутгил,
Диёру ёрга содиқлик —
Йўли Қуръонга талпинмоқ.

Менинг наздимда бошлангай
Навоий пойин ўпмоқдан
Муҳаммадга бўлиб уммат,
Ҳабиб, Субҳонга талпинмоқ.





РАЪНОСИ ЙЎҚ

Ёлгизим, ҳеч бир чаманнинг
Сен киби раъноси йўқ,
Сен киби раъноси йўқки,
Мен киби гўёси йўқ.

Мен киби гўёсини
Шому саҳар сайратгали
Бўлса ҳам раъноси сенча,
Сенча истигноси йўқ.


Сенча истигно этурга
Сенчалик хуш таъб керак,
Сенчалик хуш таъби бўлса,
Мен киби шайдоси йўқ.

Мен киби шайдо бўлурга
Ёрга жонга тутмоқ зарур,
Ёрга жон тутмоққа тайёр
Жонга бепарвоси йўқ.

Жонга бепарво бўлолмай
Йигламоқдин йўқ самар,
Ёлборишдан фойда йўқдир,
Кўз ёшин маъноси йўқ.

Баски, ёлгиз сен яралдинг,
Сенга ёлгиз мен фидо,
Биз киби ишқ аҳлини, бил,
Ўзга бир дунёси йўқ.

Ўзга бир дунё тузишга
Ишқ аҳлининг, не тонг,
Бул Ҳабиб юрти Намангон
Сингари маъвоси йўқ.



ЎЛИШ ЙЎҚ

— Касал эдинг, усал эдинг, уласанми?

— Ўлмайман!

Азиз Абдураззоқ

Магар фасли хазон келди,
Сулиш йўқдир, сўлиш йўқ,
Магар бу дард ёмон келди,
Ўлиш йўқдир, ўлиш йўқ!

Умрдан бир довон ошдим,
Керак балким сал ором,
Тагин янги довон келди,
Ўлиш йўқдир, ўлиш йўқ!

Разил туҳмат тошин отди
Магар ўлдирмоқ истаб,
Иложсиз нотавон келди,
Ўлиш йўқдир, ўлиш йўқ!

Ганимдан зарра ранж кўрсам,
Қадрдонлар дил овлаб,
Бўлиб жисмимга жон келди,
Ўлиш йўқдир, ўлиш йўқ!

Огир дард қийнаган кунлар
Мурувват айлаб изҳор,
Неча пиру жувон келди,
Ўлиш йўқдир, ўлиш йўқ!

Ажал тухмини сочганда
Муҳаббатсиз ёвузлар
Менга ишқ посбон келди,
Ўлиш йўқдир, ўлиш йўқ!

Ҳабиб кўргил Ватан кўрки
Буюк ишқу садоқатдан,
Яшайдурган замон келди,
Ўлиш йўқдир, ўлиш йўқ!



ЧУСТ БОҒИДА

Чуст элин қалбига кўзгу —
Чин гулистондир бу боғ,
Танти гулкор меҳрин эмган
Турфа бўстондир бу боғ.


Хуш ҳавоси дил қитиқлаб
Чорлагай ўз бағрига,
Кўксини меҳмонга очган
Танти мезбондир бу боғ.


Ҳар гулида оқибат жам,
Ҳар дарахти соябон,
Чашмадан сизган ариқлар —
Куйчи хушхондир бу боғ.

Пар гиламлар узра давра
Қурса доно кексалар,
Чойхона файз бирла тулғай
Давру-даврондир бу боғ.

Хуш такаллуф бирла тутгай
Нону қанд чойхоначи,
Бир пиёла кўк чойи
Минг дардга дармондир бу боғ.

Басма-басга сайрашурлар
Жур, саъва, бедоналар,
Андалибга дарс ўқитган
Катта дostonдир бу боғ.






Мен боғ ичра кезганимда
Ўдилар хандон отиб
Бир гуруҳ бокира қизлар,
Воҳки, жонондир бу боғ.

Гар шу қизлар ишвасидан
Кетса ақлу кетса жон,
Ҳеч ўкинма, ошиқ аҳли,
Васлу боз жондир бу боғ.

Кўрк-тароват борасида
Минг беҳишт афсонадир,
Ҳуснига тўймай ўзи ҳам
Лолу ҳайрондир бу боғ.

Неки хислат хос элимга
Бунда жамдир, эй Ҳабиб,
Мисли суратга олинган
Ўзбекистондир бу боғ.





БИЗДАН ГУНОҲ

Эй, марҳаматли нозанин,
Сиздан узр, биздан гуноҳ,
Ҳаддан ошиб этдик бугун
Бир илтижо Сиздан нигоҳ.


Қаҳр этмангиз бундоқ карам
Гар бўлса бизга нораво,
Луфт айлагай гуломига
Ҳаттоки золим подишоҳ.


Биз мулки ҳуснингизга қул,
Ишқингиз этмиш бир гадо,
Булгай эдик ганжга дучор
Кўрсак юзингиз гоҳи-гоҳ.

Ойлар ўтиб, йиллар ўтиб,
Олий назарга кирмадик,
Кўнгилга тўлди гуссалар
Кўкларга етди оҳу-воҳ.

«Шундай гўзал замонада
Ҳеч борми оҳ-воҳга ўрин?»
Таъна қилар бедардлар
Зимдан қазиб ошиққа чоҳ.

Гарчи замона янгидир,
Ошиқда дард бир хил эрур,
Илк ибтидодан то ҳануз
Ушшоқ эли бунга гувоҳ.





Қ А С И Д А Л А Р

АЁЛЛАР


Бу олам бўлмасин маҳрум
Дебон кўрку тароватдан,
Табиат Сизни кашф этмиш
Ажиб сирли маҳоратдан.

Жаҳонда қай куни ял-ял
Намоён бўлди чеҳрангиз,
Ўшал кундан бу дунё
Яшнади, кулди малоҳатдан.


Заминда ой каби порлаб,
Қуёшдай шуъла сочмишсиз,
Биёбон ерда гул унмиш
Сизинг нурдан, ҳароратдан.

Сизинг нурдан, ҳароратдан
Ҳаёт бошланмиш оламда,
Ҳаёт бошланмиш оламда
Тугилган илк муҳаббатдан.

Муҳаббат кўзга нур бермиш
Ва тинч қонларни қайнатмиш,
Йигитлар ўргилиб қолмиш
Ҳаётбахш ул латофатдан.



Латофат-ла этиб шайдо,
Ситам бўлганда корингиз,
Тикибдир жонни ошиқлар
Ўгирмай юз риёзатдан.



Риёзат чекмаган ошиқ
Висол қадрига етмас, деб,
Солиб жонларни ўтларга,
Синабсиз сабру тоқатдан.


Синовлардан ўтиб аъло,
Қозонмиш меҳрингиз эрлар,
Шу тақлид баҳраманд бўлмиш
Висолдан ҳам садоқатдан.

Висолингиз — мудом матлаб,
Висол уммиди қудратдир,
Висол йўлида мард одам
Кечур минг тахту давлатдан.


Висол — Сизсиз, Муҳаббат — Сиз
Ватан ҳам, эътиқод ҳам Сиз,
Вафо ҳам — Сиз, Бақо ҳам — Сиз,
Лазизсиз барча неъматдан.

Лазизсиз барча неъматдан
Шу боис жанг-жадалларда
Йигитлар куч олур Сизлар
Ато этган жасоратдан.

Жасоратларга дохилсиз
Тагин мардликка мойилсиз,
Ҳалос этмоқни истайсиз
Бу оламини қабоҳатдан.



Азиз ёр — сиз, вафодор — Сиз,
Ҳаёткор волида — гамхур,
Бу оламда тириклик ҳам
Сизинг чексиз саховатдан.



Гузал ҳам Сиз — газал ҳам Сиз,
Азал илҳом париси ҳам.
Гузалликлар, тугалликлар
Сизинг нозу назокатдан.

Сизингсиз боғ биёбондир,
Сизингсиз уй зимистондир,
Сизингсиз бу ҳаёт маҳрум
Фарогатдан, ҳаловатдан,

Тукин бахт — Сиз, ширин аҳд — Сиз,
Йигитга сўнгсиз омад — Сиз,
Нигоҳингиз муқаддасроқ
Қирқ йиллик ибодатдан.

Сизингсиз офтоб сўнгай,
Ўчар кўк узра юдузлар,
Омон бўлгайсиз асраш-чун
Жаҳонни бу қиёматдан.

Қасидам битди, васфингиз
Агар эпллмаган бўлсам,
Тутиб маъзур Ҳабибни,
Қутқарингиз боз хижолатдан.




ИФТИХОР

*Намангон вилояти ташкил
топганининг ярим асрлик
туйида ўқиганим*

I

Ассалом, она юрт, азим Намангон,
Сен яна боиси назм Намангон.
Мадҳингга созланди созим, Намангон
Кўп ўрнида кўргил озим, Намангон.
Асрларга туташ тарихинг сенинг,
Шоҳ дostonга мавзу таърифинг сенинг.
Эй, Бобур олисда соғинган диёр,
Машраб каъба янглиг сизинган диёр,
Фазлий камолига бешик бўлган юрт,
Нодим жамолидан илҳом олган юрт.
Кечиб мартабадан Сўфизодаси
Шоҳликка тенг кўриб ютум нафасин —
Бағрига отилган муқаддас гўша...
Шеърийат кўкида чақмоққа ўхшаб
Оламни бир лаҳза буркаган нурга —
Усмонни йургаклаб олган шуурга
Ашъор бобида бир бўстон Намангон,
Саҳнада дилрабо, хушхон Намангон.
Дерлар: жаннат сендан олмиш андоза
Қалбинг ҳам осмонинг янглиг пок, тоза.
Богингдан эсан ел болдай мазали,
Шундан дилрабодир Чустий газали.
Шундан домла Шухий овози ширин,
Нурий байтларига меҳринг яширин,
Рафиқ, Жасур шеърин уйноқ, шўхлиги.



Тургун Пўлат насрин мағзи

тўқлиги,

Йўлдош Шамшар ўгли порлатган «Чироқ»...
Шундан Зафар Диёр овози янгроқ.
Шундан Парда Турсун илҳоми жўшқин,
Улугзода олмиш носирлар кўшқин.
Шундан Азиз Турсун бегуборлиги
Акрам Қодирийнинг лутфга ёрлиги.

* * *

Кимки қучоғингда очмиш кўзини,
Нафосат боғида кўргай ўзини.
Гул атри қитиқлаб уйғотгай уни
Эзгулик илмига ўргатгай уни.
Димоғига шеърдай туюлган ҳавонг,
Қулоғига шеърдай қуюлган ҳавонг,
Чинний пиёланинг жарангисимон
Ҳур қизлар сасидан ёришгай осмон.
Ажиб лаҳжасида газалий оҳанг,
Чеҳраси-ла қуёш талашади ранг,
Сен ато этганинг кўрку тароват,
Ҳар йигит қалбига солгай муҳаббат.
Шу ишқ бир умрга шайдо айлагай
Шайдо этиб шеърга ошно айлагай.
Баски ушшоқ элин кори бўлгач оҳ,
Қучоғингда шоир бўлмаслик гуноҳ.
Шу боис қизиса шоирлар базми,
Ўзгача жаранглар Ҳусниддин назми.
Ҳар кимки ўқиса Тоҳир Қаҳҳорни
Қишда ҳам туяди кўркам баҳорни.
Аҳмад Тошхўжанинг фалсафасида
Ахсикент шаънига янграб қасида.

Ҳамюрт шоирларга бўлиб

жўровоз,

Юртим, қучоғингда янграр шеърий соз.
Бунда Нур Бобонинг овози уйчан,
Эргаш гоҳо хазин, гоҳида шўхчанг,
Эрмаматнинг назми йўғрилган ишққа,
Гаффорий шаънингни солар қўшиққа.
Дил тортар Санобар лафзи қандлиги,
Ёқуб Аҳмаджоннинг донишмандлиги.
Мадҳингни куйловчи шоирлар аро
Бўлиб битта фарзанд, битта фуқаро,
Мисоли боғ ичра шайдо андалиб
Васфингнинг шарҳига қўшилгай Ҳабиб.

II

Ассалом, она юрт, азиз Намангон,
Умрим қучоғингда лазиз, Намангон.
Асрларга туташ тарихинг аро,
Шоҳ дostonга мавзу таърифинг аро
Умринг китобидан бўлиб бир сатр
Бугун ярим аср жамол кўрсатур.
Элик йил муқаддам вилоят бўлиб,
Бирлик, уюшқоқлик ҳидоят бўлиб,
Олтин водий ичра қайта тугилдинг,
Юксалиш орзуси билан йўғрилдинг.
Янгича бошланди ўшал баҳоринг...
Во дариг!
Баҳоринг тўнғич наҳори
Тиниқ осмонингни қоплади булут —
Ногаҳоний уруш!
Ларзада эл, юрт!
Гуё саратонни босди қаҳратон,

Ҳам зимистон бўлди чароғон

осмон,

Бузилди оламнинг ороми, тинчи,
Ғазабга айланди диллар севинчи.
Мунгайиб қолдилар гуллаган боғлар.
Қовоқ уйиб олди мўйсафид тоғлар,
Бошланган қўшигинг бўғзингда қолди,
Қулга тор ўрнига шамширинг олдинг,
Садоқат кўрсатиб элга Ватанга
Саксон минг ўғлонинг отланди жангга.
Ватан — муқаддасдир, Ватан — Намангон,
Зинҳор булганмагай чаман Намангон,
Табаррук номингни шон, байроқ билиб,
Қасос қиличи-ла ёв кўксин тилиб,
Намангон фарзанди неларга қодир —
Жангларда кўрсатди не-не баҳодир.
Паҳлавон Солижон, полвон Набижон,
Қилич Мамашариф, Файзулло ўғлон,
Чақмоқ Абдусаттор, мард Холмат Жалол,
Ганижон, Сейтнеби тутганда қурол —
Осмонга ўрлади душманнинг доди.
Қаҳрамонлик бўлди улар ижоди.
Фашист додин берган ўғлонлар сафи,
Ҳимоя қилди эл ва юрт шарафин,
Сен мағрур, заҳматкаш, қасоскор она
Буюк жанг йиллари туриб мардона,
Меҳру саховатинг этдинг намоён
Боринг зафар учун тутдинг, Намангон.
Ўзинг ярим очу парча нонингни,
Қазноқ бурчидаги сўнги донингни,
Баҳам кўрдинг не-не муҳтожлар билан,
Нажот истаб келган ноиложлар билан.
Қувгин тоторларни бағрингга олдинг.

Алами борларни бағрингга

олдинг,


Овруподан келган қуриган силла —
Муштипар кампирлар, етимлар, туллар
Қучоғингдан топди иссиқ бир макон,
Оқибат, ҳамдардлик ҳамда бурда нон.
Ғарчи кўрсатсанг ҳам Ҳотамча ҳиммат,
Юзига солмасдан, қилмасдан миннат,
Бағрингда эллик йил сақлаб келасан
Ким хурсанд, ким нонкўр ўзинг биласан...
Сенга бағрикенглик азалий удум
Ҳиммат, саховатинг билмайди ҳудуд.
Асло тарк этмагай сени бу одат,
Ҳиммати борларга ёр бўлур омад.

III

Эллик йил бир нафас боқий тарихга,
Аммо сен босган йўл сигмас таърифга.
Ғалабалар билан, армонлар билан,
Омад, омадсизлик, нуқсонлар билан,
Гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб улғайдинг юртим,
Барибир шарафга чулғандинг юртим.
Болга тўлиб борди сахий боғларинг
Бағрин очиб борди сирли тоғларинг,
Шифо сувин тутди шўх булоқларинг,
Тароват касб этди шўр қишлоқларинг.
Бугун бойликларинг санамайман, йўқ,
Тавсифинг менсиз ҳам аёндир тўлиқ.
Кўрку камолингга умрин сарф этган,
Кучин, ақлин, қалби қўрин сарф этган,
Азамат халқингга қилурман қуллуқ,
Пурҳиммат халқингга қилурман қуллуқ.
Мен қуллуқ қиламан бобо деҳқонга.


Ризқим ижодкори чўпон,
боғбонга.

Намангон тамғали маҳсулот билан,
Оламга танилсанг яхши от билан,
Довругингга боис ишчига таъзим,
Шаънинг улуғлаган кишига таъзим.
Номинг тилга тушса етти иқлимда,
Бу унинг ижоди, меҳнат, ақлидан.
Ижодкор халқингга омад, ёр бўлгай.
Ҳар ишида тангри мададкор бўлгай.
Сен унинг қонига тантилик қўшдинг,
Шу боис қалбида ҳамият жўшди.
Шу боис одати бўлди яхшилик,
Умр йўлларида кулди яхшилик,
Шу боис мақсади бўлди гузаллик,
Нафосат, тароват ҳамда тугаллик,
Олов муҳаббатинг гайрат бахш этди,
Қалбига ҳимматни мангу нақш этди.
Сен уни кафтингда тутганинг сари
Сени улуглади кўкка кўтариб.
Шу боис сен бўлдинг зако макони,
Не-не арбобларнинг парвоз майдони.
Улар сенга меҳрин бахш этди, десак.
Сен ҳам бердинг улар умрига безак.
Бугун боғларингда ўйчан кезаркан,
Акмал Икромовнинг руҳин сезарман.
Беғубор, шиддаткор ёшлигин излаб,
Гуё учиб юрар осмонинг узра.
Сен севиб ардоқлаб бағрингга олган,
Не-не даргаларнинг излари қолган
Эллик йиллик умринг саҳфаларида,
Яъни юрагингнинг қаъри-қаърида.
Уста наққош битган зўр зарҳал бўлиб,



Ҳар одимда битта чўнг ҳайкал
булиб,
Кукрак кериб турар улар меҳнати,
Сенга тушган меҳри, берган зийнати.


Тунгич дарга булмиш Каримжон Муқим
Қалбингнинг тўрида сақланар муқим.
Турсун Қамбар ўгли, Абдулҳай Тоҳир,
Сирож Нуриддинни унутмас хотир.
Ҳануз эл такрорлар булиб миннатдор
Асадулло Ҳужа номини юз бор.
Ҳамон орттиради элнинг ҳайратин,
Ориф Олим ўглин девкор гайрати,
Нуриддин Акромнинг заковати ҳам,
Назир Ражаб ўглин жасорати ҳам,
Мирзо Иброҳимнинг эгилмас боши.
Маҳкам Камолзода метин бардоши.
Бури Олламурад — Бойсун фарзанди,
Булиб қолди сенинг асл дилбандинг.
Булар юрагида сенинг меҳринг бор,
Сенинг бағринг ичра улар қўри бор.
Улар қучоғингда касб этиб камол
Парвоз айлаганлар зўр бургут мисол.
Эй, сен бургутларга қанот берган юрт,
Эй, сен муҳтожларга нажот берган юрт.
Ҳалоллик касб этса тузинг ичганлар,
Дилда олиб кетса тузинг ичганлар,
Нечун мақтанмайин кўрсатиб виқор,
Нечун номинг атаб қилмай ифтихор?!
Осонми асрамоқ дилкаш аҳбобни,
Осонми ўстирмоқ шунча арбобни.
Она Намангоним, мақтансанг арзир,
Сенга инсон зотин авайлаш фарздир.






IV


Элликка тўлибсан, она вилоят,
Номинг эллар аро тотли ҳикоят.
Гуё ун икки гул боғланган даста
Тароватинг кўриб олам ҳавасда.
Намангон бош кентинг ва ун бир туман,
Қай бирин атасанг тотланур сухан.
Сени балолардан асрамоқ учун
Оппоқ қордан қўйиб бошига тугун,
Попнинг теграсида ястанмиш тоғлар,
Шу боис ҳар поплик ўзни тоғ чоғлар.
Арзигаё тоғ каби тутса кўксини,
Ҳеч қандай курашда қолмас ўксиниб.
Қадимий Чуст ётар бир ёнбошида
Санъатин қўндириб эрлар бошига,
Йигитлар белига ярашган яроқ
Бу туман устаси ясаган пичоқ.
Ҳайқириб оқаркан тезкор Косонсой,
Косон таърифини куйлар, ҳойнаҳой,
Бу диёрда бир кун ичганида чой
Қаҳҳор деган эди «Бу ерни худой
Ўзига асраган бўлса ажабмас,
Ҳа, бунинг олдида жаннат ҳеч гапмас».
Қуёшнинг ранглари, асалнинг тотин
Борки табиатнинг санъат, бисотин.
Жоноқи олмалар ичига жойлаб,
Яшнар Янгиқўрғон тўлишган ойдаё.
Чортоқ чашмасида минг дард давоси,
Ёшлик бахш этади руҳбахш ҳавоси,
Балиққул покликдан ўргатур сабоқ.
Дустлик, иноқликдан ўргатур сабоқ.
Дустлик ва иноқлик неларга қодир,





Бу сирни Учқургон кўрсатаётир —
Сахий хазинага айланган чўллар,
Омон бўлсин аҳил, қабарган қўллар.
Икки дарё аро ястанган диёр.
Норин туманининг ўз хислати бор.
Лафзи қасамдай зўр инсонлар бунда
Мағлублик билмаган полвонлар бунда.
Шаҳарга узатиб битта қўлини,
Равон, яқин қилиб элар йўлини,
Ястанмиш тадбиркор азамат Уйчи.
Шайдо бўлар келган шоиру куйчи.
Туралар қўргони Тўрақўргоннинг
Бобур газалидай тоза виждони.
Шаҳанд ишқомидан узум еган зот
Унутмас бу юртнинг таъмин умрбод.
Намангон аталмиш қадимий макон,
Эрур ҳикматга кон, фазилатга кон.
Анор, анжирларин мақтамай, майли,
Машҳурдир азамат деҳқон туфайли.
Биродарлар аро кенжа Задарё*,
Қуш учса қаноти куйган чўл аро.
Инсон закосига бўлиб бир ҳайкал
Кун-бакун касб этар кўркамлиқ, сайқал.
Ўн бир оғайнисин ёнига олиб
Гўзалликка шайдо, имонга толиб,
Қамолот касб этиб шаҳрим Намангон,
Ўзбекистон ичра бўлгай намоён.
Унга ярашмишдур кўрку тароват,
Унга хосдир ҳиммат, дўстлик, садоқат.
Меҳмонига тутиб қаймоғу қатиқ.
Яна исириқни обдон тутатиб,
Ёмон кўздан асраб азиз меҳмонни,


* *Задарё* — Мингбулоқ туманининг аввалги номи.



Тенгсиз хилқат санаб ҳар бир инсонни,
Авайлагай доим кўз қароғидай.
Шу боис барака кетмас боғидан.
Мисоли ўн икки аҳил биродар.
Мисоли бир қалбга эга бир одам.
Бугун заковатга, қувватга тўлиб,
Манзилга интилган полвондай бўлиб,
Юртим, йўл оласан истиқбол томон,
Тилагим бошингда тинч бўлсин осмон.
Истайман йўлларинг ярқироқ бўлсин,
Яқину орзунгдай ёрқин, оқ бўлсин,
Чекинсин учраган ҳар қандай говлар,
Шахдингдан мот қолсин ганимлар, ёвлар,
Халқинг чеҳрасини хушвақт кўрайин,
Ҳар бир ҳонадонда қўш бахт кўрайин,
Эзгу армонларинг ушалсин, дейман,
Қадамингга гуллар тўшалсин дейман,
Бугун эллик ёшли тенгдош авлодинг
Курган аламлари, чеккан фарёди,
Тарих бўлиб қолсин қўрқинч туш мисол,
Энди фақат, фақат ёр бўлсин иқбол.
Фарзандлар бошига қўнсинда ҳумо
Сен улардан бевақт бўлмагил жудо.

* * *

Юртим, мақтовингни дундиролмадим,
Бошингга шон тожин қундиролмадим.
Қийиндир меҳрни айламоқ изҳор,
Сенга фарзанддирман шудир ифтихор.
Мухтасар айтганда қалбимга жосан,
Мақтовига умрим етмас дунёсан,
Эй менинг ҳаётим, жоним Намангон
Унвоним, имоним, шоним Намангон.





МУСТАЗОД

Базмингга кунгил талпинадир
Кечаю-кундуз,
Эй, суҳбати жонон,
Чун лаъли дудогингдан учар
Битта ширин сўз,
Жон дардига дармон.
Сен бирла мулоқот чоги
Кукларда юрарман,
Қалбимга қуёш жо,
Гулшан каби яшнайти кунгил
Гар эса маъюс,
Ҳам чеҳра чарогон.
Дид, ақлу заковатда сени
Танти табиат
Бекам яратибдур,
Ким ҳуснинг узук бўлса
Одобингни этиб кўз
Айлабди намоён.
Шу кўрку камолот била сен
Юртимга безаксан,
Мангуга кераксан,
Эй, қошу кўзи сочлари тун,
Чеҳраси кундуз,
Дил богига богбон.
Баҳс айласалар сен била
Оламда санамлар,
Мот қолмоғи бешак,
Ул барчаси тегрангга ёниб
Учгучи юлдуз,
Сен соҳиби осмон.

Оламча фазилатни кўриб
Сенда мужассам,
Ҳар бир сифатингни
Куйлашга Ҳабибингни ато
Айлади махсус
Бу мулки Намангон.






МУХАММАСЛАР


МУБОРАКБОД

Она юрт, голиб деган
Унвон муборақдир сенга,
Манзилига етган ул
Карвон муборақдир сенга,
Кукка буй чўзган буюк
Хирмон муборақдир сенга,
Мустақиллик тухфаси
Имкон муборақдир сенга,
Донг муборақдир сенга,
Шаън, шон муборақдир сенга,

Офарин айтур Ватан
Донгдор Намангон шаънига.
Хур Намангон кўрки бўлмиш
Танти деҳқон шаънига.
Пахтакорлик деб аталмиш
Тоза имон шаънига,
Ўз сўзида устивор
Заҳматкаш инсон шаънига,
Она халқим, шу лазиз
Хуш он муборақдир сенга.

Пахтакор манглай терин
Ҳар қатраси тилло бугун,
Бир чаноқлаб тергани
Бўлмиш азим дарё бугун.
Шул сабаб мулки Намангон,
Бағрида ялло бугун,





Ҳофизин авжи баланд,
Шоирлари бурро бугун,
Куй муборақдир сенга,
Достон муборақдир сенга.

Ҳйганинг хирмон эмас,
Сабр ила тоқат рамзидир,
Меҳнату, илму зако,
Ҳиммат, маҳорат рамзидир,
Неки мушкул учраса
Бардош, матонат рамзидир.
Шонли истиқлол ишига,
Пок садоқат рамзидир,
Етганинг чин аҳд ила
Паймон муборақдир сенга.

Ҳарки эл имони бут,
Бўлса мадақори Худо,
Ҳеч қачон бўлма, элим,
Имону, омаддан жудо.
Куйчи ўғлингман, ҳамиша
Дилда эзгу муддао:
Шодлигу бахту камолинг
Билмасин ҳеч интиҳо,
Шон муборақдир сенга,
Даврон муборақдир сенга.


НАМАНГОН ТАРОНАСИ

(Мувашшах-мухаммас)

Ниятдай пок ҳавоси барчага
Манзур Намангонсан,
Навоий назмидай олам аро
Машҳур Намангонсан.
Боғингни дейдилар жаннат,
Тошингни дур, Намангонсан.
Ҳар ўглингни Юсуф дерлар,
Қизингни ҳур, Намангонсан.
Элинг гул, кулгуга ошно,
Ажиб масрур Намангонсан.

Ажойиб гул диёрдирсан кўриб
Шайдо бўлар кўнгил,
Атр сочса гулинг диллар
Наво қилгай бўлиб булбул,
Шу важдан келса меҳмон ҳам қолиб
Кетмоқ бўлар буткул,
Йулида гул поёндоздир, қўлида
Армуғон ҳам гул,
Ғаши бўлса, деган: «Гулдай
кулиброқ юр», — Намангонсан.

Муҳаббат бирла ободсан,
Муҳаббатдан чиройинг ҳам,
Меҳр курғизмоқ истар ирмогингдан
Катта сойинг ҳам,
Гузал Чортоқда жуш урган неча
Дардга давойинг ҳам,
Яна чойхоначинг тутган шифодек
Яхна чойинг ҳам,





Одамлик, оқибат бирла тирик,
Маъмур Намангонсан.

Асрлар шоҳидисан, тоғларинг
Остида не-не сир,
Адо бўлди сени қўмсаб
Олисларда буюк Бобур,
Замонлар, шоҳлар ўтди, сен
Яшардинг оқибат охир,
Ажин қўнган юзингни фасли
Кўклам, ювди-ю, ёмгир,
Буюк зотлар даҳосидан
Эмолган нур Намангонсан.

Нечун фахр этмайин, юртим,
Олов меҳрингга қонганда,
Нечун ҳалқим гурурланмас,
Қувончидан уриб ханда,
Елинг куйлашга ўргатса,
Сувинг шеърга этар банда,
Агар Машраб даъво қилса
Тугилдим, деб Намангонда,
Ажаб недир, ахир Нодим
Кўйига жўр Намангонсан.

Гузаликнинг сирини истаганлар
Бағрингга келсин,
Гузаликни ибo деб англаган
Қизларга термулсин.
Уларнинг кўрк-жамолини ижод,
Меҳнатда деб, билсин,
Дилин мойдай эритган бол сўзин
Ҳурмат-да, деб билсин,





Ўзинг ҳам мард йигитлар устириб
Мағрур Намангонсан.

Олиб Луқмон сўзин унга
Амал этсак ажаб недир,
Азиз меҳмонга қаймоғу қатиқ
Тутсак ажаб недир,
Сўз ичра «утти-мутти» дан воз
«Кечолмутсак», ажаб недир,
Уни ҳар ҳовлида ашъор билан
Кутсак ажаб недур,
Дили вулқондай Усмонга эмизган
Шеър Намангонсан.

Неча хил нозу неъматлар етилгай
Қутли боғингда,
Нафосат ўлкасидирсан, тароват
Ҳамма ёгингда,
Табиат ҳам латофат лойини
Қормиш қучоғингда,
Ҳабиб жўр бўлди мадҳинг
Тилга тушган тотли чоғингда,
Ўзинг илҳом, ғазал, куйга
Тугалмас қўр Намангонсан.




ИЛТИЖО


*Ўзбекистон халқ артисти
Ҳабибахоним Охуновага*

Вужудим сел бўлиб оқсин,
 Ҳабиба, айлагил хониш,
Ашуланг дилга ўт ёқсин,
 Ҳабиба, айлагил хониш,
Ҳолимга эл кулиб боқсин,
 Ҳабиба, айлагил хониш,
Бошимга таъналар ёғсин,
 Ҳабиба, айлагил хониш,
Ўқирман сенга минг тақсин,
 Ҳабиба, айлагил хониш.

Чаманда андалиб олсин
 Сабоқлар хуш овозингдан,
Чаманзор атрига тўлсин
 Димоғлар хуш овозингдан,
Не тонгим, болга айланса
 Дудоқлар хуш овозингдан,
Этиб ишқ ихтиёр бор ишқи
 Йуқлар хуш овозингдан,
Муҳаббат зуннорин тақсин
 Ҳабиба, айлагил хониш.


Бу олам битта тан бўлса
 Муҳаббат жисм аро жони,
Баланд ол пардани, тутсин
 Овозинг кўҳна дунёни,
Таралсин хонишингдан
 Ошиқ аҳлин ўтли армони,





Умидвор қил висолдан, мангу
Битсин доғи ҳижрони,
Садоқат машъалин ёқ сен,
Ҳабиба, айлагил хониш.

Гулистон бу ҳаёт ичра ранго-ранг
Гуллари ҳам кўп,
Ажиб наргислари ҳам кўп, суман,
Сумбуллари ҳам кўп,
Қўниб ҳар шохда сайровчи тўти,
Булбуллари ҳам кўп,
Қўшиқ кўп, ҳам ёниб куйловчи
Бийрон тиллари ҳам кўп,
Ҳабибга ёлғизу тоқ сен,
Ҳабиба, айлагил хониш.




АТОИЙ ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

Эй, менинг орзу, умидим,
Эй, умрга зийнатим,
Сенга шайдо бўлганимдан
Элда ошмиш қийматим,
Кеча-кундуз тавсифингга
Суз қидирмоқ хизматим,
Эй, гаму дардинг санинг
Пайваста айшу ишратим,
Меҳри васлинг бирла йўғрилди
Азалда тийнатим.

Бир нафас исмингни тутмай
Ўтса айёмим агар,
Бўлмасин ҳаргиз муяссар
Умрлар комим агар,
Ошиқ аҳли ичра бўлсин, майли,
Бад номим агар.
Ҳар намозимда манинг кофирга
Ислоким агар,
Зулфу холинг қуллуғиндан
Ўзга бўлса ниятим.


Бу ниятдан кеч, дея кўплар
Дилимни овлади,
Не ганимлар минг маломат
Ичра қўйди, довлади.
Гоҳ кучангга қўйсам одим
Нечалар ков-ковлади.
Эшикингда ит мени кўрди,
Рақибдек қовлади,
Давлатингда кўр, не ерга етди
Иззат-ҳурматим.



Боғда кезсанг минг хижолат
Ичра гуллар сўлсалар,
Шаҳр аро сайр айласанг
Йўллар атрга тўлсалар,
Ел, қуёш пойинг ўпиб, нурлар
Тушаб ўргулсалар,
Гоҳ-гоҳи эл кўриб ҳуснингни
Ҳайрон бўлсалар,
Ман сани кўрган сойин ортар
Бурунги ҳайратим.

Ёр агар айлар ситам, қилмоқ
Шикоят зўр гуноҳ,
Мен қочиб дарду ғамингдан
Изламам сокин паноҳ,
Ихтиёрим бирла санга
Боғланибман бегувоҳ,
Фурқатингда ўртар эрди бу
Заиф кўнглимни оҳ.
Оҳ, эмди қолмади оҳ
Ургали ҳам қувватим.

Менки ишқ уммонида роҳин
Йўқотган бир кема,
Эй, Ҳабиб, олий муҳаббат
Қисмат эрмас ҳар кима,
Тақдирим шундоқ экан, раҳм айлама,
Ёр, ғам ема,
«Қил биҳил, ўлсанг Атоий
Ҳасратим бирла» дема,
Гар санинг ишқинг била ўлсам,
Зиҳи хуш давлатим.







БОБУР ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Умр отлиг лазиз неъмат
Худонинг армуғонидур,
Анинг қадрига етмаклик
Мусулмонлик имонидур,
Ютилган ҳар нафас билсанг
Ададсиз лаззат онидур,
Баҳор айёmidур, дағи
Йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби
Нобким, ишрат замонидур.

Қуёш юз очдию кўкдан
Булутлар бўдилар қувғун,
Ниҳоллар навдаси тўлғун,
Ки куртак шодаси тўлғун.
Кўнгилларда баҳорий ранг
Билан оҳанг бўлиб уйғун,
Ғаҳ саҳро узори
Лола шаклидан эрур гулғун,
Ғаҳ саҳни чаман
Гул чеҳрасидан аргувонидур.

Яна жунбушга келди
Дилда оташ ранг гуллардин,
Жамолинг партави баттар
Навобахш ранг гуллардин,
Чаман ҳусни бўлиб кўксим
Уза нақш ранг гуллардин,
Яна саҳни чаман бўлди
Мунаққаш ранг гуллардин,





Магар ким сунънинг
Нақдошига ранг имтиҳонидур.

Изинг, эй, аҳли ушшоқ
Кузларининг тўтиёвори,
Сўзинг, эй, аҳли шоир
Умрининг шоҳ ашъори,
Кўзинг, эй, дил кўкининг
Мангу порлоқ шамсу анвори,
Юзинг, эй сарв, жоним
Гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй, гул, ҳаётим
Богининг сарви равонидур.

Очилган лолалар, балким
Сочилган қони Бобурнинг,
Эрур ошиқ элига дарс
Умр девони Бобурнинг,
Муҳаббат бобида мерос
Ҳабибга шони Бобурнинг,
Не ерда бўлсанг, эй гул,
Андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳҳум
Айлагилким, анда жонидур.



ЯРАТИБДУР

(Машраб газалига мухаммас)


Воҳ, Тангри сени дилбари жонон яратибдур,
Жонсиз бу жаҳон жисмига бир жон яратибдур,
Дил мулки зиё, яъни мусулмон яратибдур,
Ишқингда мени волаю ҳайрон яратибдур,
Тарсобачаи горати имон яратибдур.


Васлингни гадо мисли тиларман, нетай охир,
Ҳажрингда мудом гамга тўларман, нетай охир.
Саҳро гулидек аста сўларман, нетай охир,
Бу дашту биёбонда ўларман, нетай охир,
Лутф айлағучиким, сени уммон яратибдур.

Мен найлай, ажиб тадбир ила Тангри таоло,
Бир жисмим учун икки қошинг айласа қуш ё,
Бас, лутф тилаб ёлборишим, — қолмади маъно,
Жонимни олур бўлсанг, ол эй дилбари раъно,
Биз гамзадаларни санга қурбон яратибдур.

Айтмамки, санам бошима етди нетайин, оҳ,
Ё ранжу алам бошима етди нетайин, оҳ,
Оламдаги гам бошима етди нетайин, оҳ,
Тақдири қалам бошима етди нетайин, оҳ,
Ҳажринг гамида бесару сомон яратибдур.

Қисматни ўзи белгилар Аллоҳи жаҳоним,
Зулматда мену Сен кўп олис, моҳи жаҳоним,
Етгайму Сенга мен кабилар оҳи, жаҳоним,
Арзимни Сенга айтайин, эй, шоҳи жаҳоним
Бизларни гадоким, сани султон яратибдур.






Бир бор назар эт, ёрлақа бир бора гарибни,
Йўлингда фидо жисму дили пора гарибни,
Шу бирла худо ёрлақаса зора гарибни,
Ишқинг ўтида ошиқу бечора гарибни,
Тун-кун улус кўзида нолон яратибдур.

Дардингда жигар-бағри кабоб, қони шаробу,
Бетоқату бемаскану боз ашки селобу,
Саргаштаю бор умрида орзуси саробу,
Ғам лашкари ичра мени ҳайрони харобу,
Лаб ташнаю, дил хастая сарсон яратибдур.

Мақсадки улуг, энди кўнгил, йўлдан адашма,
Бас ошиқ эсанг, ишқ йўлида жонни талашма,
Ял-ял ёнибон ёр чиқадир ўтли қараш-ла,
Мастона сифат ишва билан нозу карашма,
Парвона сифат шаъмига сўзон яратибдур.

Оламга агар шоҳ эса-да, бошида тожи,
Бир нози учун садқа бўлар ганжию божи,
Оҳ, ганжга қараб қолса агар ишқ ривожи,
Девонаю мажнун не қилур, йўқдир иложи,
Аз рўзи азал бағрини бирён яратибдур.

Ҳолини кўриб тарзини терс бурса ёронлар,
Тарк айла, дея маслаҳатин берса ёронлар,
Найлар бу Ҳабиб Ҳақ ўзи севдирса, ёронлар,
Девонаи Машраб не демиш эрса, ёронлар,
Айб айламангизким они нодон яратибдур.





ЭШИГИНГДА


(Машраб газалига мухаммас)

Ким келса тилаб заррача имдод эшигингда,
Топқуси экан жабр ила бедод эшигингда,
Орзую умид бўлди-ку барбод эшигингда,
Мен нола қилай шому саҳар дод эшигингда,
Жонимни берай, шўхи паризод, эшигингда.


Сочини ёйиб зарра қадр топмади сумбул,
Бу ҳолни кўриб ўксимагай қайсики кўнгул,
Ҳаттоки соқов бўлди, тилин тишлади булбул,
Ул лолаву райҳону суман, тоза қизил гул,
Ҳам сарв букулди, қади шамшод эшигингда.

Бир бор мўралаб қўйса дебон садқа этиб жон,
Оҳ, қанча гариб хаста кутар қатлига фармон,
Бас шунча халойиқ ичида менда не имкон,
Хубони жаҳон бўлса тақи Юсуфи Канъон,
Султону амир, бандаи, озод эшигингда.

Ушшоқ элининг, айт-чи, наҳот, коми балодир,
Ким сен сари юргани — айёми балодир,
Боз сув сўраса етгани ул жоми балодир,
Зулфинг сани жонима юз дома балодир,
Жони қуши сайд ўлди чу сайёд эшигингда.



Билмай не бўлур қисмати сен сори чопибдир,
Пойингдан асар қолди дея хокин ўпибдир,
Кўзларга суриб гардини хушнуд кўпибдир,
Олам бориси лаззати ҳуснингни топибдир,
Гирёну фиғон нолаву фарёд эшигингда.



Эл ичра маломатга тушубман сени излаб,
Найлайки залолатга тушубман сени излаб,
Оташли қиёматга тушубман сени излаб,
Савдои муҳаббатга тушубман сени излаб,
Ўлтурди гаминг, кўзлари жаллод эшигингда.

Чиққайму дебон термуладур шому саҳар кўз,
Курмоққа жамолингни илож топмайин, афсус,
Девонасифат ўлтирибон яккаю ёлгуз,
Ашкин тўкибон ҳажру гамингда кеча-кундуз,
Вайрона ватан — манзили обод эшигингда.

Ишқ асли, Ҳабиб, дин ила мазҳабга тушубдир,
Ким дину имон йўлида матлабга тушубдир,
Қай кунки кўзим ердаги кавкабга тушубдир,
Ул ҳусну жамолинг ўти Машрабга тушубдир,
Парвона сифат куйди, паризод, эшигингда.





ЁРНИНГ КЎЙИДА

(Машраб газалига мухаммас)


Кел, рафиқ, бир суҳбати жонон қилай,
Ким хаёлин суҳбат ичра жон қилай,
Ишқининг мавзуида дoston қилай,
Ёрнинг кўйида мен жавлон қилай,
Итларига қўшулуб афгон қилай.


Йуқдир урним давраи хоқон аро,
Андалибдурман магар бўстон аро,
Умр утар саргаштаю нолон аро,
Кошки бу кулбаи аҳзон аро,
Итларини бир куни меҳмон қилай.

Кулмагил ҳолимга сен бедард, рақиб,
Кори нола бўлса нетгай, андалиб,
Сен ҳам афсус чекмагил, ночор ҳабиб,
Ёр қилгон захм битмас, эй табиб,
Дема менга: дардинга дармон қилай.

Ошиқ аҳлин қисмати бўлмиш абад,
Нозанинлар нозидан олмоқ мадад,
Воҳки, менга бир мададан мингта дард,
Оқизиб кўздан сиришким беадад,
Хаймаи афлокини вайрон қилай.

Баски, чиқмассан кулиб созинг билан,
Сийламассан зарра эъзозинг билан,
Ҳукм ўқиб амрона овозинг билан,
Кес бошимни ханжари нозинг билан,
Сендан ўзга кимга саргардон қилай.





Бир муаттарлик била тўлсин жаҳон,
Маст бўлиб тутсин яқо пиру жавон,
Боиси оҳим бўлар элда аён,
Зулфи мушкинингни тасвир айлабон,
Бу варақни саҳфаи райҳон қилай.

Қилмагай ким ёрга тортиқ кўнглини,
Севгидан ким кўрса ортиқ кўнглини,
Пора қилсин ханжару тиг кўнглини,
Ишқ кўйдирса бу ошиқ кўнглини,
Сийна ичра ўт нечук пинҳон қилай.

Биргина сўз қотди, ўлдирди мани,
Телбага ўхшатди, ўлдирди мани,
Кўрдию тез қайтди, ўлдирди мани,
Гул юзин кўрсатди, ўлдирди мани,
Ёрни жисм орасинда жон қилай.

Умрлар озурда ётсам жомидин,
Таъна уммонига ботсам жомидин,
Эй, Ҳабиб, тотсам-да қотсам жомидин,
Машрабо, бир қатра тотсам жомидин,
Ўзими ишқ аҳлига султон қилай.



БЎЛҒАЙМУКИН

(Машраб газалига мухаммас)


Ёрга этсам илтижо бўлғаймукин?
Бир назар менга раво бўлғаймукин?
Илтижо қилмоқ хато бўлғаймукин?
Йигласам вақти дуо бўлғаймукин?
Кўз ёшим дардга даво бўлғаймукин?

Оҳу нолам бори оламни қучиб,
Ишқида ақлу ҳушим бошдин учиб,
Менки, бир мажнунвор, ўздин кечиб,
Бодаи ишқи муҳаббатдан ичиб,
Шавкати дунё жудо бўлғаймукин?

Ҳеч ким дарду дилимни билмади,
Ёки бир ҳамдард киши топилмади,
Найлайн орзу гулим очилмади,
Йигламоқдин менга имкон қилмади,
Ёрдин менга нидо бўлғаймукин?

Келмишам дунёга найлай, дўстлар,
Рози дилни кимга айлай, дўстлар,
Роҳ йўқ, айтсамки қайтай, дўстлар,
Қайси бир дардимни айтай, дўстлар,
Ўлмайин дардим адо бўлғаймукин?

Умр ўтар, бори сўрогим бежавоб,
Маҳрамеким топмадим, истар савоб,
Бир Ҳабиб чекди ғамимдин изтироб,
Машрабо, куйдирди ёр, ҳолим хароб,
Арз этарга додҳо бўлғаймукин?






МУБТАЛО ҚИЛДИ


(Машраб газалига мухаммас)

Мени дунёга келтирган
Неларни муддао қилди,
Наҳот, умрим йўлига бор
Ситам, ғамларни жо қилди,
Бирор дам шод бўлмоққа
Таажжуб, нораво қилди,
Мени даврон букун
Дарду аламга мубтало қилди,
Жафожу нозанинлар
Бирла ёру ошно қилди.

Фалак бахтсизлигин берди,
Ки мендан омадин асраб,
Вафосизга дучор этди,
Вафодор талъатин асраб,
Бунинг корин кўрингизким,
Умидбахш соатин асраб,
Алифдек жон аросинда
Ниҳоли қоматин асраб,
Ғамидин оқибат қаддимни
Нун янглиғ дуто қилди.

Кўриб аҳволи зоримни
Тузалгай, деб ният қилма,
Қошимга келганингда
Раҳм қилки, орият қилма,
Бўлибдир неки бўлса,
Хоҳ уят қил, хоҳ уят қилма,
Биродар, сен букун мендан
Умиди офият қилма,





Юрак бағрим оқиб күздин
Ажал юзини во қилди.

Омонлик истадим, найлай,
Омон ичра омоним йўқ,
Қуриб битди мадорим ҳам,
Тирик жисмимда жоним йўқ,
Фигоним қолмади, ҳатто
Чекурга бир фигоним йўқ,
Бу ҳолимга тараҳҳум
Қилгудек бир меҳрибоним йўқ,
Мени бечора қилди,
Зор қилди, бенаво қилди.

Ҳабиб, мен ҳам яшаб турган
Замон ичра ганиматман,
Намангон деб аталмиш
Бу макон ичра ганиматман,
Маконим билмаса, бир
Хонадон ичра ганиматман,
Халойиқ дуни бўлсам ҳам
Жаҳон ичра ганиматман,
Бу кун ё тонгла айтурларки
Машраб ҳам қазо қилди.




ДИЛДОР МАНДИН ЎЗГАГА


(Огаҳий газалига мухаммас)

Ман-ку унга зорман,
Ул зор мандин ўзгага,
Алданибман хор ўлиб,
Ул хор мандин ўзгага,
Манга пинҳон сири ваҳ,
Ошкор мандин ўзгага,
Ваҳки, айлаб лутфу эҳсон
Ёр мандин ўзгага,
Айламас зулму ситам
Изҳор мандин ўзгага.

Билмадим шундоқми касби
Дилраболар наслининг,
Ёки тушдим домига
Алдоқчи ёрлар аслининг,
Не билан изоҳ этай,
Гул-гул очилган фаслининг —
Заҳри ҳажрини берур
Ҳар дам манга у васлининг,
Нушини инъом этар
Бисёр мандин ўзгага.

Бир тамошо қилмоқ истаб
Ул гули орастани,
Ёлбориб келсам қошига
Гул билан вобастани,
Ул самода кўзга илмас
Ман туробдай пастдани,
Куймасун кўнглим на янглиг
Ким қовуб ман хастани,






Суҳбатига йўл берур
Дилдор мандин ўзгага.

Хаста ҳолимга боқиб,
Балки билибму нораво,
Ёки шоҳлар суҳбатига
Манзур ўлмас, деб гадо,
Ёки етмасдан фалакка
Чекканим ўтлуғ нидо,
Вақки мандин ёрни
Бегона айлаб, ошно
Айлади чархи ситам
Кирдор мандин ўзгага.

Кипригин ҳар толасин
Тиғи ситам айлаб бу дам,
Ёр ҳукмини азизу
Муҳтарам айлаб бу дам,
Ҳам унинг ижросига
Шаҳдам қадам айлаб бу дам,
Олди жонимни гами фурқат
Карам айлаб бу дам,
Берма, соқий, май бурун
Зинҳор мандин ўзгага.

Дил бериб бўлгон эдим
Мамнун, ажаб йўқ, негаким,
Билмас эрдим этмогин
Дилхун, ажаб йўқ, негаким,
Бўлса ҳолимдин Ҳабиб
Маҳзун, ажаб йўқ, негаким,
Огаҳий гар йиғласам
Тун-кун, ажаб йўқ, негаким,
Манга жавру луфт айлар
Ёр мандин ўзгага.






УМИДИМ БУ ЭДИКИМ


(Огаҳий газалига мухаммас)

Ажаб, қайдан топиб бундоқ
Жазо — ўлтурмай ўлтурди,
Бақавли ногаҳоний бир
Бало ўлтирмай ўлтурди,
Наҳот, битмиш бу қисматни
Худо, ўлтурмай ўлтурди,
Келиб ногоҳ мани ул қоши
Ё ўлтурмай ўлтурди,
Отиб мужгон ўқин, айлаб
Жафо, ўлтурмай ўлтурди.

Магар келдинг, бўлиб бир лаҳза
Ҳамдам ўлтуриб ўлтур,
Этиб сунгги нафасда шоду
Хуррам ўлтуриб ўлтур,
Кетай рози бақога, англа,
Сен ҳам, ўлтуриб ўлтур,
Дедим юз ёлбориб қошимда
Бир дам ўлтуриб ўлтур,
Баҳона айлабон шарму
Ҳаё ўлтурмай ўлтурди.

Ният ўлтурмоқ эрса,
Деб эдим хумморлиг қилгай,
Заҳар тутгунча алдаб ҳам
Шакаргуфторлиг қилгай,
Сўраб аҳволи зорим,
Лоақал бир ёрлиг қилгай,
Умидим бу эдиким ўлтуриб
Дилдорлиг қилгай,
Ва лекин кўргузиб нозу
Адо ўлтурмай ўлтурди.






Тавалло бирла термулдим
Унинг қотил сиёқига,
Ҳали қон сачрамасдан
Лола ранг олган яноқига,
Пичирлаб қатлима ҳукмин
Ўқуб турган дудоқига,
Ман ултурмоқ тилаб илгин
Тутуб тушдим аёқига,
Ул истиғно қилиб зоҳир
Манго ултурмай ултурди.

Хиром айлаб чаманда
Ёнма-ён юргузди ушшоқин,
Сайилгоҳда авайлаб
Тўрга ултургизди ушшоқин,
Тагин лутф айлабон
Анжуманини тузди ушшоқин,
Бориб мажлисларига
Ўлтириб тиргузди ушшоқин,
Мани лекин келиб кулбам
Аро ултурмай ултурди.

Ялиндимки, жамолингга тўяй,
Бир лаҳза тек тур, деб,
Тиғиз гар фурсатинг шунча
Шитобсиз астароқ юр, деб,
Калимам келтирай ҳеч йўқ,
Кейин майлингдир ултур, деб,
Етушгач бошима тортиб қилич,
Бир лаҳза ултур, деб,
Туман минг ёлбориб қилдим
Дуо, ултурмай ултурди.

Ҳабиб на сўрди аҳволим,
Рақиб на англади ҳолим,



Бу корни шарҳлагай на
Юрт аро бир нуктадон олим,
На оҳим етди Оллоҳга,
Умрдан булди шу солим,
Фигонким, Огаҳийнинг
Кулбасига келгач ул золим,
Жафо шамширини тортиб
Анго ўлтурмай ўлтурди.






ҚАЧОНКИМ УЛ ПАРИ


(Оғаҳий ғазалига мухаммас)

Күриб бир тальатин ақлим
Түзон ұлди, түзон ұлди,
Бу түзондин вале бахтим
Жаҳон ұлди, жаҳон ұлди,
Бу жон мужгон ұқиға зор
Нишон ұлди, нишон ұлди,
Қачонким ул пари күздин
Ниҳон ұлди, ниҳон ұлди,
Ишим Мажнун киби оқу
Фигон ұлди, фигон ұлди.

Манингдек норасоға марҳамат
Қилмиш топиб вақтин,
Раво айлаб жамолини тағин
Бир кўргузиш бахтин,
Шу лутф бирла гадоға хос күриб
Шоҳ давлату тахтин,
Чиқ истиқболиға, эй дил,
Нисори айла жон нақдин,
Ки дерлар бу тараф ул шаҳ
Равон ұлди, равон ұлди.

Тилим юмшоқлигидан неча борким
Панд едим, эй шўх,
Шу боис тилни тиймоққа қарор
Айлаб эдим, эй шўх,
Қасам минг бор, узимға боз
Қасам этмабмидим, эй шўх,
Кўнгулда оташи ишқинг ниҳон
Асрай, дедим, эй шўх,







Нетай, оҳим шароридан
Аён ўлди, аён ўлди.

Ўшул кунким бойитдинг маънилар
Конин мақолингдан,
Ўшул кунким бу дунё баркамол
Ўлди камолингдан,
Ўшул кунким мот этдинг болни ҳатто
Лафзи болингдан,
Ўшул кунким ёритдинг ҳусн
Айвонин жамолингдан,
Дили вайроним ишқингга
Макон ўлди, макон ўлди.

Бу вайрон мулким олмоққа керакмас
Энди лашкар ҳам,
Ҳимоя қилмоғимга ҳам зарурмас
Эҳтиёт чорам,
Ўзи мағлуб бўлиб ётгай
Босарсанму, дебон мақдам,
Ҳазин жонимга дарду гам ўқин
Ёгдиргали ҳар дам,
Юзинг узра ики қошинг
Камон ўлди, камон ўлди.

Агар ошиқ эсанг бил, бир
Жонингга минг жазо бордур,
Рақиб бордир, маломат тошидан
Захму жафо бордур,
Магар сенда ҳаё, агёрда минг
Тур риё бордур,
Инонмон, эйки, дерсан дилраболарда
Вафо бордур,






Яқиндурким, бу сўз манга
Гумон ўлди, гумон ўлди.

Магарки шаҳр аро кезсам ҳаловат
Бўлмаса жонда,
Шамолдек беқарор ўлсамки, тугён
Тинмаса қонда,
Ки кулфатдан омонлик топмаса
Жоним бирор онда.
Туну кун чиқмасам майхонадин,
Не айбким, онда,
Кишиким кирди кулфатдин
Омон ўлди, омон ўлди.

Кечиб ишқдин бирор-бир кор
Қиларсан, суд топгайсан,
Ки ошиқликни нодонлик
Биларсан, суд топгайсан,
Қолиб ёр ганж сариға
Интиларсан, суд топгайсан,
Жаҳон савдосидин, эй ким,
Тиларсан, суд топгайсан,
Бу савдо суди, билгинким,
Зиён ўлди, зиён ўлди.

Ҳабиб, бас, дема, ушшоқ дардини
Назм этмагинг ҳар тун,
Нигоро, манга орзу биз тараф
Азм этмагинг ҳар тун,
Санамлар одатини кандасиз
Расм этмагинг ҳар тун,
Агарчи яхшидур аҳбоб ила
Базм этмагинг ҳар тун,
Вале Огоҳини қовдинг,
Ёмон ўлди, ёмон ўлди.






МУБТАЛО


(Муқимий газалига мухаммас)

Во дариг, этдинг мени кўп
Можарога мубтало,
Айлабон мен норасони
Бир расога мубтало,
Мен ахир эрдим-ку бир
Кори жафога мубтало,
Сахт бўлмишман яна бир
Дилрабога мубтало,
Бир балодин соф бўлмай,
Бир балога мубтало.

Ташна бир ошиқ мисол
Васл истагида беқарор,
Кўксини чок-чок этиб,
Кўзларда ёши шашқатор,
Ё умидидан кечолмай,
Ё бўлолмай бахтга ёр,
Лола бағри доғ қат-қат
Қон очилгай ҳар баҳор,
Мен каби бўлгон магар
Гулгун қабога мубтало.

Зор эканму бу парирў
Шунчалар фарёд учун,
Не бўлур, қилса табассум
Биз каби ношод учун,
Ё яралганму билолмам
Бизга истибдод учун,







Тоқ тоқатлар юрарга күз
Тутиб имдод учун,
Не ажаб, бўлсам агар
Мужгон асоға мубтало.

Воҳ, бу жон бўлсин поёндоз
Йўлга гулру чиқса гар,
Қатра-қатра қонларимдан
Гул униб бошин эгар.
Илтижо шулдир фақат,
Қай чоқдаким одим босар,
Айласун афтодалар ҳолига
Ҳам гоҳо назар,
Бесамаг боғларда сарв
Булгач ҳавога мубтало.

Ошносан дардга, лекин у
Табиб аҳволингга
Заррача қилмас назар раҳми
Келиб аҳволингга,
Йиғлагил танҳо ўзинг эмди
Ҳадеб аҳволингга.
Раҳм қилмай, эй кўнгул, бўлдинг
На деб аҳволингга,
Бу сифат бебок пур
Жабру жафога мубтало.



Номини жонга бадал қилдим
Бу боис бирлаким,
Жон усиз ҳеч нарса деб билдим
Бу боис бирлаким,
Йиғлабон йўлга йиқилдим
Бу боис бирлаким,



Ашкими қонға бадал қилдим
Бу боис бирлаким,
Шухлар мойил руунатга,
Хиноға мубтало.

Гулга зор бир андалибман
Танда йўқдир тоқатим,
Оҳ уриш бўлмиш ишим,
Қондир ичарга овқатим,
Ўтмагай бир лаҳза ҳам
Дилбар ёдисиз фурсатим,
Афзун ўлди, дўстлар,
Тобора бора ҳайратим,
Бир бошим савдои юз минг
Муддаоға мубтало.

Арзима солсин қулоқ, шул танда
Армоним мани,
Бузмасин оламни токи
Оҳу нолоним мани,
Қолса бас номи билан бирга
Ҳабиб номим мани,
Назмими кўрсанг билурсан доғи
Ҳижроним мани,
Найлай ўлмишман Муқимий
Маҳлиқоға мубтало.



САНСИЗ


(Муқимий газалига мухаммас)

Бугун булбул навоси канда сансиз,
Навога иштиёқи қанда сансиз,
Қилур минг илтижо бир банда сансиз,
Юз очким, гунчалар гулшанда сансиз,
Қила олмас, нигоро, ханда сансиз.


Санинг бирла бутун фикру ўйимиз,
Санга оҳу, санга хониш, куйимиз,
Эрур пойингга зор қалбу уйимиз,
Висолингдир ҳамиша орзуйимиз,
Бугунча бўлмасун жон танда сансиз.

Бўларманму бирор кун суҳбатингда,
Топарманму, дебон жой дил қатингда,
Ўтарманму ва ёким фурқатингда,
Фигону нола айлаб ҳасратингда
Урарман тахта бағрим ринда сансиз.

Тушиб қолган менинг домимни сўрма,
Ўзингдан ўзга бир комимни сўрма,
Демонким, эс-ҳушум, номимни сўрма,
Қарору сабру оромимни сўрма,
Юруб девонаман Хўқандда сансиз.



Ҳасад қилмоқда тоғлар ҳам дошимга,
Қизил қоним қўшилмиш кўз ёшимга,
Келиб кулгай жунун аҳли қошимга,
Тушиб зулфингни савдоси бошимга,
Яқин келдим киярга жанда сансиз.



Жамолинг нуридин ҳар гунча кулсун,
Лаб очгил, боғ аро инжу тўкилсун,
Ки зулфинг хуш бўйи ҳар ёнга тўлсун,
Хиром эт ноз ила товус бўлсун
Чаманда лоф уриб, шарманда сансиз.

Кирибдир ишқ бозорингга ошиқ,
Ҳабибдир ҳарки озорингга ошиқ,
Қилур жон садқа рухсорингга ошиқ,
Нетар жаннатни дийдорингга ошиқ,
Муқимий қайда роҳат манда сансиз.






ҚИЛМАСУН


(Муқимий газалига мухаммас)

Ким садоқат сақлай олмас
Ошно ҳам қилмасун,
Дусту ёрлик расмини ҳеч
Муддао ҳам қилмасун,
Ёрликни ваъда айлаб,
Сунг риё ҳам қилмасун,
Ёр агар лутф айламас
Жабру жафо ҳам қилмасун,
Қилмас эрса манга
Ғайрига вафо ҳам қилмасун.

Мен фақирни қийнамоқлик
Бўлса ул моҳга ҳавас,
Ёр зулмидин шикоят
Айламоқ мардлик эмас,
Қилмоқ истар бўлса кенг
Оламни менга тор қафас,
Сумбули зулфи каби
Ошуфта айлаб ҳар нафас,
Кокилидек рўзгоримни
Қаро ҳам қилмасун.

Раҳми келмас бўлса кўргач
Кўзларимнинг жоласин,
Қонларимдан эрканини
Сезмаса тоғ лоласин,
Беписанд ўтса билиб ҳам
Ошиқ ўтли воласин,







Гар эшитмас бўлса
Боғларда фиғону ноласин,
Гул юзин кўрсатмасин,
Булбул наво ҳам қилмасун.

Ёлбориб йўлига чиқсам
Бир назарга илмаса,
Эй ғариб, холинг нечук, деб
Лоақал қайрилмаса,
Ул табибим хаста дилга
Бир давосин қилмаса,
Дардим ишқида кун-кундин
Фузунроқ билмаса,
Бир мусулмонни ўзига
Мубтало ҳам қилмасун.

Қайдин урганмиш ситамни
Ул қади шамшодким,
Зулм аҳлига наҳот
Бўлмиш ўзи устодким,
Бу нечук сангдиллик, айтинг,
Бу нечук бедодким,
Йигламоқдин хийра бўлдим,
Кўз демиш, фарёдким,
Кўзга босган изларимни
Тўтиё ҳам қилмасун.



Шунча ноламдан очилгайди
Тугунчак гунча ҳам,
Шу малоҳат бирла бўлгайму
Раҳмсиз шунча ҳам,
Чўзмасам зулфин силашга
Бир қўл охир мунча ҳам,



Қучмасам нозик белидан
Бир йўл охир мунча ҳам,
Қоматимни гам юки
Бирла дуто ҳам қилмасун.

Ўзни дилдорликка жўймоққа
Муносиб кўрмаса.
Бир нафас васлига тўймоққа
Муносиб кўрмаса,
Бир итидек лаҳза суймоққа
Муносиб кўрмаса,
Гар кафи пойига қўймоққа
Муносиб кўрмаса,
Йиглатиб кўз ёшими
Ранги хино ҳам қилмасун.

Умрларким, васли кўйида
Ўтарман ёрсиз,
Эл кўриб аҳволи зоримни
Дегайлар орсиз,
Бу маломатлар ахир
Осгай Ҳабибни дорсиз,
Келмаса ҳолим сўраб
Гоҳе Муқим агёрсиз,
Бўйла аввал ишқ утин
Дилларга жо ҳам қилмасун.




МУСАДДАСЛАР

ВАТАНГА ТАЪЗИМ

Эй Ватан, таъзим сенга
Берган тузу нонинг учун,
Оташин меҳринг қўшиб
Бахш айлаган жонинг учун,
Кузларим мардумига
Жо боғу бўстонинг учун,
Дил уйим равшанлиги,
Пок нури имонинг учун,
Файзли бағрингда униб
Ўсмоққа имконинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.

Сенки ҳар фарзандига
Мунис, жафокаш онасан,
Меҳрибон ўғлонларинг
Содиқлигидан қонасан,
Ким улар сеҳри билан
Жаннат мисол афсонасан,
Шул сабаб доим ганим
Бадкорлигидан ёнасан,
Нола чеккунг ёвга ёр
Бадхулқу нодонинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо,
Ҳар битта фармонинг учун.


Нур билан йўргакладинг,
Ёқдинг дилимга зўр чароғ,




Куз очиб бағрингга боқдим
Тортди меҳрим боғу роғ,
Ҳар нафасдан соф ҳаво,
Гул хуш ҳидин туйгач димоғ,
Бир умр, поклик, гузал
Ҳисларга бердинг иштиёқ,
Жонни тиксам арзигай
Шул лутфу эҳсонинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун!

Ям-яшил ўтлоқларинг
Бағрида чопдим улгайиб,
Зарраси зарларга тенг
Тупроғинг ўпдим улгайиб,
Ҳар ётиб ўпганда зўр
Куч бирла қўпдим улгайиб,
Дилга қувват бахш этар
Бир маъни топдим улгайиб,
Яъни меҳринг куч ато
Айларкан ўғлонинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.

Тарихинг бир бобидан
Жисмим аро оғриқ турур,
Бошқа бобидан эса
Дил мулкига тўлгай гурур,
Ёвларинг кўксинг эзиб
Зулматга қўйса неча қур,
Сен заковат бобида
Сочдинг бари оламга нур,
Ким башар таҳсин ўқир
Илм ичра шаън, шонинг учун







Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.

Аввало туйган эдим
Пок талъатингдан ифтихор,
Бора-бора илмингу
Соф санъатингдан ифтихор,
Алп Жалолиддин, Темур –
Шоъ-шавкатингдан ифтихор,
Дилда истиқлол сабаб
Ҳур Давлатингдан ифтихор,
Боз гурурим беадад
Шул давру давронинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.

Кун-бакун сен кўрк очиб
Оламини қилгунг маҳлиё,
Дуст ҳавас бирла боқур,
Излар ганим минг бир риё,
Ит ҳурар, карвон ўтар,
Карвон йўлингдир пурзиё,
Чунки Сарбонинг жасур,
Кунглида эзгу муддао,
Ҳам зафарга ошно
Ҳар лаҳзаю онинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.



Пойингга чўккан эдим,
Сен даст кўтардинг кафтингга,
Бир аёз музлатди, лек
Сен чулгаб олдинг тафтингга,



Жур эрурман, эй Ватан,
Авжу, даромад, савтингга,
Куйларим бергай мадад
Шоядки аҳду заптингга,
Рози бул шоир деган
Ардоқли унвонинг учун,
Бир эмас, минг жон фидо
Ҳар битта фармонинг учун.







ДЎСТАЛАРИМГА

Марҳамат айлаб мени
Бағринга олдинг, эй ҳаёт,
Боз яшаш дарсин бериб,
Кўнглимга жо этдинг сабот,
Гоҳ бошим тошларга урдинг
Гоҳида бердинг нажот,
Сабру бардошим кўриб,
Дўст бўлди ҳатто етти ёт,
Ҳар нафас сендан илинжим
Битта эзгу илтифот:
Дўстларимни айлагил
Бевақт ажалдан эҳтиёт.

Отадан ёлғиз эрурман,
Сенга бу ҳолим аён,
Шул сабаб ҳар дўст менга
Гуё жигардир меҳрибон,
Ҳар бирин меҳри этар
Ўксик дилимни осмон,
Бахтларин кўрсам кўзимда
Яшнагай рўйи жаҳон,
Дард агар чекса улар —
Жисмимга тордир коинот,
Дўстларимни қил, ҳаёт,
Бевақт ажалдан эҳтиёт.

Дилни ўртар мен бирин
Ногоҳ йўқотган чоғларим,
Битмагайдир то ҳануз
Кўксимда қолган доғларим,
Бўлмасин пайҳон умид
Бирла кўқартган боғларим,







Майли, олгил бойлигим,
Аммо суянган тоғларим,
Ҳам суянчим, ҳам қувончим,
Ҳам дилим суйган баёт —
Дўстларимни айлагил
Бевақт ажалдан эҳтиёт.

Дейдилар эркакни ўқмас,
Доғи фурқат ўлдирур,
Ёки нопок кас отур
Санги маломат ўлдирур,
Гоҳи игво ўлдирур
Ё гоҳи тухмат ўлдирур,
Мардни номард дасти бирла
Кек, хусумат ўлдирур,
Дўстларим — мардлар,
Улар орзусига бахш эт қанот,
Дўстларимни қил — ҳаёт,
Бевақт ажалдан эҳтиёт.


Не синовинг бўлса ўтдим,
Етди бардошим менинг.
Дил агар йиғлар, кўзимдан
Чиқмади ёшим менинг,
Сен ўзингсан, эй ҳаёт,
Ҳар ишда сирдошим менинг,
Бўлмади умрим бўйи ҳеч ерда
Ҳам бошим менинг,
Менга тутсанг, майли, тутгил
Бемаҳал заҳри мамот,
Дўстларимни айлагил
Бевақт ажалдан эҳтиёт.

Яхши ният бирла ҳар лаҳза
Наво қилгай Ҳабиб,





Ҳарки дил захмига чин сўздан
Даво қилгай Ҳабиб,
Эй ҳаёт, не хизматинг бўлса
Бажо қилгай Ҳабиб,
Кеча кундуз сидқидилдан
Муддао қилгай Ҳабиб,
Давлатим, яъни кўнгил
Мулкимдаги нодир бисот —
Дўстларимни айлагил
Бевақт ажалдан эҳтиёт.







ФАРЗАНДЛАРИМ

Мен келиб дунёга топган
Давлатим фарзандларим,
Қадди бастим кўрки ҳам Сиз
Савлатим, фарзандларим,
Эл аро шаънимга ҳурмат,
Иззатим фарзандларим,
Сиз биландур бу ҳаётда
Қимматим фарзандларим,
Барча корим ичра нодир
Санъатим фарзандларим,
Ҳур Ватан кўркига қўшган
Зийнатим фарзандларим.

Олам ичра ҳар кишининг
Бир буюк армони бор,
Қайси кас мансабга муштоқ,
Қайси кас дунёга зор,
Қай бировнинг моли бисёр,
Қай биров омадга ёр,
Лек утар тирноққа зору
Кузда ёши шашқатор,
Сизки бор, мендан чекингай
Кулфатим, фарзандларим,
Ҳур Ватан кўркига қўшган
Зийнатим фарзандларим.

Ҳар бирингизга боқиб
Дилда қувончим беадад,
Қоматингизни кўриб олгай
Кўзим нур, бел мадад,
Сиз туфайли илдиз отмишман
Заминда тоабдад,






Билмасин бахту камолингиз
Сира поёну ҳад,
Ушбу йўлда Сизга ҳарки
Хизматим, фарзандларим,
Хур Ватан кўркига қўшган
Зийнатим фарзандларим.

Яхши ният бирла бердим
Раҳматулло номини,
Жуфти Нуриллонинг этдим
Нурга ошно номини,
Ҳам Саида эслатур назм
Ичра доно номини,
Ким умидимдан Умида
Олди зебо номини,
Бўлди Шукруллода жо
Пок ниятим, фарзандларим,
Хур Ватан кўркига қўшган
Зийнатим фарзандларим.


Истагим: содиқ бўлинг
Ҳар дам ота имонига,
Тикмангиз кўз, чўзмангиз қўл
Ҳеч бировнинг нонига,
Ким ҳалол меҳнат қилар
Етгай умид армонига,
Кимки нопоқ, оқибат
Қасд айлағай ўз жонига,
Ризқингиз бўлмиш мудом
Пок меҳнатим, фарзандларим,
Хур Ватан кўркига қўшган
Зийнатим фарзандларим.

Сиз Ҳабиб Саъдулла номин
Олган ўғлон, қизлари,



Йўллагум Сизни азиз
Меҳнатсевар халқим сари,
Юртга содиқ, элга ҳамдард
Булсангиз хизматгари,
Ёдлагай ўтганда ҳам
Номим улуғлаб эл бари,
Сизга боғлиқ қай йўсин
Қолса отим, фарзандларим,
Ҳур Ватан кўркига қўшган
Зийнатим фарзандларим.





М У Р А Б Б А

БОЛАЛИККА ЁР ШОИР

(Қутлов-мувашшах)

Қариш билмас болаликка ёр шоир,
Умр буйи бола завқи бор шоир,
Доғда қўйиб ҳатто йиллар саногин,
Дангал қилгай кексалиқдан ор шоир.

Улуғ бўлиб, улуғлигин сезмаган,
Сўз конидан тинмай гавҳар излаган,
Меҳрин қўшиб тузса-да шеърий чаман,
Умидига олам ҳамон тор шоир.

Ҳавас қилур барча адл қомадин,
Ақли билан борлиқ сўзлай олади,
Матални ҳам минг бир куйга солади,
Мақтовига сўз топмоқ душвор шоир,

Адашганми табиат, ё ёлғондан
Дерлар: ошди етмиш ёшлик довондан,
Интилсангиз юз-юз эллик томонга,
Йиллар қолсин поёндоздай хор, шоир.



СЕНСИЗ

Эркам, хаёлларим паришон сенсиз,
Оромин йуқотди гариб жон, сенсиз.
Ҳатто қуёш юзин тўсди булутлар,
Мунгайиб қолди-ку Намангон сенсиз.

Не тонг, бир кундаёқ шундоқ соғинсам,
Исминг тилга олсам кўзларимда нам,
Бир менмас, юртимда ҳукмрон кўклам,
Кўркин этолмагай намоён сенсиз.

Олиб кетганмидинг шаҳрим рангларин,
Қувноқ қўшиқларнинг шўх оҳангларин.
Шодон қаҳқаҳамнинг шаън жарангларин,
Куйлолмам, кулолмам шўх-шодон сенсиз.

Ҳолимга дўстларим боқурлар ҳайрон,
Эс-ҳушдан жудоман, дил мулки вайрон.
Сен эдинг-ку барча дардимга дармон,
Нечун бунда қолдим мен нодон сенсиз?!

Тезроқ қайт, фариштам! — Ўксик дил зори,
Васлингдан ёзилсин кўнгил хумори.
Яшнасин, гул очсин юртим баҳори,
Унинг ҳам кўзлари нигорон сенсиз.



АЛВИДО


Она тупроқ Намангон аҳлига ҳадя этган бир неъматини қайтиб ўз бағрига олди. Юртнинг ардоқли фарзанди Абдуқаҳҳор Гаффорийнинг жушқин қалби уришдан тухтади. Унинг сиймосида Намангоннинг бир азамат чинори қулади. Унинг фазилатларини санашга сўз етмаганидай, бу жудолик туфайли унинг оила аъзолари, қариндош уруглари, ёр-дустлари юрагига чўккан аламни шарҳлашга забон ожиз, калом ожиз, қалам ожиз.


Чунки у Намангоннинг бир парчаси, кўрки, гурури эди. Қаерда хизмат қилмасин, қайси даврага кирмасин ундан юртнинг фазилатлари уфуриб турарди. Қалби меҳр уммони эди, ҳамманинг меҳрибони эди. Алвидо, эй меҳрибон!

Ё фалак, этдинг мени бир меҳрибонимдан жудо,
Она юртим қалбидан ўрлар бугун ўтли нидо,
Гул очиб кулган баҳор ҳам мунгайиб бағри адо,
Кимдир ўкраб йиғлагай, мен йиғлагайман бесадо,
Айрилиб бир тоғидан айтур Намангон алвидо,
Ер магар бағрига олгай, Раҳматингга ол, Худо!

Бир умр эл ташвишин кифтига ортган нор эди,
Ишда саркор, тўйда дастёр, даврада сардор эди,
Сухбатин олган кишилар бир умр хуммор эди,
Шеър, қўшиқда ўхшаши йўқ, Гаффорий Қаҳҳор эди,
Бўғзида қотди каломи, кетди хушхон, алвидо,
Ер магар бағрига олгай, Раҳматингга ол, Худо!

Мамлакатга ёйди доим гул Намангон шонини,
Меҳнату ҳиммат билан оқлаб еди туз-нонини,
Бир нафас ҳам йиғмади дўстона дастурхонини,
Дўсту ёр бирла бўлишди ризқи, умри, жонини,





Минг таассуф топмади дардига дармон, алвидо,
Ер магар бағрига олгай, Раҳматингга ол, Худо!

Роппа-рост қирқ кун муқаддам ерга қўйди
сарварин,

Воҳки, йўлга тушди зор-зор қақшатиб
фарзандларин,

Ташлади кетди ёзиглиқ шеърга ташна дафтарин,
Ҳам садоқатли рафиқа, сингилу дилбандларин,
Ҳамманинг кўнглида қолди сўнгсиз армон, алвидо,
Ер магар бағрига олгай, Раҳматингга ол, Худо!

Гарчи кетди бизни ташлаб, ҳар кўнгилда сурати,
Мардлигу, дўстга садоқат, меҳрибонлик хислати,
Яхшиликлар қолди ундан, қолди дилкаш суҳбати,
Ҳам саховат, ҳам гузарнинг янги кўрку савлати,
Комил инсон-элдан унга бўлди унвон, алвидо,
Ер магар бағрига олгай, Раҳматингга ол, Худо!

Бу сенинг изминг, ироданг, эйки, пок Парвардигор,
Амрингга бўйсунмайин бандангда қандай чора бор,
Илтижоим қилма энди бундайин гамга дучор,
Ёлборурман эл дуосин эт ижобат шом-наҳор,
Жойини жаннатда қил, қабрин чарогон, алвидо,
Ер магар бағрига олгай, Раҳматингга ол, Худо!

НАҲОТ...

Бир ойдирки, бу жудолик важҳидан эсим ҳайрон, тилим лол. Бир ёним буш. Бир ойдирки, қарийб қирқ йил ҳамқадам, ҳамқалам, қурдош ва сирдош дустим Турғунпулат Сулаймон ота угли йўқ. Аммо унинг келишган барваста қомати, ҳамиша кулиб турган кўзларию очиқ чехраси, ёшига нисбатан нурунийроқ кўрсатадиган кумушранг сочлари қадрдонлар куз унгидан бир лаҳза кетмади.

Турғунпулат Намангоннинг асл юртпарвари эди. Қирқ йилдан кўпроқ вақт ичида қаламидан чиққан сатрлар турли газета ва журналларда, радио эшиттиришларию телекурсатувларда юртимиз меҳнат аҳли эришган галабалардан, одамларнинг эзгу ишларидан мамлакат аҳлини ҳабардор қилиб турди. Халқининг ютугидан бунчалик қувониб жар соладиган қалам-каш кам бўлади.


У бағри кенг инсон эди. Ҳаммага яхшилиқ қиларди. Бирор меҳмон дастурхонидан неъмат тотмаган кун йўқ эди. Ўзбекистон ижод аҳлининг каттаю кичиги уни билар, қадрларди. Биз унинг дустлари унга суянардик, у билан фахрланардик. У билан бағримиз бут эди.

Одам бино қўйган нарсасидан жудо буларкан. Ё парвардигор, қачондир уни йўқотишни уйлаш ҳам бизни даҳшатга соларди. Тасодифий улими донг қотирди. Ҳамон ишониб бўлмайди. Лаблар шивирлайди? Наҳот.., наҳот.., наҳот..

У дўст эди. Булганда ҳам содиқ, куюнчак, меҳрибон дўст эди. Дарёдай шарқираб, бурондай гулдираб кириб келганда хонадонларимиз тўлиб кетарди. Бир ойдирки унинг қадами тинган. Ҳовлиларимиз ҳам қалбларимиз каби ҳувиллаб қолган. Кундан кунга қадри утиб, жудолик бағримизни чуқурроқ тилкалайди.

Навоий ҳазратлари тасалли бергандай бўладилар?

Ёр васлига қувондим,
Қовди кўйидан мени,




Эй, Навоий, ҳеч киши
Давлатга мағрур ўлмасун!


*Ўзинг кечир, Парвардигор, балки унга ортиқ меҳр
қуйганимиз учун ҳузурингга олгандирсан. Ўзинг раҳ-
матингга ол!*

*Бир ойдирки, дилимдан ўтли нидо келади:
Наҳот., наҳот., наҳот...*

Отинг Турғунпўлат эрди,
Нечун турмай кетиб қолдинг,
Аё дўст, даврамизни
Тўлдириб юрмай кетиб қолдинг,
Кунинг меҳнатда кечди,
Бир давр сурмай кетиб қолдинг,
Ўғил-қизлар камол топгач,
Ҳузур кўрмай кетиб қолдинг.
Наҳот, фоний бу оламда
Сени қайтиб тополмайман,
Чақирсам субҳ ва ё шомда
Отинг айтиб тополмайман.

Азизим, бўзлатиб кетдинг
Ҳамма дўсту қадрдонни,
Наҳот, кўп кўрди Аллоҳ
Суҳбатингдай тотли имконни,
Наҳот, ташлаб кетишга
Кўзларинг қийди Намангонни,
Ўзим абгор эсам, қандоқ
Юпатгайман Маматхонни,
Сенингдек жонажонимни
Наҳот қайтиб тополмайман,
Чақирсам субҳ ва ё шомда
Отинг айтиб тополмайман.







Умрбод ҳамдаминг бўлган
Қаламни доғда қолдирдинг,
Кулиб юрдинг шу хислат-ла,
Аламни доғда қолдирдинг,
Не тонг, қасдингда бўлган
Дарду гамни доғда қолдирдинг.
Сени ўғлим деган мушфиқ
Онамни доғда қолдирдинг,
Наҳот, фоний бу оламда
Сени қайтиб тополмайман,
Чақирсам субҳ ва ё шомда
Отинг айтиб тополмайман.

Изингни излагайдирман
Кезиб қишлоқ, шаҳарларда,
Сўзингни излагайдирман
Ҳаво мавжи-хабарларда,
Отинг чиққайму деб кутгум
Сухандондан саҳарларда,
Нетай, ёзган хатинг қолмиш
Етим бир неча дафтарда,
Сенингдек жонажонимни,
Наҳот, қайтиб тополмайман,
Чақирсам субҳ ва ё шомда
Отинг айтиб тополмайман.

Табассумда видолашдинг
Ўзинг севган ҳаёт бирла,
Иложсиз қолди аҳбоблар
Боролмасдан нажот бирла,
Худойим қўш қанотин
Берган эрди илтифот бирла,
Мен энди қандайин парвоз
Этарман бир қанот бирла,





Қанотим, куч-мадоримни,
Наҳот, қайтиб тополмайман,
Чақирсам субҳ ва ё шомда
Отинг айтиб тополмайман.

Менинг бағрим эзиб кетдинг,
Қуйиб кетдинг надоматда,
Кузимда суратинг қолди,
Висол энди қиёматда,
Отингни ёдлагай халқим
Мисол айлаб садоқатда,
Худодан илтижо доим
Жойингни қилса жаннатда...
Сенингдек жонажонимни
Магар қайтиб тополмайман,
Одамлар қалбида ёққан
Чироғингдан тополгайман.



АБДУЛЛА КАҲҲОР
ХОТИРАСИГА

Наҳот, эшитганим рост бўлса, наҳот,
Гапир, эй, қаршимда мунгайган баҳор.
Дўстлари кетидан от суриб, ҳайҳот,
Равона бўлдими Абдулла Қаҳҳор?

Дилдан кўтарилмай Мирзонинг дарди,
Шайхзода азасин ёши қуримай,
Наҳот, тоғдай аза сени кутарди —
Ўзбегим, бу фасл наҳот бўлса Май?!


Тушуниб бўларми фоний дунёга,
Мунча аёвсизсан бебурд табиат!
Ахир тўлдирсин деб юртни зиёга
Доноларни берган ўзинг-ку фақат.

*Азиз китобхон!

Девон тузиш тартибидан бироз чекиниб бармоқ вазнида ёзилган икки марсияни киритишга қарор қилдим. Вақт энг одил ҳакам дейдилар. Ўз вақтида Абдулла Қаҳҳорга битилган марсияни Шароф Рашидовични ранжитади деб бирор нашр босмаган эди. Орадан қарийб ўн олти йил вақт ўтиб Шароф акага битилган марсия Москва маъқул кўрмайди деб ёритилмади. Аслида Шароф ака Абдулла акага ҳеч қандай душманлик қилмагани аён бўлди. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Шароф Рашидовичнинг Ўзбекистон тарихидаги бебаҳо ўрнига алоҳида баҳо бериб, унинг пок номини тиклади. Бугун улар ҳақида гап ҳеч кимни чўчитмайди.

Шунингдек, истиқдолнинг дастлабки йилларида беш йил давомида Намангон вилоятига ҳокимлик қилган Бургутаи ака Рапигалиев вафоти муносабати билан насрда ёзилган марсияни ҳам киритдимки, бунинг учун девоншунослар маъзур тутгайлар.

Муаллиф.



Қанд тортиб олгандай гўдак қўлидан
Ўзбекни қақшатиб Қаҳҳорни олдинг.
Ёмонга наштардай ботувчи қалам
Ажал қаршисида, зор етим қолди.

Дунёни сиғдирган у табаррук бош,
Донолик тимсоли у теран кўзлар.
Худбинга нафратдан чимирилган қош
Юрак тубидаги не-не дур сўзлар —

Наҳотки, тупроққа кўмилгай буткул,
Наҳот, қайта урмас у вулқон юрак.
Минг йил яшамоққа ҳақли эди ул,
Ажал, ёвузлигинг шу бўлса керак.

Бугун биз қошингда қолиб иложсиз,
Ночор юпанишни этамиз одат.
«Ҳайкал қўйиб кетди ўзига» деймиз,
Деймиз «эл қалбида яшар узоқ вақт».

Порлоқ хотиралар яшаши бешак,
Табаррук китоби кезар қўлма-қўл.
Руҳи ҳамқадамдир қай томон юрсак,
Аммо сафимизда қолмади-ку ул.

Ўнлаб шогирдларнинг кўзларида ёш
Кўмсаб бузлашади минглаб китобхон.
Келажак ёқангдан тутиб, эй, бебош
Ажал, сенга қарши кўтарар исён:

«Минг йил яшамоққа лойиқ эди ул,
Нечун эл истагин кўрмадинг раво».
Яна тугилгунча Қаҳҳордай ўгил
Бу қилмишинг учун берурсан жавоб.

1968





АБАДИЯТ

Шароф Рашидов хотирасига

Ўзбекистон деган азим чинорни
Титратиб бир тоза япроқ узилди.
Ларзага келтириб она диёрни
Киприкларга диллар оҳи тизилди.


Ҳалқим, боз жудолик тушди бошингга,
Мангулик касб этди бир сарвар ўглинг.
Меҳринг ифодаси — кўзда ёшинг-ла
Сен уни миннатдор қалбингга кўмдинг.


Умри кечди меҳнат, ижод, курашда,
Сенга фидойилик мисоли бўлиб.
Сенинг хизматингга содиқ яшашда,
Собит эътиқоднинг тимсоли бўлиб.

Юраги уришдан тўхтади магар,
Умри эш истиқбол офтобига.
Хизматингда қолди мисоли аскар.
Қалбин жойлаб не-не шоҳ китобига.

Она Ўзбекистон камолида у,
Сенинг юрагингда қолди абадий.
Шарқ машъали Тошкент жамолида у,
Сенинг юрагингда қолди абадий.

Сенинг юрагингда қолди у мутлоқ,
Сен тарихга берган заколар каби.
Барқарор у умрин бахш этган сабоқ —
Эл-юртга садоқат мактаби.





Халқим, боз жудолик тушди бошингга,
Мангулик касб этди яна бир зако.
Мотам либосида туриб қошингда
Сенга тилагайман бардош ва бақо.

Сен гар боқий бўлсанг — боқий тафаккур,
Доно ўғлонларинг сенга фидодир.
Улар юрагида ёнган олов, нур,
Ҳар бир фарзандингнинг қалбига жодир.

БУРГУТНИНГ СЎНГГИ ПАРВОЗИ

Кечагина, хатто бугун эрталаб кўрган кўзни қувонтирган барваста қомат ҳаракатсиз, ҳамиша шиддат ва ишонч билан боқувчи кўзлар юмилган ва кафанга жо бўлган тарзда тобут ичра жим ётарди. Уни сўнгги йўлга кузатгани келган минглаб одамлар юзи-кўзида гамгинлик. Бу даҳшатдан ўзини йўқотган Оминахон опанинг, қариндош-уруғларнинг, фарзанду набираларининг аччиқ фарёди ҳовлинигина эмас, бутун Хўжаобод қишлогини тутарди.

Имом жанозани ўқиб бўлгач, одамлар тобутни елкасига олган заҳоти қовоғи осилган ҳавонинг авзои бузилиб, бирдан чангу тўзон кўтарилиб, шамол увлай бошлади. Гуё табиат ажалнинг шафқатсизлиги устидан исён қиларди. Гуё бургут дала туздан тик парвоз этдию забардаст қанотлари ёйилганда атрофидаги хас-чўплар унинг шамолидан кўкка ўрлади.

Ҳа, Хўжаобод бургути, Поп бургути, Наманган бургути бу ҳаётдаги парвозини тугатиб, дорулфанодан дорулбақога парвоз этди. Юракларда бўрон кўтариб, кўзлар ёшини дарё қилиб, тобут ичра одамлар елкасида парвоз қиларди. Ё раб, мунча тез бўлмаса унинг парвози... Елкасига тобут ортган одамлар шошармиди, ё елкаларга ортилган тобут шошармиди қабр томон, билиб бўлмасди. Одамлар тўлқини узра тобут манзилга интилаётган кемадай шиддат касб этганди.


Бу оқимда қадамимни қанча тезлатмайин етиб бўлмайдигандай... Ҳа, ҳаётлик чоғида ҳам унинг

қадамлари шунақа алпона эди. Унга эргашганлар етиб юролмасдилар... Ажаб, бугун ҳам шундай.

Унинг исми жисмига монанд эди: Бургутали! Шиддати исмига монанд эди. Ўз шаънини сақлаш учун интилиши бургутга ўхшарди. Ҳар қалай, уни билганлар қалбида, мардумида у шундай қолди.

Қирқ йиллик меҳнат фаолияти даврида бу табаррук инсон неча-неча арбобларни кўрмади-ю, не-не курашларга дуч келмади. Аммо ҳамиша ўз гурурини, ўз шаънини юксак тутди. Ўзбекнинг мард ўғлони қандай бўлишига тимсол бўлиб қолди. Биринчи бор учрашганимизда бу алпқомат йигит республикадаги райком котибларининг энг ёши эди. Вужудидан гайрат, сиёқидан шижоат ёғиларди. Олтмишинчи йиллар охири, етмишинчи йиллар бошларида у бошқарган Поп тумани Ўзбекистондаги илғор туманлардан бири бўлиб, ҳамма соҳада доврўқ таратган эди. Бу ҳудуддан ижод аҳлининг қадами узилмас, бу туман аҳлини мадҳ этишдан қалами тинмас эди.

Кейинчалик Бургутали ака вилоят маҳаллий саноат бошқармасига раҳбарлик қилди. Бу даргоҳ одатда ҳеч қаердан ҳеч қандай хомашё олмас, маҳаллий шароитда мавжуд имкониятлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарарди. Боз устига ўз даври талабларига кўра йилдан-йилга ривожланиши зарур. Мутахассислиги иқтисодчи бўлган Бургутали ака ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, бир сўз билан айтганда соҳани ҳар томонлама тараққий эттириш йўлида тинмай изланди.





Маҳаллий ҳунармандларнинг бой тажрибаларини ишга туширди, янги-янги хомашё манбааларини очди. Буларнинг замирида ўз соҳасида вилоят салоҳиятини намоён эта билиш, аynи пайтда раҳбар ҳодим сифатида ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиш истаги ҳам ётарди.

Ҳа, ҳар бир соғлом инсоннинг ички «мен»и — биров топташига, камситишига йўл қўймайдиган гурури бўлади. Ана шу ички «мен»ини йўқотган кимса кесакка айланади.

Бургутали ака ана шу «мен»ини менинг юртим деган муқаддас туйғу билан омухта қила билган, ўзи бошқараётган тармоқнинг, юртнинг шаънига келадиган яхши-ёмон гапни ўз шаънига айтилгандай қабул қиладиган, унга гард юқтирмасликка интиладиган мард инсон эди. Бу олижаноб фазилатлар Наманган агросаноат бирлашмаси бош директори, мева-сабзавот ишлаб чиқариш давлат кооператив бирлашмаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатганда ҳам, ўн тўққиз йил вилоятда ишлаб яна она-юрти Поп туманига раҳбар бўлиб қайтганда ҳам янги-янги қирралари билан намоён бўлаверди.

Ўша соҳаларда, туманда Бургутали ака раҳбарлик қилган йиллардаги тараққиётни бугун рақамларда ифодалаб ўлтириш зарурати йўқ, лекин одамнинг қандай ишлаганлигини ифодаловчи бошқа омил — унга билдирилган ишонч билан ўлчайдиган бўлсак, борган сари унинг оқсаб қолган тармоқларга ёки каттароқ лавозимларга юборилганлигини эшлаш кифоя.







У раҳбарликнинг турли босқичларини босиб ўтган, тула маънода етилган арбоб эди. Менинг назаримда унинг учун угай ёки иккинчи даражали масала йўқ эди. Соҳа ё ҳудуд ривожига дахлдор долзарб муаммолардан тортиб Намангандан ёзилган бирор газетада босилган ёхуд радио ва телевиденида ўқилган хабар, ёки наманганлик ёш шоирнинг шеъри ҳам унинг назаридан четда қолмас эди.

Истиқлолнинг дастлабки йилида мамлакатимизда ҳокимлик институти жорий этилганда вилоятнинг биринчи ҳокимлигига тайинланишига ҳам ана шу қамровининг кенглиги, бошидан иссиқ-совуқни ўтказиб, барча синов ва имтиҳонларга дош бергани, одамлар билан ишлашдаги бой тажрибаси, энг муҳими, ҳеч кимга нисбатан кек сақламай мусулмонона кечиримлилиги асос бўлган бўлса ажаб эмас!

Ҳа, у вилоятнинг тўнғич ҳокими бўлиб 1992 йилнинг бошларида фаолият бошлади. Бу давр истиқлолдай буюк неъматни қадрлай биладиган, қиличнинг дамида юргандай шароитда Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилган, унинг барқарорлиги йўлига жонини тиккан Президентимиз Ислон Каримов гоёларини ўз умрининг мазмунига айлантирган фидойи инсонларни ана шу рутбага кўтаришни тақозо этарди.

Бошқа вилоятлардан фарқли ўлароқ Наманганда турли оқимлар, партиялар, ҳаракатлар сафларига кириб олган мавқеепараст, мансабпараст кимсалар юрт тинчлигини турли-туман йўللар би





лан бузар, қонуний ҳокимият устидан назорат ўрнатишга даъво қилар, бошқа бир тўп гаразгуйлар уларнинг жинчиругига ёғ қуйиб турардилар. Аслини олганда, улар на Ватан, на халқ қайғуси билан қизиққан, балки фурсатдан фойдаланиб «миллий қаҳрамон»га айланмоқчи бўлган исқирт нухсалар эди.

Ўша жараёнда Бургутали ака қатъият билан мустақиллик манфаатларини улардан ҳимоялашга кўксини қалқон қилди. Унга таҳдидлар солишгани ҳам, айрим оғзи полвон гуруҳларнинг унинг устидан ҳукм чиқарганлари ҳам, тадбирлар ўтказётган жойларига бориб шаллақилик қилишлари ҳам, шу йўл билан обрўсизлаштиришга уринишлари ҳам чўчитаолмади бу баҳодир инсонни.


Ана шундай галамислар тўдаларига мардона жавоб берди:

— Бир бошга бир ўлим муқаррар! Агар мустақиллик учун, Наманган вилоятида тинчлик ва барқарорлик учун битта қурбон бўлса, мен ўзимни қурбон қилишга тайёрман. Аммо, ҳоким сифатида мен бошбошдоқликларга йўл қўймайман!

Кафанланмаган мурдани шаҳар айлантириб, одамларни қўзгатмоқчи бўлган тўдаларнинг кирдикорлари, ҳозирги шаҳар ҳокимлиги биносига кимларнингдир қутқуси билан кўрпа-тўшак қилиб ётиб олган аёлларнинг ноъмақул қилиқлари, «Адолат» номи билан ваҳшийлик қилишгача бориб етган нухсаларнинг бебошликлари ҳали одамларнинг эсидан чиққани йўқ!

Бургутали ака босиқлик билан уларнинг ҳам-





масини жой-жойига қўйиш йўлида Президент кўрсатмаларини вилоятда амалга оширишга раҳбарлик қилди. Буни унутиб ҳам, инкор этиб ҳам бўлмайди.


Ўша жараёнларда унинг теварагидагилар қаторида бўлиб, Бургутали аканинг узини аямай ишлаши, истиқлол ишига, Президент гояларига садоқатини кўриб ундан куп нарсалар ўргандим.

Орадан ойу йиллар ўтиб, республикамизда барқарорлик вужудга келгач бир кун дардлашиб ўлтириб юрагини ёзди:


— Шу ёшимда менга бу вазифалар огирлик қилади. Саломатлик ҳам мақтанадиган эмас. Ҳар куни азонда уйғониб, туриб кетишга мажолим келмайдигандай бўламан. — Бугун ишга чиқмай қўяқолай, — дейману яна масъулият идорага судрайди. Ахир, ҳурматли Президентимиз (у доим шундай дер эди) бутун вилоят тақдирини менга ишониб топшириб қўйибдилар.

Дарҳақиқат, Бургутали аканинг саломатлиги панд бериб борар эди. Аммо зиммадаги масъулият ва инсоний гурур дарддан голиб келар, узини аямай ишларди. Ҳар бир ҳаракатида, гапида ортида бир бутун халқ турганини ҳис этар, юксак лавозимини масъулиятли бурч деб биларди.

Унинг руҳий кечинмалари таниш бўлгани учун орадан бир неча ой ўтиб, олтмиш ёшини нишонланганда унга аталган дил сўзларимни шеърга солгандим:



Муборак тўй бугун, ёшлик сафоси
Сизга ёр бўлгай,



Тагин олтмиш баҳорнинг соф ҳавоси
Сизга ёр бўлғай.


Умидвор ота-онангиз атабдир
Исмингиз Бургут,
Отангиз руҳи, онангиз дуоси
Сизга ёр бўлғай.

Магар олтмишга тўлмишсиз сочингиз —
Қор, кўнгил — кўклам,
Йигитсиз — оташ ишқ нашъу-намоси
Сизга ёр бўлғай.


Муҳаббатсиз киши жонин тиколмас
Юрту халқига,
Фидосиз эл ишига, муддаоси
Сизга ёр бўлғай.

Агар мақсад буюк бўлса, ганимлар
Ҳам қолар доғда,
Умр бўйи ганимларнинг нидоси
Сизга ёр бўлғай.

Бировга тахт ҳусн бергай, биров
Тахтга бағишлар зеб,
Ки Сиздан кўрк олур тахтнинг вафоси
Сизга ёр бўлғай.



Изингизда қолур боғлар, бинолар,
Яхшилиқ, ҳиммат,
Топиб мазмун умрнинг ҳам ризоси
Сизга ёр бўлғай.



Не тонгким, куксингизга қўнди Давлат
Дўстлик унвони,
Буюк дўстлик, садоқатнинг зиёси
Сизга ёр бўлгай.

Ўзал Фаргона ардоқлар, севиб
Тилга олар Анжон,
Олис ул Хоразм меҳригиёси
Сизга ёр бўлгай.


Намангон фахр этар Сиздай жумард
Ўғлони боридан,
Элига таржимон шоир навоси
Сизга ёр бўлгай.


Яшанг умру саодат, соғлигингиз
Интиҳо билмай,
Яратгандан Ҳабибнинг илтижоси
Сизга ёр бўлгай.

Ўша 1995 йил январининг биринчи кунда унга муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов ўз вакиллари орқали совға юбориб 60 ёши билан қутладилар. Водий вилоятларининг ҳокимлари, сафдошлари муборакбод этдилар. Ана шу самимий руҳ унга янгича куч-қувват бағишлади.

Бургутали ака яна қарийб икки йил вилоятни бошқарди. Бу давр ичида бир оқсоқол, кўпни кўрган пир сифатида юртдошлар юрагига сингиб кетди.

Дарҳақиқат уни барча табақа эътироф этарди.





Тенгдошлари даврасида журабоши, ёшлар орасида отахон, устоз сифатида эҳтиром топган эди. Чунки, у ўз фаолияти давомида ўзбекона удумларга алоҳида эътибор берар, қадриятларимизга юксак эътиқод билан қарарди.


Шарқ шеърятининг буюк даҳоларидан бири Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан вилоятда анъанавий машрабхонлик байрамини ўтказишни йўлга қўйиш, шоир номи билан аталган боғда унинг қадами етган мамлакатлар меъморий обидаларини тиклаш, унинг илк устози Мулла Бозор Охунд мақбара мажмуини барпо этиш, маҳаллалар гузарларини қуриш, ободонлаштириш, ҳар бир йирик тадбир ёки мавсум олдидан мўйсафидлар билан кенгашиш каби ишлар бевосита Бургутали ака номи билан боғлиқ.


Баралла айта оламанки, у буюк инсон эди. Табаррук оқсоқол бўлди. Пенсияга чиққандан кейин ҳам ҳар бир наманганлик ўз тўю маъракасига уни чорлар, у ҳам ўзига кўрсатилган эҳтиромга ҳурмат билан жавоб берар, ўз ташрифи билан тўйхоналарга файз бағишларди.

Оқсоқол эл олдида ёруғ юз билан кексалик гаштини суриш учун ўз қишлоғи — Хужабодга кучиб борди. Бирга усган ёр-дўстлари билан ҳам қишлоқларининг маслаҳайтгуи бўлиб юрди.

Ушанда ҳам уйдан одам аримас, умр йўлларида орттирган қадрдонлари, шогирдлари, қариндош уруғлари доим унинг суҳбатига талпинардилар.

Икки йилча муқаддам вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўрин-





босари, республикада хизмат кўрсатган ирригатор Ҳакимжон Ҳошимов Бургутали акани кўргани бориб, тумандаги сув хўжалиги иншоотларидан бирига ишга таклиф этди:

— Бизга Сизнинг маслаҳатларингиз зарур бўлади. Уйда ўтириб зерикасиз ҳам...

— Таклифингиз учун раҳмат, ука, — деди оқсоқол. — Аммо 94 ёшга кирган онам бор. У кишининг хизматида турмасам бўлмайди. Худо кўрсатмасин, мен йўқлигимда бир гап бўлса, одамлар нима дейди?


Унинг истаги онасини рози қилиш, вақти қазо етганда ўз қўли билан ерга қўйиш эди.


Ҳайҳот, Худо унинг ана шу орзусини ушатди. Онасини ўз қўли билан ерга қўйдикю, бешинчи куни изидан бориб ёнидан макон топди. Беназир садоқат, беназир фарзандлик меҳри, беназир ўлим!

* * *

Бургутали ака Рапигалиев энди орамизда йўқ. Энди у ўзи умри бўйи меҳр қўйган, гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилган она тупроқ бағрида. Энди у умр бўйи интилиб, бирор муносабат билан хушнуд этган ё этмоқчи бўлган қалбларда. Ҳар кимда ундан ўзига хос хотира қолди.

Бу бағри кенг инсондан энг гўзал хотира бўлиб уни мунг билан сўнгги йўлга кузатган солиҳ фарзанду набиралар, у яратган боғлар, барпо этган бинолару обидалар, сув чиқарган ерларида унган дарахтлар қолди. Улар тилга кириб унинг ҳақида-





*ги дил сўзларини айтадилар.. Ҳали унинг ҳақида
учмас саҳифалар рақам қилинади.*

Энди Сизни қумсаб тошлар йиғлагай,
Жилгалар куйида ҳазин бир оҳанг.
Жудолик дўстларнинг бағрин тиглагай,
Ҳатто ганимнинг ҳам бугун ҳоли танг.

Жўмард фарзандини бағрига олиб,
Замин нола чекар ночор коридан,
Намангон йиғлайди гафлатда қолиб,
Дунё ҳам ларзада унинг зоридан.

Менинг кўзларимда тўниб қолган ёш,
Мисқоллаб тўкилар оппоқ қоғозга.
Қилмишидан нолон ажал эгар бош:
— Нетай, қалам шундай қисматни ёзган.

Ким ҳам қоча олар Аллоҳ ҳукмидан,
Ўзи олгай, Ўзи берган неъматни
Унинг ҳузурига ёруғ юз билан
Борган зотга раво кўргай раҳматни.

Раҳматига олгай Сиз худойим,
Бўлдингиз Сиз унинг йўлида фидо.
Меҳрингиз дилларни ёритар доим,
Азиз оғажоним, хайр, алвидо!



РУБОЙЛАР

Туғилгандан ширин тилга бўлдим ҳабиб,
Ҳар покиза, очиқ дилга бўлдим ҳабиб.
Дилим очиб, унга элим жойладиму
Шу йул билан ўзим элга бўлдим ҳабиб.

* * *

Калбида агар ишқ ўти ёнмас экан,
Ҳечким бу ҳаёт завқига қонмас экан.
Не ранжу балоларга дучор бўлса ҳам,
Чин инсон эса ишқидан тонмас экан.

* * *

Жонон, жамолинг партави
Ҳар ённи ёндирар,
Васлинг тилаб борсам яқин
Таъ-жонни ёндирар,
Васфинг битишдан қўрқаман
То чўгланиб қалам,
Атъярни ут олдиргаю
Девонни ёндирар.

ДРАМА





ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО

Драма

*(Уч парда, етти кўринишли
романтик мусиқали драма)*





ҚАТНАШУВЧИЛААР:

1. ЗУЛАЙХО.
2. ЮСУФ.
3. Момо — Зулайхонинг энагаси.
4. АЗИЗ — Миср шоҳи.
5. ҚУЛБОБО — кекса қул.
6. ЗЕБО.
7. ҚАМАР. Зулайхонинг канизлари.
8. ВАЗИР — Миср мулки вазири.
9. ЯСОВУЛБОШИ.
10. ҲАКИМ.

Қулар, ясовулар, канизаклар ва бошқалар.

Ўзбекистон халқ артисти,
ДАДААЛИ СОАТҚУЛОВ мусиқа басталаган.


БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ


Мағриб мулки ҳукмдори Таймуснинг қизи Зулайхонинг қароргоҳи. Уртада фаввора, бир ёнда шийпон, бир ён гулзор. Шийпонда хаста малика Зулайхо кушқда утирибди. Ёнида энага момо. Канизаклар хизматда.

З у л а й х о:

(Ария)



Чарх кажрафтор, не дардга гирифтор айладинг,
Бир қуёшваш ишқида бемору бедор айладинг.



Кўзгуриб тушда жамолин ихтиёримни олиб,
Хоб аро кўрмоқни ҳам охирда душвор айладинг.

Оҳ, унинг кун чеҳрасин қисматда кўрмоқ бормикин?
Васлини айру тутиб, орзусини ёр айладинг.

*(Кўзларидан ёш селдай оқиб ёстиқни қучади. Момо
унинг бошини босади.)*

М о м о:


Момонг жонингдан айлансин, Зулайхо,
Бу қандоқ кўргулик бўлди, не савдо?
Нечук дардим, дилинг кўп нола қилгай,
Дилинг нолон, кўзингдан дур тўкилгай.


З у л а й х о:

Билолмам, борму дардимнинг давоси,
Ва ё келмиш умрнинг интиҳоси?

М о м о:

Худойим асрасин, эркам, ўлимдан,
Ўтар орзу билан умрим йўлингда.
Гўдакликда онангдин айру тушдинг,
Менинг сийнам эмиб ўсдинг, етушдинг.
Агар офтобда қолсанг соя бўлдим,
Шамоллардан авайлаб қоя бўлдим.
Ҳаётимни ўзингга боғлаб эрдим,
Камолингни кўриб юрмоқ умидим.
Азиз жонингга келган бетайин дард,
Ризо эрдим ёпишса менга минбаъд.





З у л а й х о:

Моможон, гамхўримдирсиз умрбод,
Билолмайман, қилурманми Сизи шод?!

М о м о:

Гапир, дардинг недир, жоним, ягонам,
Ҳусн бобида танҳои замонам?!

З у л а й х о:

Тунов кун содир ўлди бир синоат,
Ўшал кундан танимда йўқ ҳаловат.

М о м о:


У қандай сир?

З у л а й х о:


Қуюқ тун, уйқу ичра,
Қурибман туш, у беун уйқу ичра.
Қошимга бир йигит келмиш баногоҳ,
Мисоли кўкни ташлаб тушди ул моҳ.
Қади шамшод, юзи нақд хуршид эрди,
Олиб ақлим, менга шу дардни берди.
Олиб кетди ўзи бирла қарорим,
Қарорим не, боз уйқум, ихтиёрим.

Момо:

(Бошини сарак-сарак қилиб)



Бутам, қувгил бу гавғони бошингдан,
Табиат шул: бўйинг етган ёшингда,
Кирур хобингга турли можаролар,
Қириб тушга дилингни девлар овлар.



З у л а й х о:

Юпатмоқ бўлмангиз зинҳор бу тақлид,
Хаёлидир ҳаёт боғимда хуршид.
Тирик бўлсам умиди-ла утарман,
Агар ўлсам уни йўқлаб кетарман.

М о м о:

Куринмиш, оҳ, бирор инс-жинс тушингда,
Ва ё девлар жудо қилмиш ҳушингдан.

З у л а й х о:

На инс-жинс ул ва на девлар зотидан,

М о м о:

Хабар бер, йўқса, юртдан, отидан.

З у л а й х о:

Ҳушим учганди кўрган чоғ сифотин,
Сўролмай қолган эрдим зоту отин.

М о м о:

Ажаб савдо!

(Канизак Қамар киради.)


Қ а м а р:

Саройдан ҳаким жаноблари ташриф буюрди-
лар. Киришга изн сўраб турибдилар.

М о м о:

Марҳабо!





*(Қамар чиқади. Момо Зулайхонинг тушагини тузатиб, юзига ҳарир пардани ёпади.) Худойим шифо ато қилгай!
(Ҳаким киради. Орқасида Қамар.)*

Ҳ а к и м:

Маликамизнинг беморликлари ва бундан Таймус аъло ҳазратларининг андуҳлари бутун Мағриб мулкини ташвишга солмиш.

М о м о:

Шундоқ, улуг ҳаким!

Ҳ а к и м:

Шаҳаншоҳнинг кўрар кўзлари, ёлғиз зурриёдарига не дард илашмиш?

М о м о:


Неча кунки, ҳаловатини йўқотган кўринур, на кўзига уйқу инадур, на ҳуши жойида турадур.

Ҳ а к и м:

Ҳим... Парвардигор мададкор, шоҳимизнинг дийдаларига тушган бу хасни киприкларимиз билан олиб ташлаб, маликамизни дарддан халос этайлик. Зеро, мулкимиз шод бўлгай!

М о м о:

Иншооллоҳ!



(Ҳаким Зулайхо томонга юради. Аста биллагини ушлаб куради. Момо ҳарир пардани сал туширади. Ҳаким Зулайхонинг кузларига боқади.)



Ҳ а к и м:

Дард берган эгам, шифосини ҳам бергай, дард меҳмон, иншооллоҳ, маликам мусаффо булгайлар, омин!

М о м о:

Омин!

(Ҳаким билан Момо четга утадилар.)

Ҳ а к и м:

Бедорлик чарчатмиш. Асаблари гоят таранг-лашган. Ором керак.

(Ёнидан тумор нусха бир нарса чиқариб)

Мана, бу малҳамни гулобга қўшиб ичиргайсиз. Бир-икки кун яхши ухлатади. Сўнг яна хабар олурман. Ташвиш қилмангиз. Мен бориб аълоҳазратни хотиржам қилай.

М о м о:


Умрингиз зиёда бўлсин, улуғ Ҳаким!


(Кузатади. Зулайхонинг бош томонидаги гулобга малҳамни солиб, ичирмоқчи бўлади.)

Бўтам, дармон топилди, бўлма гамнок,
Ичиб олгил, бу дарддан бўлгусан пок.

З у л а й х о:

Кимики ишқ дардин мубталоси,
Писанд эрмас табибларнинг давоси.





М о м о:

Қуйиб ихлос, ичиб ол, қилмагил шак,
Ажаб эрмас, соғайсанг, шод бўлсак.

(Зулайхо ичади.)

Бу бедорлик сени кўп қилди беҳол,
Бошинг ёстиққа қўй, жиндек ором ол.

З у л а й х о:

(Ҳомуза тортади.)

Нечундир уйқу инмоқда кўзимга,
Ҳарир пардамни тортингиз юзимга.

М о м о:

(Пардани ёпиб)

Бироз тинчингни ол, жоним, маликам!


(Севиниб четга)

Худо шоҳид, шифо бахш этди малҳам,


(Зулайхо бошини босиб утиради. Алла куйи. Зулайхо уйқуга кетади. Чироқ учади. Чироқ ёнганда гулзор ичра шаҳзода Юсуф намоён бўлади. Ҳайратда Зулайхо унга қараб турибди.)

Ю с у ф:

(Ария)



Чарчабон тун сайридин кўкда тўлин ой ҳам ботур,
Маҳв этиб тун зуматин олам аро боз тонг отур.



Тонг либосида жаҳон гуё гўдакдек пок эрур,
Субҳидам ҳар бир кўнгилда эзгу ҳислар уйготур.

Тун билан кундан иборат бу ҳаёт бўстонида,
Ким муҳаббат бирла маст, кимдир риё заҳрин
тотур.

Мен учун ҳар лаҳзаси тилсимли бўлган янги кун,
Қандай иқбол бергуси ё не балолар қўзготур.

З у л а й х о:

(Мамнун)

Ассалом, боғимнинг хушхон булбули,
Мақдамингга зор поёндоз жондилим.

Ю с у ф:

Лофи ишқ урмоққа борми бир сабаб?


З у л а й х о:

Бесабаб айтилмагай ҳеч ушбу гап?


(Куйлайди)

Жамолинг кўрсатиб бир бор
Паришон этдингу кетдинг.
Йулингга айладинг абгор,
Нигорон этдингу кетдинг.

Ю с у ф:



Кўнгилда гар муҳаббат бор,
Йулингга кўп риёзат бор.
Риёзатга чидаш даркор,
Етишмоқни осон билма.



З у л а й х о:

Тилаб эрдим висолингни,
Насиб этдинг хаёлингни.
Шукур, кўрдим жамолингни,
Дилим қон этдингу кетдинг.

Ю с у ф:

Агар шайдо экансан ёр,
Фироқда куймагил зинҳор.
Насиб бўлгай висол, дилдор,
Юрак бағрингни қон қилма.

(Зулайхонинг қўлларидан тутади. Зулайхо хурсанд.)

З у л а й х о:

Гапир, шоҳим, сен инсонми, парисен,
Қай ул юртнинг маҳоват сарварисен,
Хабар қилгил, диёрингу зотингни,
Қаердан излайин айтиб отингни?


Ю с у ф:

Мени сўрсанг, Миср аҳли эрурман,
Миср шоҳи, элим ақли эрурман.
Топарсан дилда ишқинг бўлса барҳақ.


З у л а й х о:

Худо ҳақ бўлса — ишқим ҳақ, сўзим ҳақ.

(Юсуф аста узоқлаша бошлайди.)



Қаён кетмоқдасан, бахтим, нажотим,
Етар бас, бузмоғи оламни додим.
Богим тарк этмагил эй, соҳиби дил



Ю с у ф:

(Олисдан)

Муродинг топмоқ ўлса йўлга чиққил!

(Ғойиб бўлади.)

З у л а й х о:

(Интилиб)

Жоним, тўхта...

(Алла куйи янграйди. Чироқ ёнади. Аввалги куриниш. Зулайхо тушакдан интилиб турибди. Бошида Момо)

М о м о:

Нечун уйқунг бузилди?

З у л а й х о:

(Энтикиб)


Йўқотган гавҳарим қошимга келди,
Дарак берди диёридан ўшал гул,
Висол бирла аритди дардни буткул.
Менинг бахтим Миёр ҳоқони эркан,
Малоҳат мулкининг султони эркан.
Шаҳаншоҳга дегайсиз бу хабарни,
Этинг хушнуд ҳаёткорим — падарни.


М о м о:

(Хурсанд)

Ўзингга минг шукур, парвардигорим!

(П а р д а)





ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Миср. Шоҳ қасри. Голибиятдан дарак бергувчи танатанавор музика. Парда очилганда байрам либосидаги сарой шоҳни кутиб турибди. Виқор ва гурур билан Азиз чиқиб келади.

Ҳ а м м а:

Ассалому алайкум, музаффар давлатпаноҳ! Голибият муборак бўлгай!

А з и з:

Валайкум ассалом!

Ҳ а м м а:

Умрингиз зиёда бўлгай, падари бузрукворингизнинг руҳи поклари қўллагай, омин!

А з и з:

Миннатдорман, содиқ аъёнларим! *(Вазирга)*
Муҳтарам вазир, биз Ясан ҳарбида эканмиз, салтанатда қандай воқеалар содир бўлди.

В а з и р:


Мамлакатда осойишталик, олампаноҳ! Фуқаро дуои жонингизни қилиб, музаффар қайтмогингизни тилаб турмиш!


А з и з:

Эҳромлар қурилиши нечук?

В а з и р:

Баравж, олампаноҳ!





А з и з:

Баракалло! Биз бедиёнат Ясан шоҳи устига қўшин тортар эканмиз, мулкимизни обод қилиш учун лак-лак қуллар меҳнати заруратини назарда тутдик.

Ҳ а м м а:

Идрокингизга тасанно, давлатпаноҳ!

А з и з:

Бу ишимиз оллои таолога хуш келиб ўзи мадакдор бўлди. Ясан шоҳини банди, элини тобе этдик. Лак-лак қулларини занжирбанд қилиб, карвон-карвон молу-мулкани ўлжа қилиб олиб келдик. Иншооллоҳ, ишларимиз яна авжга мингай!

Ҳ а м м а:

Соия давлатиниз кам бўлмагай, олампаноҳ!

А з и з:

Голибият шарофати аёнларга сарпо, аскарларга икки тиллодан ақча инъом этурмен!

Ҳ а м м а:

Давлатингиз зиёда бўлгай, омин!


А з и з:


Ясовулбоши!

Я с о в у л б о ш и:

(Чиқиб)

Буюргайлар, султоним!





А з и з:

Йулда фитнагарлик қилган бахтиқаро кекса қул-
га қандай чора кўрдингиз?!

Я с о в у л б о ш и:

Ҳибсга олиб, танҳо сақламоқдамиз, олампаноҳ!

А з и з:

Олиб келинг у кекса харни!

Я с о в у л б о ш и:

Амрингиз бош устига, олампаноҳ!

*(Ишора қилади. Икки ясовул занжирбанд Қулбобони
олиб кирадилар.)*

А з и з:


(Қулбобога заҳарханда билан)

Хуш, қари хар: салтанатимиз шаънига ҳақорат
сўзлар айтмушсан, бошинг оғирлик қилурму?! Уни
олмадай узиб олишларидан ҳам воқифмусан?

Қ у л б о б о:


Эҳ-ҳе, босқинчи, бу тош бош сенга маъқул
келмаса, узиб ота қол! Оллоҳ шоҳид, сендай бос-
қинчилар қўлидан утавериб тўйдим бу ҳаётдан.
Кошки, бирортанг бошимни енгиллатганингда, суд-
ралиб ҳузуринггача келмаган бўлурмидим!

А з и з:



Сўзамолга ўхшайсан қари хар, хўтикларинг ҳам
сендай гапдонми?

(Заҳарханда кулади.)



Қ у л б о б о :

Ҳа, кулиб қол, бугун музаффарсен! Сендай голибларни кўравериб соч-соқолим оқарди. Бугунги голибиятинг эртан сендан зўрроқ босқинчининг харбида тузондай соврилса бу кулгуларинг йигига айланади. Бугун сен менинг устимдан куляпсан, унда сенинг устингдан ким куларкин?!

Ҳ а м м а :

Тилинг кесилсин, шаккок!

А з и з :

Оҳ-ҳо, тилинг жуда бурро-ку! Шоҳингнинг тиғи ҳам сенинг тилингдай бурро бўлганда эди, ватингдан жудо бўлиб қошимда турмасдинг...


Қ у л б о б о :

Менинг шоҳим — ёлғиз Аллоҳ. Сен айтаётган шоҳ ҳам сендай босқинчи эди. Сенинг босқининг уни кунпаякун қилди. Бурро деб юрган тиғи ўз кўксига санчилди. Эҳтиёт бўл, унинг қисмати сенга ҳам ёр бўлмагай!

Ҳ а м м а :

Беდიёнат, бахтиқаро!

Қулбобо:



Сен ватан дединг, қулда ватан нима қилсин?! Оллоҳ шоҳид, ёруғ дунёга келибманки, босқинларнинг тирик қурбониман. Бу кун сенинг қулингман, эртан сендан зўрроқнинг.

А з и з:

(Хотиржам)

Хотиринг жам бўлсин, бир қошиқ қонинг муқаддас Миср ҳокига қўшилгай, бошқа қул бўлмагайсен. Шукур қилки, умринг голиб шоҳ қўлида тугайди.

Қ у л б о б о:

Худога шукур, олдирақол бу ортиқча бошни! Босқинлару, мулкма-мулк кезишларга тоқатим қолмади.

А з и з:

Йўқ! Мен марҳаматли шоҳмен! Сенинг қонингга эҳтиёжим йўқ!

Қ у л б о б о:

Сендан марҳамат кутгунча, Аллоҳдан имон кутай!

Азиз:

Ясовулбоши!

Я с о в у л б о ш и:

Буюргайлар султоним!

Азиз:

Кучи даҳанига чиққан бу кекса бедавони харсанг ташишга қўйдинг. Тунлар ҳибсда танҳо сақланг, токи тилининг заҳри билан ўзгаларни заҳарламагай. Зеро, эҳромлар қурилишида шаҳид бўлиб, савоб билан кетгай. Олиб чиқинг!

(Қулбобони олиб чиқадилар. Азиз унинг ортидан боқиб, завқланиб кулади.)



Ҳ а м м а:

Идрокингизга тасанно, олампаноҳ!

А з и з:

Парвардигорнинг газабига дучор бўлган бу осий
қулларни субҳдан то хуфтон ишлатинг, токи ҳарбу-
зарбларимизни муҳокама қилурга мажоли қолма-
гай! Оллоҳнинг иродаси шу!

Ҳ а м м а:

Айни ҳақиқат, олампаноҳ!

А з и з:

Бошланг, базми жамшидни!
*(Муסיқа, раққосалар рақсга тушади. Шоҳ ва аъёнлар-
га май тугилади. Базм. Рақс тугагач ясовул киради.)*

Я с о в у л:

Шаҳаншоҳим, олисдан элчи келмиш!

А з и з:


Буюр кирсин!

(Ясовул чиқади. Аъёнларга)

Билайлик не юмуш эмиш!

Э л ч и:

(кириб таъзим қилади)



Худо сизга умр бергай, улуг шоҳ!
Ва омад ёр бўлгай!



Ҳ а м м а :

Иншооллоҳ!

А з и з :

Қай ул юртдан, қай ул элдан сўрайлик,
Этинг воқиф, не хизматга ярайлик?!

Э л ч и :

Ўтиб саҳрою, тоғлар неча ойлаб,
Ҳузурингизга келдик қуллик айлаб!

А з и з :

Нечук иш?

Э л ч и :

Мулки Мағрибнинг паноҳи,
Ярим олам элининг шодшоҳи,
Буюк Таймус юбормиш нома бирлан.

Ҳ а м м а :

(Даст ўрнидан туриб)

Буюк Таймус!

А з и з :


(Ҳаяжонда)


Ўқинг тез, не буюрган?!

Э л ч и :

(Номани очиб ўқийди)

“Улуғ султон, саломимни қабул эт,
Ададсиз эҳтиромимни қабул эт.





Суровим шулки, тушди бўйла ҳожат,
Ризо бўлсанг, севингайман бағоят.
Менинг боғимда бир гул битган эрди,
Анинг таърифи элни тутган эрди.
Ўзи доно, ҳусн мулкида танҳо
Аталмиш мулки Мағрибда Зулайхо.
Униб, ўсмиш ва касб этмиш балогат,
Бошига тушди савдои муҳаббат,
Куриб тушда сенинг рўйингни бир бор,
Бўлибдур доми ишқингга гирифтор.
Магар ёлғиз бутун мулкимга ворис,
Миср мулкин тилайдир ишқи боис.
Эрурлар неча ҳоқонлар харидор
Миср сори боқиб ул қиз чекар зор.
Унинг оҳига раҳм эт, марҳамат эт,
Ризо бўлсанг, берай тўйлар, олиб кет!”

А з и з:

(Ҳайрат ва ҳаяжонда)

Юришларда зафар, омад бу ёнда,
Муҳаббат, тўй билан бахт бир томонда.

В а з и р:


Хумо қўнмиш бошингизга, бу гап ҳақ!


Ҳ а м м а:

Муборак бўлгуси, шоҳим улуг бахт!

В а з и р:

Буюк Таймуски, бўлгай қайнотангиз
Суровин жону-тан бирлан утангиз!





А з и з:

(Элчига)

Шул арзим еткурингиз олий зотга,
Агар лойиқ кўрибдир илтифотга.
Бошимиз кўкка етгай ҳимматидан,
Камарбаста турурмиз хизматида
Улуг тўйнинг тараддудин кўрурмиз,
Ки тонг бирла элингизга юрурмиз.

(Элчи чиқиб кетади. Ясовулбошига)

Борурга биз-ла Таймус мулки сори
Зарурдир юз канизак, минг суворий.
Бориб тайёрлангиз тездан сафарга,
Кечикмай отланайлик тонг саҳарда.

(Ясовулбоши чиқиб кетади. Вазирга)


Тагин мулким бошида сиз қолурсиз,
Бутун давлатни боз қўлга олурсиз.
Мураккаб бир юмуш бордир...


В а з и р:

Бош узра!
Агар лозим гул ўстиргум тош узра!

А з и з:

Юмушки, қурдингиз бир қасри олий,
Жаҳонда тенги йўқ бўлгай жамоли.
Бутун меъмор, мусаввирларни чорланг,
Ҳунарманд, аҳли тадбирларни чорланг.
Бутун қўлларни айлангиз сафарбар,
Тиним берманг на шому на саҳарлар.





Магар вақт қисқа, биз қайтгунча битгай,
Унинг овозаси оламни тутгай.
Жаҳон ҳеч билмаган кошона бўлсин,
Зулайхога ажиб тўёна бўлсин!

В а з и р:

Шаҳаншоҳ, амрингиз ижро этилгай.

А з и з:

Шу дамдан бошлангиз!

В а з и р:

Бош устига!

А з и з:


Хайр!

(Вазир ва аъёнлар аста чиқиб кетадилар. Шоҳ ёлғиз Хурсанд.)

Карам қилмиш қулига қодир оллоҳ,
Ки гойибдан севиб қолмиш Зулайхо.
Магар хасмим экан ул беназир қиз,
Мени Таймус этур мулкига ворис.
Демак, дастимга ўтгач мулки Мағриб
Бутун олам бўлур ҳарбимга мағлуб.

(Қаҳ-қаҳ отиб кулади.)

П а р д а





УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Тонг отаётир. Олидан тошйўнарларнинг чақир-чуқури эшитилмоқда. Қаср қурилиши кўриниб турибди. Елкаларига харсанг тошлар кутарган қуллар ўтиб бормоқдалар. Улар сафида Қулбобо ва Юсуф.

Х о р:

Тун зимистони битибдир бошлара тақдир бўлиб,
Қисматимиз қуллик ичра хўрлигу таққир бўлиб.

Биз зиё излаб туғилдик зим-зиё олам аро
Бахтимизни боғлаб олди зил ҳаёт занжир бўлиб.

Тобакай бош узра ўйнар қамчилар қонлар томиб
Зулму истибод қачон битгай бирор тадбир бўлиб.

Кўксимиздан кўкка учган ўтли оҳу-зорлар
Парчалар бир кун қишанларни олов шамшир бўлиб.

(Қуллар тошларни ерга қўядилар.)


Уф..ф..ф!


1-Қ у л:

Бу қасрнинг лойи кўз ёшимиз билан қорилиб,
Ҳар бир тоши бошимиз қимматига тушади чоги,
Қулбобо?

Қ у л б о б о:

Бўтам, шоҳларнинг диди шундоқ! Қасрларидан
қону ёш ҳиди анқимаса кўнгиллари ҳузур топмайди.





Ю с у ф:

Айни ҳикматни айтдингиз, Қулбобо!

Қ у л б о б о:

Эҳ-ҳе, бундай қонхўр шоҳларни кўравериб шу жойга келдим, бутам! Сен ҳали ёшсан, белинга қувватинг бор. Дарвоқе, нечук савдо билан бизга қўшилиб қолдинг?!

Ю с у ф:

Қуллик савдоси билан, Қулбобо!

Қ у л б о б о:

(Яқинроқ келиб, термулиб)


Нечук қулсанки, тарзинг шоҳга ўшар,
Қадинг шамшод, жамолинг моҳга ўшар.
Бирор мулкни безатган соз гулисан,
Бирор боғнинг суҳансоз булбулисан,
Қай ул танни жудо айлаб бу жондан,
Келтурмишлар сани қайси макондан?

Ю с у ф:


(Ария)

Худодан марҳамат кутган онам чашмин зиёсиман,
Яқосин чок этиб қолган отамнинг муддаосиман.

Қабоҳатли бу дунёда гаразгўй домига тушдим,
Риё қурбониман, дўстлар, балолар мубталосиман.



Гул эрдим боғ аро унган тиконлар ичра маҳв ўлдим,
Бу кун тупроқда топталгум, улуснинг хокипосиман.



Сўраб наслимни солмангиз, аламли кўксима
Бари бахтиқароларнинг чунон мотамсаросиман. ханжар,

Қ у л б о б о:

Дилингда кўпга ўхшар дарду ҳасрат,
Бўшат кўнглингни андак, ҳасратингни айт!

Ю с у ф:

Менинг юртимни дерлар мулки Канъон,
Туғилгандик анодин ўн бир ўғлон.
Биродарлар аро мен кенжа эрдим.
Туғилдим пок, яшарман пок дердим.

Ҳ а м м а:

Боракалло!

Ю с у ф:


Отам бирла онам севмишди ортиқ,
Этиб меҳру умидин менга тортиқ.
Билим олдим ва касб этдим камолот,
Ҳаёлим тортди юлдузли самовот.
Тушумда содир ўлди хўб ажиб сир.
Оёғимга уриб бошини бир-бир
Келишмиш шамс, қамар, ўнларча юлдуз.


Қ у л б о б о:

Бу хислатдан қолур ҳайрон ақл, кўз!

Ҳ а м м а:

Хўш, хўш?





Ю с у ф:

Отамга сўйлаб эрдим ўз тушимни,
Яқо ушлаб ажиб таъбир туширди.
Деди: Қилмиш карам қудратли Оллоҳ,
Йулинг нурли экан, пойингда дунё!
Силаб бошимни айдик, эй ўглон
Бу сирни этма ошкор, сақла пинҳон!

Ҳ а м м а:

Ё парвардигор!

Юсуф:

Ганимлар то хабар топгай, қилиб рашк,
Солурлар кўнглимизга беадад гаш!

Ҳ а м м а:


Айни ҳақиқат!

Юсуф:

Бўлиб воқиф бу гапдан уч биродар,
Менинг пойимга тушмишлар баробар.
Туғиб кўнгилга шумлиқ ҳам балолиқ
Олиб бир кун отамиздан ризолиқ.
Шикорга чорладилар, рози бўлдим,
Кўриб ҳозирлигимни, жазм қилдим.
Билолмасдим не фитна учта бошда,
Узоқ юрдик ўтиб тоғ ила тошдан.
Кетурдилар қуш учмас бир маконга,
Этишмоқ бўлди қасд аслида жонга.

Ҳ а м м а:

Разолат!





Юсуф:

Бирови айни шу чоқ: Биз мусулмон
Худо қаҳр айлагай тўсак бекор қон!
Оёқ-дастини боғлаб қолдирайлик,
Йўқотдик, деб бориб дод-вой қилайлик!
Шу тахлит тушди арқон қўл-оёққа
Итардилар суриб бир катта чоғга.

Ҳ а м м а:

О, бечора!

Ю с у ф:

Билолмам, неча кун ётдим, баногоҳ
Бўлиб оҳ-зору фарёдимдан огоҳ.
У чоқ бошига келди тўп йўловчи,
Мисоли ўлжа топган моҳир овчи —
Сугурдилар.
Ечиб дасту оёғим...

1-Қ у л:


Кейин не бўлди аҳвол?

Қ у л б о б о:

Айт, у ёгин!

Ю с у ф:

Хабар топсам эканлар савдогарлар,
Севиндим, деб бирор ишга ярарман.
Етаклаб нор Миср мулкига келдим,
Бари хизматларин жон бирла қилдим.
Туғаб савдо-сотиқ қайтар эканлар,
Солиб бўйнимга арқон мисли бир хар,
Кетурдирлар мени ҳам қулбозорга
Ва сотдилар этиб қул,
Шу, бобо, гап!



Қ у л б о б о:

(Ҳаяжонда)

Етолмай қолди ё, раб: ожиз ақлим,
Нечук халқ булди бу савдогар ақли?
Нечук бозорга айланди бу дунё,
Қилурлар ору-номус бирла савдо.
Сўраб олтин сотурлар токи виждон,
На виждонки, сотилгай дину имон.
Имон деб нафс берибдир савдогарга
Қачон тўйгай бу нафс сийм ила зарга.
Қадр-қимматни олмай эътиборга
Бу кун инсонни солгайлар бозорга.
Қабоҳат ичра қолмиш кўҳна дунё
Қачон битгай бу кор?

Ҳ а м м а:

Астағфурулло!

К у л и с д а н о в о з:

Ҳой, бахти қаролар, қадамингни илдамроқ бос!

1-Қ у л:

Оббо, шоҳнинг саклари яна акиллай бошлади.
Юринглар!
(Елкаларига тошларини олиб ҳорғин чиқадилар.)

Х о р:

Куксимиздан кўкка учган ўтли оҳу-зорлар
Парчалар бир кун кишанларни олов шамшир
булиб.

П а р д а



ИККИНЧИ ПАРДА

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Миср. Малика Зулайхонинг шоҳона қасри. Зулайхо ҳамон хастаҳол. Канизаклар парвона.

Х о р:

Малоҳат бобида танҳо Зулайхо,
Миср мулкига кўрк, оро Зулайхо.
Сухансоз, беназир доно Зулайхо
Омон бўл, тургунча дунё, Зулайхо!

Юзинг оламини этмишдир мунаввар,
Лабинг ёқут, тишингдир лаълу гавҳар,
Сўзингда бир жаҳон маъно, Зулайхо,
Омон бўл тургунча дунё, Зулайхо...

(Ҳарам қули киради.)

Қ у л:

Мурувватли султон, ҳоқон ибн ҳоқон Азизхон
ташриф буюрдилар.
(Момо ва канизлар тарқалиб кетишади. Зулайхо тўшакдан аста қўзғолиб Азизга пешвоз юради.)

З у л а й х о:

Марҳабо!

А з и з:

(Кириб)

Омонларми маликам?



З у л а й х о:

Ташаккур, марҳаматли шоҳи султон!

А з и з:

Ўшал ширин забонга садқадир жон!
Жамолингиз кўриб девонадирмен,
Ки шам қошидаги парвонадурмен.
Магар бошимда тож, султон эрурмен,
Висолингиз тилаб бирён эрурмен,

(Зулайхони қучиб кўтармоқчи бўлади.)

З у л а й х о:

(Кўкрагидан аста итариб)

Ҳаким айтмиш: менга даркор осойиш.

А з и з:

(Жаҳли чиқиб)

Ҳакимлар-чун даво айтиш осон иш,
Бироқ ўз шоҳига қилмас мурувват.
Кутишдан битди бардош, битди тоқат
Шифо топмас неча ой дардингизга.


З у л а й х о:

Нетай, бермиш худо бу дардни бизга
Бу беморлик мени овора қилгай.
Ки дард берган эгам бир чора қилгай
Ҳижолатмен...

А з и з:

(Асабидан тушмай)

Топилгунча у чора



Ўтар бўлди менинг умрим овора.

(Бушашиб)

Шикор азм айладим то қайтгунимча.
Қошингизга омон-соғ етгунимча.
Бўлур сиз бирла доим фикру ёдим,
Умидвормен, худо бергай муродим.

З у л а й х о:

Ажаб эрмас, шифо топса ҳақимлар.

А з и з:

Агар топмас, осурман дорга яқсар.

(Даргазаб чиқиб кетади.)

З у л а й х о:

Ўйинчоқ айлади измида қисмат
Нечук бу телбалик, парвардигор, айт?!
Гул излаб келган эрдим ушбу элга
Туширдирнг банди айлаб ўзга қўлга.
Дилимнинг соҳиби ёр қайда эркан,
Кезарман ахтариб зор, қайда эркан?!


(Момо киради.)


(Ария)

Излабон висолингни келган эрдим эй, ёрим,
Топмайин изинг гардин етди кўкка оҳ-зорим,
Қийналур бу жон ҳар дам, шафқат айла,

шунқорим,

Қайдасан, хабар бергил, қайдасан гулузорим.





Қисматим ҳазил айлаб бу томон олиб келди,
Ёр сенинг хаёлинг-ла ўзгага дучор қилди.
Тиг бўлиб оғир ҳажринг бағрими чунон тилди,
Қайдасан, хабар бергил, қайдасан, гулузорим.

Найлайн фалак тинмай ёғдирар бало тошин,
Қолдилар олисларда дўсту ёру қондошим.
Розиман келиб олсанг жонни, битди бардошим.
Қайдасан, хабар бергил, қайдасан гулузорим.

(Йиглаб тўшакка ўзини отади.)

М о м о:

(Келиб бошини силаб)

Ҳадеб эрк бермагил оҳ ила зорга,
Шукур қилгил, бўтам, парвардигорга.
Битибдир манглайингга бўйла тақдир,


З у л а й х о:

Тузибдир телба тақдир, телба тадбир,
Менинг хобимга кирган ул қуёшрўй,
Кузи юлдуз, камон қошу суманбўй,
Қади шамшод, ахир зинҳор Азизмас.

М о м о:

Шукурларки, Азиз бу сирни сезмас!

З у л а й х о:



Бале, мен чекмайинму оҳи нолон,
Куринмас бир қафасда қийналур жон:
На дардимни Азизга айта олгум,
Ва на бахтимни излаб қайта олгум.



М о м о:

Иложинг не умидинг бўлса рӯё?

З у л а й х о:

Бироқ кечмас умидидан Зулайхо!

М о м о:

Сабр қилгил, бўтам, йўқ ўзга чора,
Ўзингни беҳуда қилма овора.
Азиз тикмиш ахир йўлингга жонни...

З у л а й х о:

Муҳаббатсиз нетай мен бу жаҳонни?!
Миср мулки ахир мулким деганди...


М о м о:

Мисрда шоҳ Азиз, найлайлик энди?
Тушингни инкор этмишдир ҳақиқат!


З у л а й х о:

Нечун, жоним момо, бенаф насиҳат?!
Кезурман ер юзини гар пиёда.
Ўтурман тоғу тошлардан, зиёда —
Жафоларга магар бўлгум гирифтор,
Бўлур гар қоматим долу сочим қор,
Тўкилса йўлларига кўзда нурим,
Магар ўтгай уни излашда умрим,
Ахир топгунча оҳудек чопарман,
Умидим — ёру жонимни топарман.

(Ария)



Кечурман хонумондан ҳам,
Унингсиз бу жаҳондан ҳам,



Бу хаста жисму жондан ҳам,
Вале кечмам муҳаббатдан.

Умидим ул, нажотим ул,
Тирик бўлсам ҳаётим ул,
Имоним, эътиқодим ул,
Кечолмам бул саодатдан.

Гапирманг кўзда ёшимни,
Топиб бир кун қуёшимни,
Қўйиб кўксига бошимни,
Фидо бўлсам садоқатдан...
Кечолмам бу саодатдан...

(Куйлаб юқорига кутарилади. Деразадан қараб қолади. Қичқириб юборади. «Момо!» Момо югуриб келади. Зебо ва Қамар кирадилар.)

М о м о:

Зебо, Қамар, сув!

(Қизлар тез сув олиб кирадилар. Зулайхонинг юзига сепадилар.)

Нима гап, бўтам?

З у л а й х о:

Ўнгимми ва ё тушимми, ё раб,
Олмоқда яна ҳушимни, ё раб!


М о м о:

Ўнгинг бўтам, ўнгинг, ўзингни тут!

З у л а й х о:

(Қўли билан ишора қилиб)

Жоним моможон, боқингчи сиз ҳам
Ҳув ганч қорадир, нимайкан?





М о м о:

Одам!

З у л а й х о:

Чинданми, тушим эмасмикан бу?
Зулмат ичида қидирган инжу,
Дил мулким аро ягона гавҳар,
Жоним моможон, топилган ўхшар!
Чорланг уни тез, токи йўқотмай,
Топгунча алам лойига ботмай!

М о м о:

(Канизакларга ишора қилади)

Курдингларингми?

Қ и з л а р:

Курдик!

М о м о:

Тезда олиб келинглар!

Қ и з л а р:

Жонимиз билан! *(Чиқадилар.)*

З у л а й х о:

Худойимга ниҳоят етди додим,
Топилди излаган бахтим, муродим.


М о м о:

Ўзингни бос, бўтам, билгил ўзи ким?

З у л а й х о:

Аниқ кўрдим, Момо, тушда кўрганим!





(Қамар билан Зебо қул кийимидаги уст-боши чанг Юсуфни олиб кирадилар Зулайхо лол. Кулистан унинг хаёлидаги гап эшитилади.)

«Фироқида этиб коримни фарёд,
Шудир саргашта қилган ул паризод»

(Юсуфга)

Қуйиб қутлуг қадамлар, хуш келибсиз.
Бошингиздан сочай зар, хуш келибсиз.

Ю с у ф:

Бир гуломга кўрсатурсиз эҳтиром,
Минг ташаккур, дил тўридан ассалом!
Хизматингиз бошим узра тождур
Ҳар юмушга бу ғариб муҳтождир!

З у л а й х о:

Отингиз ким?

Ю с у ф:

Отим — Юсуф деган қул.


(Кулистан Зулайхо тушидаги диалог эшитилади.)

З у л а й х о:

«Гапир, шоҳим, сен инсонми парисен,
Қай ул юртнинг маҳоват сарварисен.
Хабар қилгил диёрингу зотингни,
Қаердан излайин айтиб отингни?»

Ю с у ф:

Зотим сўрсанг, Миср ақли эрурмен,
Миср шоҳи, элим ақли эрурмен,





Топарсан дилда ишқинг бўлса барҳақ.

З у л а й х о:

Худо ҳақ бўлса ишқим ҳақ, сўзим ҳақ»

З у л а й х о:

(Ўта таъсирланиб)

Кезиб олам аро мен излаган гул,
Демангиз қул, бўлингиз шоҳсуворим,
Оёгингизга тўккум ҳарна борим.

(Юсуф ҳайрон. Зулайхо тўймай Юсуфга термулиб турибди)

Ю с у ф:

Тушунмасман, маликам, бу не савдо?
Туширманг қул бошимга турфа гавго!

З у л а й х о:


Жамолингиз кўриб хобимда бир бор,
Бўлиб ишқ можаросига гирифтор.
Дарак излаб чизингдек шаҳриёрдан,
Келибдирман олис туққан диёрдан.


Ю с у ф:

Маликам, алданибсиз, мен эмас ул,
Муҳаббат боғидан сиз излаган гул.
Гулом бўлмас бу иқболга сазовор,
Халойиқ олдида этманг гуноҳкор.

З у л а й х о:

Гуноҳ эрмас, саодатдир муҳаббат,
Муҳаббатга фидодир тож ила тахт.





*(Юсуфнинг ҳайрати ортади. Кулисдан унинг хаёлидан
утаётган гап эшитилади.)*

«Гайри мулк ичра гуломлик бир бало,
Боз этур бу минг балога мубтало».

Ю с у ф:

Муҳаббатдан уриб лоф тил учинда,
Маломатларга қўйманг эл ичинда.
Топиб ахбор шаҳаншоҳ ушбу сирдан,
Этур расво мени мулки Мисрда.
Халойиқ ичра тарзим қора қилгай,
Тагин пажмурда жисмим пора қилгай.

(Бурилиб кетмоқчи бўлади.)

Наҳот, қатлимни истарсиз, маликам,
Этинг рухсат, кетурмен...

(Чиқиб кетади.)


З у л а й х о:

Кетманг, эркам!

(Издан лол термулиб қолади.)

З у л а й х о:

(Ария)



Бир тараҳҳум қилмадинг зорингга жоним, лоақал,
Лаб очиб бир сўзга, эй тўти забоним, лоақал.
Ёлбориб турдим қошингда шафқату луфтинг кутиб,
Тош дилинг юмшатмади ашки равоним, лоақал.
Гар тирикликда висолинг шунчалар душвор экан,



Ўз йўлингда лола янглиг унса қоним, лоқал.

(Ҳунграб ўтириб қолади. Пауза. Бирдан портлаб)

Магар заҳматлидир ёрнинг висоли,
Менинг ишқим, зарим чиққуси голиб.

(Қарсак уради. Момо киради)

Қасрга чорлангиз моҳир мусаввир,
Деворга чиздирингиз бўйла тасвир.
Менинг орзумни этсин у ифода
Ки кўрганда йўқолсин хуш, ирода.
Безатсин бир чаманким жаннатосо,
Бутун рангу латофат унда пайдо.
Ажиб ҳовуз, ҳовуз бўйида танҳо
Юсуф бағрида тўлгонсин Зулайхо.
Шу кундан бошлангиз, зуд битдирингиз
Керак бўлганча олтин, зар берингиз.

М о м о:


Муҳайё айлагум истақларингни
Тополсанг бас бўтам, дил гавҳарингни.

(Кетади.)

З у л а й х о:

Нигоҳ этгач эсу ақлин йўқотгай,
Қони жунбуш уриб, бағрига тортгай.

П а р д а



БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Туртинчи кўринишдаги сахна. Деворга парда тортилган. Зулайхо ва бир тўп канизақлар. Зулайхо хурсанд.
Базм. Ялла.

Қ и з л а р:

Айламиш ишқинг мени девонадин девонароқ,
Булмишам мардум аро афсонадин афсонароқ.

З у л а й х о:

Қай куни тушди кўзим ул икки наргис чашмингга,
Шул замондин аҳволим мастонадин мастонароқ,

Қ и з л а р:

Ишқ аро нақл айламишлар шам ила парвонани,
Шаъми ҳуснингга бу жон парвонадин парвонароқ.

З у л а й х о:

Нолаю афгон чекиб қадди ниҳолинг истарам
Йўлларингда кўзларим гирёнадин гирёнароқ.


Қ и з л а р:

Бир нигоҳ айлаб кетиб солма эди жонимга ўт,
Шу ўт ичра бор вужуд сўзонадин сўзонароқ.

З у л а й х о:

Раҳм этиб келсанг қошимга, розиман дил гавҳарим,
Булса жисмим йўлдаги остонадин остонароқ.

З у л а й х о в а Қ и з л а р:



Айламиш ишқинг мени девонадин девонароқ,
Булмишам мардум аро афсонадин афсонароқ.
(Қизлар орасига икки «суворий» кириб келади).

Қ и з л а р:

(Чувиллашиб)

Вой-буй, на гузал бу қадди қомат! *(Бири бошидан қалпогини олади, кокили осилиб тушади).*

З е б о:

Афсус, бу сифат бизга омонат!

(Қийқириқ, кулги)

Қ и з л а р:

Шаҳзода бўлиб қолса мабодо
Оламни қарам этарди Зебо! *(Яна кулги)*

З е б о:

Вой-буй, юракларингизга ўт туташдимиз? *(Қийқириқ кулги)*

Қ а м а р:

Маликам, амрингиз ижро этилди. *(Зулайхонинг имоси билан қизлар тарқаладилар.)*

З е б о:


Гулом Юсуф қасрга келтирилди.

З у л а й х о:

Буюр, кирсин ҳузуримга жувонмард.

*(Зебо билан Қамар таъзим билан чиқадилар Зулайхо девордаги пардани тортади. Тасвир намоеън бўлади. Мар-
рур.)*

Солай кўнглига мен ҳам ўтли бир дард,
Кўриб тасвирдаги хуш суратимни,



Гадоси бўлгуси соз суҳбатимнинг.

(Юсуфни олиб кирадилар. Зебо ва Қамар чиқади.)

Ю с у ф:

Маликам, умрингиз бўлсин зиёда,
На хизмат бор менингдек бир гадода?

З у л а й х о:

Висолингиз эрур арз, эҳтиёжим,
Бу кун кўнглимни ёзмай йўқ иложим.

Ю с у ф:

Тагин изҳор этилгай эски эртак,
Қилурсиз бир гуломингизни эрмак.

*(Бошини кутариб Зулайхога қарамоқчи бўлади. Кузи де-
вордаги тасвирга тушади. Шошиб икки-уч қадам босади)*


Ажаб, қандай хаёл бирла мусаввир,
Чизибдир қаср ичида буйла тасвир.
Раво кўрмиш маликамни гадога,
Бу эп эрмас, на инсон, на худога.

З у л а й х о:


Хаёлмас, нақш этилгандир муродим,
Йулингизда фидо бўлсин ҳаётим.

Ю с у ф:

(Гоҳ тасвирга, гоҳ Зулайхога суқли боқиб)



Маликам, давлатингиз ичра қулман,
Суровим, бу қилиқлар бирла кулманг!



З у л а й х о:

Азизим, кулмоқ асло мақсадиммас.

Ю с у ф:

Наҳот гулга раводир, йўлдаги хас.

З у л а й х о: *(Ёлвориб)*

Ўзингизни бунингдек ерга урманг,
Ки такрор бу каломни айта кўрманг.

(Кулисан Юсуф хаёли эшитилади.)

«Нелар кечмоқда тилсимли жаҳонда,
Ловуллаб, икки ўт пажмурда жонда.
Наҳотки, қилса ҳийла шул малика.
Муҳаббатга бўлибдир қул малика,
Гуноҳдир бир гариб дилни огритмоқ,
Қуёшдай пок муҳаббатдан ор этмоқ».

Ю с у ф:

Буюргайсиз, юмушга мунтазирман!

З у л а й х о:

Висолинигизга ташна бир асирман!


(Юсуф Зулайхо томон талпина бошлайди. Зулайхо тисарилади.)


Ю с у ф:

Ажаб эрмак топибдир телба тақдир.

З у л а й х о:

Худонинг амридир, жоним, бу тадбир!
(Юсуф яқинлашмоқчи бўлади. Зулайхо қочади.)





(Саҳнада Юсуф Зулайхони қувлайди. Зулайхо гул отиб қочади. Ниҳоят қувиб етиб қулини белидан утказади. Зулайхо унинг куксига бош қўяди.)

Ю с у ф:

(Сочларини силаб):

Муҳаббат деб диёнатдан кечурмиз,
Шаҳаншоҳга садоқатдан кечурмиз.
Бу осийлик — ўлим янглиғ гуноҳдир.

З у л а й х о:

(Эркалаб)

Менинг ишқим ажалдан кучлироқдир,
Йўлингизга этиб сарф бор бисотим,
Бисотим етмас эрса то ҳаётим,
Азизнинг мулкани ташлаб кетурмиз
Олиб бош, ўзга манзилга етурмиз.


(Муסיқа фожиадан дарак беради. Даргазаб Азиз кириб келади.)

А з и з:

Бу не шармандалиқ, не тавқилаънат!
(Юсуф ва Зулайхо қотиб қоладилар)
Қани имон, қани инсоф, диёнат!
(Юсуфга зугум қилиб)

Хиёнат йўлига кирдинг имонсиз.





Ю с у ф:

Имоним пок, у сўзларни деманг сиз!
Тугилмишман магар кулфатга ошно,
Муҳаббат деб бўлибман элда расво,
Туйиб кетдим тириклик кулфатидан,
Ризоман бошдан айрилса куюк тан!

А з и з:

Менга душвор эмас бошингни олмоқ!

Ю с у ф:

Менга даркор эмас эл ичра қолмоқ!

А з и з:

Жаллод!

(Вазир билан икки ясовул чописб кирадилар. Ясовулар Юсуфнинг қўлларин қайирмоқчи бўладилар. Юсуф итариб ташлайди.)

Ю с у ф:

(Ясовуларга)

Шошилманг боғламоққа Сиз қўлимни,
Тилаб олдим шаҳаншоҳдан ўлимни!
(Зулайхо бориб Юсуфга ёпишади)

З у л а й х о:


Дилим мулкида ҳоқоним Юсуфим,
Бўйингга садқадир жоним, Юсуфим!

А з и з:

(Жунбушда)

Бу не шармандалик, бу не разолат!





З у л а й х о:

Муҳаббат бу, шаҳаншоҳим, муҳаббат!

(Шоҳга яқинлашиб)

Юсуф бечоранинг йўқдир гуноҳи,
Гуноҳкор банда — мен, давлатпаноҳим,
Этинг озод ва ёхуд бирга осинг!

А з и з:

(Заҳарханда)

Ўлим бўлмиш маликам илтимоси?!

З у л а й х о:

Нетай, тушмиш бошимга бўйла савдо,
Муҳаббат деб бўлибман элда расво.
Кириб хобимга бул хуршидпайкар,
Этиб мафтуну шайдо ҳам саросар,
Олиб ақлу қарорим бемор этди.
Зотин сўрсам Миср шоҳи деб айтди.
Бўлиб мен зору гирён пайкарига,
Юбордим элчиларни Сиз сарига.
Келиб кўрсамки, эвоҳ, алдамиш туш,
Қуриб сизни шаҳаншоҳ, учди эс-ҳуш.
Мени банд айлаган ул беназир гул
Бўлиб чиқди Миср мулкида бир қул.


А з и з:


(Зулайхога)

Сузинг бағримни тилгай мисли наштар.

З у л а й х о:

Унингсиз қолмоғим — қатлим баробар.





А з и з:

Агар қатлингни истарсан, осондир.

З у л а й х о:

Муҳаббатсиз яшаш ундан ёмондир.

А з и з:

Жаллод!

(Икки ясовул югуриб киради.)

Ю с у ф:

(Шоҳга талпиниб)

Маликамда гуноҳ йудир, шаҳаншоҳ!

А з и з:

(Зулайхони кўрсатиб)

Бу бадкорни сочидан отга боғланг!

М о м о:

(югуриб чиқиб)


Зулайхо! Бўтам!

(Оёғига ташланади)


А з и з:

Ва ташланг кимсасиз чўлга, ки зоғлар
Хиёнаткор дилин садпора қилсин!

(Зулайхони боғлайдилар. Юсуфга ишора этиб)



Бу харни харга терс миндирилсин,
Суриб тарзи танига ҳам қаролар,
Сазои айлангиз мулк ичра аввал,
Кейин дорга илинг кўксин тилимлаб.



В а з и р:

Шаҳаншоҳим, узр...

А з и з:

Хуш, чиқди не гап?

В а з и р:

Нечун беҳудага бу икки қурбон?

А з и з:

(Даргазаб)

Қани, доно вазир, сизнингча султон
Хиёнаткорга зарлар инъом этсин!

В а з и р:

Қуяйлик, мулкимиздан тезда кетсин!

А з и з:

(Заҳарханда)

Топилган-чун сизнингдек зўр ҳимоят,
Менинг қасримда авж олмиш хиёнат!


В а з и р:


Шаҳаншоҳим!..

А з и з:

Етар, бас, битди имкон,
Бу ҳомийсин этингиз банди зиндон!

(Вазирнинг қўлларини боглаб олиб чиқмоқчи бўладилар.)





З у л а й х о:

Нечук бедод, нечук бундоқ разолат!

А з и з:

(бақириб)

Олиб чиқинг!

(Бандиларни судраб чиқишмоқчи бўладилар)

Ю с у ф:

Фалакни ёққудек дилда оловли зору оҳим бор,
Не кулфатларга қолмишман, билолмам не
гуноҳим бор.

З у л а й х о:

Олисман меҳрибонлардан, олисман она юртдан
ҳам,
На бир дард айтгувчи аҳбоб, на бир иссиқ
паноҳим бор.

Ю с у ф:

Бошимни тошга урсам кўз ёшимни жолалар айлаб
Нетай арзимни тингловчи на одил додҳоҳим бор.

Ю с у ф в а З у л а й х о:

Муҳаббатсиз бу оламда муҳаббат машъалин ёқмоқ,
Муяссар бўлмади узлат сарига энди роҳим бор!


А з и з:

(Қичқириб)



Амримни бажар!

(Юсуф ва вазирни бир томонга, Зулайхони ик-
кинчи томонга судрайдилар.)



Ю с у ф:

Зулайхо!

З у л а й х о:

Юсуфим!

(Олиб чиқиб кетадилар.)

М о м о:

Маликам, бутам

(Кетидан югуради.)

П а р д а


УЧИНЧИ ПАРДА

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Кимсасиз чул. Қовжираган кукатлар кўзга ташланади. Қўллари арқон билан боғлиқ хушсиз Зулайхони бир ясовул судраб олиб киради. Тухтайди. Кетидан ҳаллослаб келган Момо чарчаб утириб қолади. Ясовул Зулайхонинг кўксига бошини қўйиб эшитиб кўради.

Я с о в у л:

Уф... Ҳали тирикка ўхшайди. Юраги уриб турибди. Яна чопишим керак, эҳ, мунча жони қаттиқ экан-а?! *(Отнинг кишнаши эшитилади.)* Чуллади жонвор! Бу жазирамада баттар бўлмасин, ҳей, кетдик. *(Арқонни қўлига олади.)*





М о м о:

(Шошиб)

Худо хайрингни берсин, бечора қизга шафқат қил! Ортингдан чопавериб, илигимда мадор қолмади.

Я с о в у л:

Аравани от тортару, тагида ит ҳансирар. Нима қиласан чопиб, сенинг югурганинг билан бу тирик қолармиди? Шаҳаншоҳнинг амри вожиб, ўлгунча отга судратаман, мурдасини қузгунларга ташлайман.


М о м о:

Мунча багринг тош бўлмаса, кўз ёшларимга раҳминг келса-чи, ахир онанг сени жаллод бўлсин деб туғмагандир. Шундоқ қолдириб кетавер!

Я с о в у л:

Фи, мияси айнаган кампир. Буни тирик қолдириб кетсам, биласанми нима бўлади? Ўзимни дорга осадилар. Онам дорга осилсин деб туғибдими?

М о м о:



Зог ҳам учмаган, худо қаргаган бу биёбонда буни ким кўриб ўтирибди. Аллоҳ шоҳид, шафқат қил. Ахир Миср мулки олисларда қолиб кетди бўтам! Бу биёбонга тирик жон нечук қадам боссин? Биз энди бир кунимизни кўрармиз, худо раҳм айлаб тирик қолса...

Я с о в у л:

(Маъноли қараб)

Менчи, мен? Бекорга дорга осилиб кетаверайми, жувон ёшимда!

(Момо жонланиб, буйнидан ҳамён олиб отади.)

Я с о в у л:

(Ҳамёни салмоқлаб)

Ҳи-ҳи, ҳи *(Очиб кўради, кўзи уйнаб)*, асл дур-ку!

(Момо келиб Зулайхонинг юз-кўзларини артади. Лабига лабларини тегизиб намлайди)

Бало экан бу кампир. Ҳи-ҳи-ҳи. Энди Мисрга қайтмайман, Мағрибга кетаман! *(Ҳамёни салмоқлаб.)* Савдогарлик қиламан. Биримни ун, унимни ботмон қиламан. Ҳи-ҳи-ҳи, халққа ҳайронсан, жаллод бўлиб қонини сўрсанг қаргайди, савдогар бўлиб ҳамёнини шилсанг дуо қилади.

(Момо билан Зулайхо олдига келиб)

Майли шафқат қилдим. Жонимга гаровга қўйиб, тирик қолдирыпман. Мисрга қайтиш йўқ-а?!

М о м о:


Парвардигор асрасин, бўтам!

Я с о в у л:

(Қайтаркан, ўзича)

Барибир шоқолларга ем бўлиб кетади. Мен эса ажалнинг оғзига мана бундан ёпаман! Ҳи-ҳи-ҳи.

(Чиқади. От кишнаши. «Чуҳ» деган овоз эшитилади.)



З у л а й х о:

Моможон, сув!

М о м о:

Момонг, жонингга садага, ҳозир бутам, ҳозир, сувга етамиз.

(Яна лабига лабларини тегизиб намлайди.)

З у л а й х о:

Нималар буляпти, қаердамиз, моможон?

М о м о:

Аллоҳнинг паноҳида, ажал чекинди, жаллоднинг раҳми келди.

З у л а й х о:

Оҳ, эсиз, нечун жонимни олмади?

М о м о:


Ноумид булма, бутам, бошинг омон булса му-
родингга етарсан

З у л а й х о:

(сал тикланиб)

Муродим дорга осилди. Энди қиёматда кўра-
ман уни. Эвоҳ...

(Атрофга аланглаб) Бирор жонзот кўринмайди.
Бу қай мулк?



М о м о:

Кимсасиз биёбон, бутам ҳеч бир мулкка даҳли йуқ. *(Атрофга синчков тикилади.)* Ҳув бир нарса йилтирамоқда. Шояд сув бўлса. Ҳа, булоққа ухшайди. Юр-чи. *(Қўлтигига кириб турғизиб ярим опичлаб олиб чиқиб кетади. Саҳна бир дам бўш. Гамгин куй янграмоқда. Отлар дупури, одамларнинг чорлаш овози яшитилди. Ховлиқиб икки киши икки томондан кириб келади.)*

И к и ш и:

Учратмадингми?

И к и ш и:

Эсингдами, мулкимиздан қул қилиб ҳайдаб келганларида шу биёбондан ўтувдик. Оғир жазога тортилганларни шу ерга келтириб ташлангуси экан. Бечора малика шоқолларга ем бўлган кўринур!

И к и ш и:

Аттанг, етиб келолмабмиз-да! Қулбобога нима деймиз-а?


И к и ш и:

Қонхўр Азиз, очилмай гунча ҳолида сўлдирди-я!

(Яна чорловчи овоз бериб чиқиб кетадилар. Саҳна айланади. Қаср. Тахтда асабий Азиз. Ён-верида бир-икки аъёнлар. Қадаҳ сипқормоқда. Қадаҳни қўйиб).

А з и з:

Рисолага сигмас ҳеч бу афсона,
Шоҳ қасри қулларга бир ишратхона.



Малика қўллари қулнинг бўйнида,
Шоҳ хотини хордир қулнинг қўйнида.
Икки ўт ичида ўртанади жон,
Зиндондай зимистон кўзимга жаҳон.
Наҳот мен тасбеҳ деб қўйнимга солган
Ихлос қўйган малак заҳарли илон!

А ъ ё н л а р:

(Журъатсизгина)

Шоҳим, андак босинг газабингизни,
Бузманг беҳудага асабингизни.

(Қадаҳ тутадилар.)


А з и з:

Бир ёнда муҳаббат, бир ён қабоҳат,
Муҳаббат либосин киймиш хиёнат.
Тожу тахт номусин қилмишлар яксон,
Бу хиёнат доғин қон ювади, қон!


(Пауза)

Бошимизга тушди бетайин савдо,
Бу кун тарозуда тож ила номус.
Тилка-пора бўлди нопок Зулайхо.
Демак, тирик ёвдир мен учун Таймус.
Таймус! Қари қашқир қўзготиб бўрон.
Қурқаман солмаса мулкимга қирон.

(Бир дам ўйланади. Бориб қадаҳ кўтаради, дадиллашади)



Йўқ, бунга йўл қўймай, қулай фурсатда
От суриб борурман қўйиб гафлатда.



Қонга тўйгани йўқ ҳали қиличим,
Олурман Таймусдан нопок қиз учин.
Мулкига ут қўйиб, ўзин қилгум қул,
Ва кукка совургим кулини буткул.
То бу хиёнатдан қолмай нишона
Такрор содир бўлмас бундай афсона.

(Аъёнларга)

Хуш. Сизлар не дейсиз ўз шоҳингизга?!

Аъёнлар:

Тасанно, шаҳаншоҳ, идрокингизга!

*(Музыка фожиадан дарак беради. Калтакланган, либослари
йиртилган ясовулбоши ер упиб кириб келади).*

Ясовулбоши:

Ҳоқоним, султоним, рўй берди офат!


Азиз:


(Ҳайрат ва ғазабда)

Тагин содир бўлмиш қандай қабоҳат?!

Ясовулбоши:

У шаккок Юсуфни айлаб сазои,
Кейин бермоқ учун олий жазони,
Олиб борган эдик дорнинг остига,
Бош узра тош ёғиб тошнинг устига,
Лак-лак қул қузгундай ёпирилиб келмиш,
Жаллодлар калтаклар зарбидан ўлмиш





А з и з:

Қўрқоқлар, садқаи лабосу таом!

Я с о в у л б о ш и:

Улар қувиб келур қасрга томон!

(Тахт ичига тош ёғилиб, таёқ ва тошлар билан қуролланган қуллар ёпирилиб кирадилар. Олдинда Қулбобо. Азиз қиличини сугуриб Қулбобога ҳамла қилмоқчи булади. Бир қул унинг қилич тутган қулига таёқ билан туширади. Қилич ерга тушади. Икки қул зудлик билан шоҳнинг қўлларини боғлайдилар. Аъёнлар қўрқувдан тош қотган).

Қ у л б о б о:

Шошма! Шошмоқлик шайтонга хосдир.


А з и з:


(Қулини бўшатмоқчи бўлиб)

Сени қараб тур қари хар, султон билан уйнашишни кўрсатиб қўяман.

Қ у л б о б о:

Нима дединг? Султон? Йўқ, сен султон эмасан, сен тож кийган аждаҳосан, лойи қонлар билан қорилиб, тоши бошлардан бўлган бу қасринг қабоҳатнинг уяси, қонхўрликнинг фатвоҳонаси! Сен ўз мулкинда фуқаронинг қонини сўриб бўлиб, бошқа мулкларда дарё-дарё қон оқиздинг. Қулларни эса ўз зулминг билан жондан тўйдирдинг. Бу кун қабоҳатни қурол қилиб муҳаббатни ҳам сугуриб ташламоқчисан. Ёниб турган ишқни дорга илишга фармон бердинг, илон! Худо шоҳид,





сен яна қанча ошиқ-маъшуқлар мухаббатини топ-
тадинг экан?

А з и з:

(*Ўшқириб*)

У мухаббат эмас, хиёнат! Қачон шоҳ хотини
қулга раво бўлибди?

Қ у л б о б о:

Мухаббат қошида шоҳлар гулому, қуллар сул-
тондир. Биз Юсуфга қурган дорингга ўзингни оса-
миз.

А з и з:


(*Ўқириб*)


Эҳ, сен қари харнинг бошингни олмадай узиб
олмаганимга пушаймонман. (*Шу чоғ қуллар ва-
зирни олиб келиб, қўлини ечадилар*).

Қ у л б о б о:

Айтгандим-ку тигинг ўзингнинг кўксингга сан-
чилади, деб. Сен мендан ўкинма, ўзингдан ўкин!
Зулму бедодинг ҳаддан ошди.

Қулларнинг сабр косаси тўлди. Энди ундан
тошиб тушаётган захрингдан бир тотиб кўр. Сен
бир умр қуллар устидан ҳукм чиқардинг. Бугун
бир мартагина қуллар сенинг устингдан ҳукм чи-
қарадилар. Айтинг, қуллар шоҳга қандай жазо
берайлик?!





О в о з л а р:

Ўлим, улим, улим! Муҳаббат кушандасига улим!

Қ у л б о б о:

Нима дейсиз, муҳтарам вазир?

В а з и р:

Айни адолат!

А з и з:

Хиёнат ҳомийси, сотқин!

Қ у л б о б о:

Олиб бор дор остига! (*Вазирга*) Мулкни кимга топширамыз?

В а з и р:

Муҳаббатга муҳтож бу мулкнинг тожи Юсуфнинг бошига ярашгай!


Қ у л б о б о:

Нима дейсизлар, қуллар?

О в о з л а р:

Айни ҳақиқат, айни ҳақиқат!

Қ у л б о б о:



Тож агар ошиқлар бошида бўлгай,
Жаҳонда муҳаббат яшнагай, кулгай.
Юсуфни дор остидан тож кийдириб олиб келайлик,
қани кетдик!

П а р д а



ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

Ички парда ёпиқ. Унда ўнқир-чўнқир адирлар акс этган. Сочлари оппоқ оқариб, кўзлари ожиз бўлган Зулайхони Момо етаклаб кириб келмоқда.

З у л а й х о:

(Ария)

Дод билан умрим ўтар, найлайки бахтим кулмади,
Гунчадек бўлдим тугун, асло гулим очилмади.

Ё умидидан кечолмай, ё бўлолмай бахтга ёр,
Сунди умрим ҳам вале ишқим гули ҳеч сўлмади.


Доғи ҳижрон айламиш минг бир балога мубтало
Мубталолик бўлди кор, васли муяссар бўлмади.

Ёр васли жон эрур, тандин йироқдир найлайн,
Жондин айру тушса ҳам, ё раб, Зулайхо ўлмади.


М о м о:

Бутам, бас, бўзлама, бағримни эздинг,
Куйида шунча йил саргашта кездинг.
Кўзинг нури унинг йўлида қолди,
Ёшинг чеҳранг ювиб, ҳуснинг йўқолди,
Хазон бўлдинг, эдинг мисли қизил гул.

З у л а й х о:



Нетай, бўйсунмагай амримга кўнгил,
Магар кечдим ватандан, хону мондан,
Қуриб васлин азиз ҳаттоки жондан,



Адирда қонларимда унди лола,
Тутиб мотам, уриб оҳ-зору нола,
Булиб мажнуна тоғу-тошда кездим,
Ўтиб ун йил тирик борини сездим.
Қанот боғлаб, учиб келдим Мисрга,
Бироқ йўл топмадим, найлай, қасрга.
Умид бирлан йўлида чайла қурдим,
Қачон утса, боқар деб бунда юрдим,
Ўтар ойлар етолмасман қошига,
Сипоҳлар бермагай йўл ёндошувга.
Менинг бу ҳоли зорим балки билмас,
Ва ё билган эса парвоси келмас.
Магар юрмоққа ҳам ҳеч ҳолатим йўқ,
Туғаб битди қарор, ҳеч тоқатим йўқ.

М о м о:


Сабр қилғил, ўтиб қолгай шикордан,
Кечурман майли сўнгги сийму зардан.
Бериб олгин сипоҳларнинг қўлига,
Олиб чиққум сени шоҳнинг йўлига.


З у л а й х о:

Висолин орзу қилмоқ энди душвор,
Сўқир бир нотавон унга не даркор.
Фақат қалбимда қолди сўнгги армон,
Оёгин остида айлай фидо жон!
Йўлига ташлайин жисми адогим,
Босиб ўтсин уни шўх аргумоғи.
Юринг, жоним момо!

М о м о:

Юргин-чи зора,





Қилур парвардигор дардингга чора!
(Отлар дупури эшитилади. Етаклашиб чиқиб кетадилар. Кулидан «Ҳай-ҳай, тухтанг!», «Ким уни шоҳнинг йулига утказди?», «Сўқир экан, адашиб утиб қолибди», «Тирикми?» «Ҳа тирик!» деган овозлар келади. Икки сипоҳ суҳбатлашиб ўтадилар.)

І-с и п о ҳ:

Ким экан улар?

ІІ-с и п о ҳ:

Ана шу адирда чайла қуриб яшаркан. Беш-олти ой бурун пайдо бўлиб қолишди-ку! Ҳар гал, шоҳимизнинг йулига талпинади, ясовулар йўл беришмайди.

І-с и п о ҳ:

Бугун ҳам шоҳни воқиф этишмади.

ІІ-сипоҳ:

Барибир шаҳаншоҳ хабар топадилар. Умрилари боқий бўлмай, ғариблардан беҳабар қолмадилар.

(Чиқадилар)


Парда очилади. Тахтада шаҳаншоҳ Юсуф утирибди. Утган вақт унинг кўринишида ўз изини қолдирган. У паришонроқ, атрофида вазир, аъёнлар, 17 ёшдаги қиёфада малика Зулайхо сўзсиз кириб келади. Юсуф Зулайхо сари қадам қўяди. Зулайхо тисарилиб чиқиб кета бошлайди.


Ю с у ф:

(Вазир ва аъёнларга)

Тухтатинг, кетказманг!

(Ҳамма ҳайрон)





В а з и р:

Кимни, давлатпаноҳ!

*(Чироқ ёниб учади. Зулайҳо урнида ясовул пайдо
булади)*

Ю с у ф:

Малика, Зулайхони! Кўрмаяпсизми?

В а з и р:

(Уғирилиб қараб, ясовулни кўради)

Ё раббий! Бу ясовул-ку, олампаноҳ! Маликамни оллоҳу таоло раҳматига олганига ўн йил бўлди. Хаёлингизга келгандир.

Ю с у ф:

Дарвоқе, хаёл! Ўн йил утибди-я! Эҳ, парвардигор, ўша кун мени тахтга ўтқаздингу ишқимни қузгунларга ем қилдинг. Эҳ бу тахт, мунчалар бахтдан йироқдир. Ўн йилдирки, бирор лаҳза кўз ўнгимдан кетмади. Кошки эди бахтсиз шоҳ бўлгандан кўра Зулайҳо висолига муяссар гадо бўлганимда. *(Бориб тахтга чўкади.)*


Я с о в у л:


(Журъатсизгина)

Олампаноҳ!

Ю с у ф:

Дарвоқе, ясовул...





Я с о в у л:

Давлатпаноҳ, Қулбобо ҳузурингизга изн сўрадилар!

Ю с у ф:

Марҳабо! *(Тахтдан тушиб, пешвоз чиқади. Кулбобо киради.)*

Қадамингизга ҳасанот!

Қ у л б о б о:

Худо умрингни зиёда, дастингни узун қилгай, омин!

Ҳ а м м а:

Омин!

Ю с у ф:

Хуш, бобожон, салтанат ичкарасида нима гаплар?

Қ у л б о б о:

Осойиш бўтам! Аммо мана бу тахт сени ўз комига тортиб, қуллик азобларини унутдириб қўйганга ўхшайдур.


Ю с у ф:

Астағфурулло алиюл азим! Нечун, бобожон?

Қ у л б о б о:

Агар фуқаро тирикликдан кўра шоҳ аргумоғи-





нинг оёқлари остида шаҳид бўлишни афзал кўрган
экан, билгинки, салтанатдан адолат чекиняпти.

Ю с у ф:

Англай олмадим?

Қ у л б о б о:

Ясовулбоши англатиб қўяр!

Ю с у ф:

Ясовулбоши!

Я с о в у л б о ш и:

Афв этасиз, давлатпаноҳ, кеча шикордан қайтаёт-
ганингизда бир ожиза кампир адашиб йўлга чиқиб
қолган экан, шуни ясовулар ҳазратларига яқин-
лаштирамай, четга чиқариб қўйишди.


Ю с у ф:

Воқиф бўлдингизми, нияти нимадир?


Я с о в у л б о ш и:

Афв этасиз, олампаноҳ, хабар топмадим.

Ю с у ф:



Ҳузуримга олиб келинг! (Қулбобога) Бу мулк-
да адолатсизликка зинҳор йўл қўйилмагай, иншо-
оллоҳ, худо адаштирамасин!



Я с о в у л:

(Киради)

Олампаноҳ, олис юртдан келган уч қаландар-
ваш мусофир изн сўрайдир.

Ю с у ф:

Буюр, кирсинлар!

*(Ясовул чиқади. Жулдур кийимли соч-соқоли пахмоқ уч киши
киради.)*

I м у с о ф и р:

Шаҳаншоҳ, давлатинг бўлсин зиёда.

II м у с о ф и р:

Умр, бахт, омадинг бўлсин зиёда!

III м у с о ф и р:

Гариб бечораларга илтифот эт!

Ю с у ф:

(Сакраб, ўрнидан туриб, уйчан)

Жимирлайдир сасингиздан суяк, эт!

(Яқинлашиб кўзларига тикилади)


Таниш ўхшаб кетар менга кўзингиз

Қай ул мулкдан, қай ул элдан ўзингиз!

I м у с о ф и р:

Диёридан қувилган бенавомиз!





И м у с о ф и р:

Худо бермиш бизим лойиқ жазомиз!

Ю с у ф:

(ҳаяжонланиб)

Огаларим! *(қучоқлашиб)*

Мисрга хуш келибсиз,

Шукур, оламда боримни билибсиз!

И м у с о ф и р:

Оёгингга уриб бош тавба қилсак!

И м у с о ф и р:

Каломингни худо амрича билсак.

И м у с о ф и р:

Гуноҳкормиз қошингда, элга билдир,
Агар лозим кўрарсан, майли, улдир.

Қ у л б о б о:

(Кузатиб туриб)

Демак, бирдир барингизнинг қонингиз,

Таассуф, турли бўлмиш имонингиз.

Кими бўлса иши рашку разолат,

Дучор бўлгусидир ҳар турли офат.

Ю с у ф:



Келибсизлар магар остона ҳатлаб,

Эрур лутф — илтифот бизларда матлаб.

Бироқ сўзланг, на кечди қисматингиз,

Адаштирган инингиз истадингиз?



І м у с о ф и р:

Адаштирдик сени чўлда ўшал кун,
Итардик боз қудуққа айлаб афсун.
Бориб этдик «йўқотдик» деб овоза,
Падар пойига урдик бошни тоза.
Бироқ, бўлмиш бу асрордан хабардор.

ІІ м у с о ф и р:

Ўшал дамдан ҳолимиз бўлди душвор
Олиб кел, деб қудуқ сори юборди.
Таассуф, топмадик ҳаттоки гардинг.

ІІІ м у с о ф и р:

Падар амрин санаб одил ва ҳақли
Бизи қувди диёрдан Қанъон аҳли.

І м у с о ф и р:

Сенинг ҳаққингга айлаб куп дуолар,
Сураб эрди умр, бахтинг худодан
Шукур, бўлмиш дуолар хўп ижобат!

(Икки ясовул етагидан Зулайхо ва Момо кирадилар. Бир четда турадилар)


Деган эрдик боз айлаб башорат,
Бошингга келгуси ҳар можародан.
Маломат тошидан, ҳар не балодан
Сени асрар эмиш бир пок муҳаббат!

Ю с у ф:

(Хурсиниб)

Билолмам, қайдадир у ўтли қудрат?





З у л а й х о:
(узини тутолмай)

Менинг куксим аро ёнмоқда қат-қат!

Ю с у ф:

А?! (*Ҳамма овоз келган томонга — Зулайхога қараб ҳайрон қолади*)

Нелар кечмоқда оламда, худойим,
Адолат матлабимиз бўлди доим.
Наҳот, йўлимга чиққан нотавон шу.
Муҳаббатдан очар сўз, асли ким бу?

З у л а й х о:

Зулайхо!

Ҳ а м м а:

Зулайхо! Ё, раббий!

Қ у л б о б о:


(*Зулайхонинг аҳволини кўриб*)
Не коринг бўлди бу қудратли Оллоҳ,
Сунибдир эл ичинда бир ёниқ моҳ!

З у л а й х о:

Магар сўнмиш юзидан ҳусн умрбод,
Кўнгилда бўлмади ҳеч ишқи барбод!

Ҳ а м м а:

Тасанно, маликам! (*Бош чайқайдилар.*)



Ю с у ф:

«Зулайхо, қайдадир ҳусну жамолинг?

З у л а й х о:

Тилаб кетди сенинг базми висолинг!

Ю с у ф:

Дегил ким айлади ҳам сарви нозинг?

З у л а й х о:

Сенинг ул бори ҳажри жонгудозинг!

Ю с у ф:

Ёниқ кўзинг недин бенур бўлди?

З у л а й х о:

Йулингда қонлар оқиб кўр бўлди!»*

Ю с у ф:

Ё раббий!

Наҳот, қошингда шундоқ кўп гуноҳим,
Гуноҳимни кечиргайсан илоҳим.


(Зулайхога)

Муродингизни айтингиз маликам,
Бажо айлай ширин жондан кечиб ҳам.

З у л а й х о:

Бу жону тан эди Сизга омонат,
Келиб етдим, шукур, қилмай хиёнат.

* Қуштирноқ ичидаги диалог Абдурахмон Жомийдан.



Ҳамон бирдир менинг орзу-муродим,
Ҳузурингизда бўлмоқ фикру-ёдим.
Эшикингизда итдек ётмогим бас,
Дилингиз дод ила уфғотмогим бас!

(Юсуф ҳаяжонда, вазирга қарайди)

В а з и р:

Шаҳаншоҳим, бир кўп эъзозга лойиқ,
Маликамни тутар бошда халойиқ.

З у л а й х о:

Умидим бор, қўлингизда ҳаётим,
Муҳаббатдир ҳамон бахту нажотим!

Ю с у ф:

Муҳаббат деб аталган ўтли қудрат,
Ишонгаймен, кучингни энди кўрсат!
Гуноҳимни эл олдида ювай мен,
Шу пок дилдан губорларни қувай мен.
Дилимнинг поклигин кўрсат жаҳонга.

(Келиб Зулайхонинг елкаларидан тутуди. Силайди.)


З у л а й х о:


(Қадди ғозланиб)

Ажиб бир ўт югурди жисму жонга!
Шаҳаншоҳим, қўлингиз ё ҳаётму?

Ю с у ф:

Маликам, ишқингиз берган нажот бу!





З у л а й х о:

Билингки пок экан ишқим, умидим!

Юсуф:

Эрур поклик умидларнинг калиди!

(Зулайхонинг сочларини силайди. Оппоқ сочлар тим-қора қирқ кокилга айланади.)

Дилим ичра муҳаббат номли гавҳар
Бу кўзларга жаҳонни эт мунаввар!

(Зулайхонинг юзларини силаб, кўзларини бир-бир упади. Юзлар таранглашиб, кўзлар ярқ очилади.)

Ҳ а м м а:

Ё, раббий!

Ю с у ф:

(Зулайхо ҳуснига лол)

Маликам, бу сизми?

З у л а й х о:


Ўзимман, шоҳим!


Ю с у ф:

Шукур етказди орзумга илоҳим!

(Музика)

Менинг ёдим-ла уйгонган
Наҳотки сен эдинг гулрух,
Муҳаббат ўтида ёнган
Наҳотки сен эдинг гулрух.





З у л а й х о:

Куриб тушда жамолингни,
Этолмай тарк хаёлингни.
Умид айлаб висолингни,
Иши нолон Зулайхоман!

Ю с у ф:

Жамолинг партавидан
Бенасиб дийдам суқир эркан.
Юсуф, деб ўзидан тонган,
Наҳотки, сен эдинг гулрух?

З у л а й х о:

Дилим очсам юзинг бурдинг,
Неча йил зор этиб юрдинг,
Ахир васлингга еткурдинг,
Бу кун шодон Зулайхоман!

Ю с у ф в а З у л а й х о:


Не бахтки, сен каби гулрух,
Дилин мулкида танҳоман.

(Ҳамма саҳнани тулдиради.)

Ю с у ф:

Шукурларки, малак қошимга келмиш,
Тилаб бахтим халойиқ ҳам йигилмиш

(Зулайхонинг бағрига босиб)



Сенинг ишқинг нажотим бўлди доим,
Шукур васлингга еткурди худойим!

З у л а й х о:

Йулингизга тўкиб ашки равоним,
Тилардим пойингизда чиқса жоним.
Бу кун орзумга етдим, иншооллоҳ!
Бошим... кўксингиз... устида...

*(Боши тушиб кетади. Юсуф кутариб олади. Даҳшатли му-
сиқа)*

Ю с у ф:

Зулайхо!!! *(Силкитади)*

М о м о:

Зулайхо, болам!


*(Юсуф даҳшат билан укиради. Зулайхога термулади. Бир
нафас сукут. Бирдан ҳўнграйди.)*

Ю с у ф:

(Ария)

Қувончим сен эдинг моҳим, қувончимни олиб
кетдинг,
Ишондим сенга бахтим деб, ишончимни олиб
кетдинг.
Билардинг-ку гариб, уксик эдим танҳо бу мулк
ичра,
Таянчим деб эдим ёлғиз, таянчимни олиб
кетдинг.
Висолингдан ганий эрдимку ганж топган гадо
янглиг

Шу давлат-ла юпангандим, юпанчимни олиб
кетдинг.



Гуноҳим недир Аллоҳим, ўзинга етмади оҳим,
Умид йўлида ҳамроҳим — суюнчимни олиб

кетдинг.

Қувончсиз, ҳам суюнчсиз, ҳа юпанчсиз найлагум
энди,
Иложим йўқ тирикликка, иложимни олиб кетдинг.

Ю с у ф:

Келиб эрдим сени излаб фанога,
Кетурман сен билан дорулбақога.
Уф!

(Жони чиқиб кетади. Йиқила бошлайди).

Ҳ а м м а:

(Келиб тиклаб қолишади)

Шаҳаншоҳим, давлатпаноҳ, мулкимизни етим
қилиб кетманг!

Қ у л б о б о:

Эвоҳ, бу қабоҳатли тахт яна бир пок муҳаббатни
барбод этди!

В а з и р:


(Ўртага чиқиб)

Мулк аҳлига хабар қилинг, адолатли шаҳаншоҳ
Юсуф ибн Яъқуб Канъонни дафн этишга ҳозир-
лик кўрилсин!

Қ у л б о б о:

Тухтанг! Тожу тахтни дафн этиб булару, муҳаб-





батни дафн этиб бўлмас! Булар пок ишқ ва садо-
қатнинг тимсоли бўлиб қоладилар.

(Саҳна айлана бошлайди. Ҳаракат давом этади. Саҳна залга ўгирилганда баланд супа устида, Зулайхони кўтариб унга термулиб турган Юсуф ҳайкал шаклида намойён бўлади. Унинг пойида халқ. Қулбобо олдинга чиқади.)

Қ у л б о б о:

Жаҳон бўлсин десак, бахт бирла мумтоз,
Муҳаббатни этайлик мангу эъзоз.

Ҳ а м м а:

(Ҳайкалга термулиб)

Жаҳон бўлсин муҳаббат бирла мумтоз,
Муҳаббатни этайлик мангу эъзоз!

П а р д а

МУНДАРИЖА

Фазаллар

Дебоча	6
Агар сен	7
Кузгуга	8
Келмаганинга	9
Бизнинг Намангонда	10
Бошинг ёстиққа етганда	11
Кучамдан жонон утганда	13
Сафарда	14
Ҳар лаҳза, ҳар лаҳза	15
Қадаҳ сузи	16
Кел, эй дилдор	18
Қушиқ	19
Не ажаб	20
Қаҳратоннинг қаттиқ ҳазили	22
Сев	24
Лаҳза	26
Булмасанг	27
Ёнимда сен булсанг	28
Кетсанг	29
Наврўзинг муборак	30
Кузларинг	31
Омад	32
Задарё гузалига	34
Шайдо десанг де	35
Дарё	36
Не илож	37
Гулим, нечун	38
Муҳаббат	39
Бозор иқтисоди	40
Келгайми, келмагайми	41
Сенга	42
Илҳом парисига	43
Сиздан садо	44
Намангон қизлари	45

Ўрганса-чи	46
Нигоҳинг	47
Билиб-билмай	48
Нетай	49
Ой	50
Сенчалик	51
Камситмагил	52
Гулгинам	53
Боғда	54
Жонгинам	55
Хушбуйгинам	56
Гулим	57
Сизни соғинсам	58
Гузалим	59
Висол оқшомида	60
Қўзингдан	61
Навруз таронаси	63
Истак	65
Умринг узун бўлсин	67
Бир бурда нон	69
Сиз тугилган кун	70
Бир гузалким	71
Ўртамизда	73
Сен ягона	74
Кошкийди	75
Чегарачилар қўшиғи	76
Водий таронаси	77
Сочинг атри	78
Яралгандир	79
Соғиниш	81
Қолса бас	82
Менинг бахтим	83
Қадрига ет	84
Бир нигоҳ	86
Юракка хитоб	87
Шараф	88
Шўх	90
Ошиқ эсанг	91
Нозлигим	92
Этмиш	93
Эл ичра таърифингиз	94
Эй, ҳаёт	95
Баччагар	96

Навой	98
Раъноси йўқ	100
Ўлим йўқ	101
Чуст богида	102
Биздан гуноҳ	104

Қ а с и д а л а р

Аёллар	105
Ифтихор	108

М у с т а з о д

М у х а м м а с л а р

Муборакбод	120
Намангон таронаси	122
Илтижо	125
Атоий газалига мухаммас	127
Бобур газалига мухаммас	129
Яратибдур (<i>Машраб газалига мухаммас</i>)	131
Эшигингда (<i>Машраб газалига мухаммас</i>)	133
Ёрнинг куйида (<i>Машраб газалига мухаммас</i>)	135
Булгаймукин (<i>Машраб газалига мухаммас</i>)	137
Мубтало қилди	138
Дилдор мандин ўзгага (<i>Огаҳий газалига мухаммас</i>)	140
Умидим бу эдиким (<i>Огаҳий газалига мухаммас</i>)	142
Қачонким ул пари (<i>Огаҳий газалига мухаммас</i>)	145
Мубтало (<i>Муқимий газалига мухаммас</i>)	148
Сансиз (<i>Муқимий газалига мухаммас</i>)	151
Қилмасун (<i>Муқимий газалига мухаммас</i>)	153

М у с а д д а с л а р

Ватанга таъзим	156
Дустларимга	160
Фарзандларим	163

М у р а б б а

Болаликка ёр шоир	166
Сенсиз	167

Марсиялар

Нидо келди	168
Алвидо	169
Наҳот	171
Абдулла Қаҳҳор хотирасига	175
Абадият	177
Бургутнинг сунгги парвози	179

Рубоийлар

Драма

<i>Юсуф ва Зулайхо</i>	192
----------------------------------	-----

Адабий-маърифий нашр

ЎАБИБ САЪДУЛЛА

ТАНЛАНГАН АСАРАЛАР

Иккинчи жилд

Тошкент
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
2002

Муҳаррир: *Б.Эшпулатов*
Мусаввир: *В.Куликов*
Бадий муҳаррир: *М.Самойлов*
Техник муҳаррир: *Д.Габдрахманова*
Саҳифаловчи *М. Атхамова*
Мусаҳҳиҳ: *Н. Мухамедиева*

Теришга берилди 1.02.2002. Босишга рухсат этилди 25.02.2002. Бичими 84x108^{1/32} "Myth" гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма 14,28. Нашриёт-ҳисоб табоғи 13,7. Адади 5000 нусха. Буюртма № 3072. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.